

Абдулхамид Қадрий

# НАСРОНИЙЛИК АҚИДАЛАРИ

Абу Муслим таржимаси

بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

Мусулмон бўлмаганлар учун даъват айрим ўзига хос хусусиятларга эга. Мусулмон даъватчиси Исломнинг хабарларини етказиш ниятида бўлган халқнинг диний эътиқоди ва диний маданиятини билиши ва танқидий баҳолай олиши лозим. Даъват хизматчиси у мурожаат қилаётган шахс билан битта тўлқинга самарали созланиши мумкин бўлиб, бу фақатгина унинг руҳий хусусиятларини яхши билган ҳолатдагина англаб етилган суҳбат учун зарурдир.

Эҳтимол, айнан шундай муҳитда Қуръон нафақат ўша пайтлар ҳукмронлик қилган йирик диний тизимлар ҳақида ахборот берган, балки бу дин ва эътиқодлар борасида ўз шарҳлари ва танқидларини ҳам тақлиф қилган. Айнан Қуръон таъсири остида мусулмонлар таълимоти бошқа динларни ўрганишнинг ушбу муҳим жиҳатини ҳеч қачон эътиборсиз қолдирмаган. Динларни қиёсий тадқиқ этиш соҳасида мусулмонлар анъаналари мусулмонлар таълимоти билан бир хилда қадимийдир. Расулulloҳ соллоллоҳу алайҳи васаллам асҳоблари давридан то ҳозирги кунларгача ўзини Исломдан фарқ қиладиган динларни ўрганишга бағишлаган олимларни топишимиз мумкин.

Насронийлик, тарафдорлари сони бўйича жунёда энг йирик дин бўлгани ҳолда, узоқ вақтлардан буён мусулмон олимлари ва тадқиқотчиларининг эътиборини жалб қилиб келади. Шахристоний, Ибн Хазм, Ибн Таймийя, Раҳматулла Каранвий каби олимлар томонидан Библиянинг танқид қилиниши ҳамон динларни қиёсий ўрганишда муҳим йўналиш бўлиб келмоқда. Бу ўрганиш айниқса, Ислом даъвати хизматчиларининг насроний миссионерлар билан бир-бирига қарши бўлиши кузатилган ҳолларда қизгин рўй беради. Бунга Раҳматуллоҳ Каранвий даврида Ҳиндистонда ва XIX асрда мусулмон олимларининг тадқиқотлари ёрқин мисол.

Ҳозирги пайтда шунга ўхшаш вазият мусулмон дунёсининг айрим қисмларида, масалан, Африканинг айрим мамлакатларида юзага келган. Ислом ва насронийлик ўртасида интеллектуал тўқнашувлар ва теологик баҳс-мунозаралар давом этмоқда, мусулмон олимлари ва даъват хизматчилари доимий равишда уларни бу соҳада маърифатли қилиши мумкин бўлган адабиётларга эҳтиёж сезмоқда. Ушбу китоб ҳам шу нуқтаи назардан тақдим этилган. Биз олим, жаноб Абдулҳамид Қадрий ва Лаҳордаги Ислом миссиясига ушбу китобни нашр этишга рухсат берганликлари учун миннатдорчилик билдираимиз.

Доктор Маҳмуд Ғозий

## МУҚАДДИМА

«Насронийлик ақидалари» китоби муаллиф томонидан улкан тадқиқотчилик ишлари натижасида ёзилган. Инжилларга оид тарихий асарлар мажмуасидан ташқари, насронийлик ақидалари ва маросимлари ҳақида маълумотлар улардан олинган бошқа турли манбалар ҳам диққат билан ўрганиб чиқилган, кўп сонли ҳаволалар эса қилинган хулосалар борасида асло ҳеч қандай шубҳа уйғонмаслиги учун мантиқий хулосаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида келтирилган.

Насронийлик мустақил дин эмаслиги Исо Масихнинг Инжилда бир неча марта келтирилган, у ва унинг рисолатлари фақат Исроил учун келганлиги ва унинг рисолати Исроил билан яқун топиши ҳақида баёнотларидан кўриниб турибди: "Аксинча, адашган қўйларга ўхшаган Исроил халқи олдига боринглар"<sup>1</sup>; "Исо эса жавоб бериб: "Мен фақат Исроил халқининг адашган қўйлари ҳузуригагина юборилганман", – деди"<sup>2</sup>.

Бироқ Павел Устозининг хабарини бузиб, ўзгартириб етказди ва насронийлик динини мустақил дин сифатида қарор топтиришга эришади. У Исо Масихнинг таълимотини ўзгартириб, унга асосан мажусийликдан ўзлаштирилган янги мафкура олиб киради. Таълимот билан дадил муомалага мисол қилиб хатна қилдириш муқаддас маросимини келтириш мумкин. Исо Масихнинг ўзи дунёга келган кунидан кейин 8-кун хатна қилдирилган<sup>3</sup>. Бироқ келиб чиқиши яҳудийлардан бўлмаган диндорларни ўз тарафига оғдириб олиш учун тап тортмасдан бу маросимни бекор қилди. Агар насронийлар Худонинг кўрсатмаларини бузган бўлса, улар Унга содиқ бўла оладиларми? Насронийлик учта асосий арконга таянади, бу – Учлик; Гуноҳларнинг ювилиши ва Исо Масихнинг илоҳий эканига ишониш. Библияда Учликдан асар ҳам йўқ. Аксинча, у Худонинг бирлик ғоясини тарғиб қилади. Иккинчи юз йилликнинг охирларига келиб, Учлик диний битикларга киритилди ва эраизмнинг 325 йили Никей Собори Учликни насронийлик таълимотида асосий деб қабул қилди. "Шунда Исо: "Йўқол кўзимдан, шайтон! Чунки Тавротда: "Эганг – Худовандга сажда

---

<sup>1</sup> Матто, 10: 6.

<sup>2</sup> Матто, 15:24.

<sup>3</sup> Луқо, 2:21,27

қил, биргина Унга итоатда бўл", деб ёзилган", – деди"<sup>4</sup>;

"Абадий ҳаёт эса Сени – танҳо Ҳақ Худони ҳамда Сен юборган Исо Масиҳни таниб-билишдан иборатдир"<sup>5</sup>.

" Ҳузурингизда шуни эътироф этаманки, улар бидъат деб атаган Йўлнинг избосари ўлароқ, ота-боболарим сиғинган Худойи Таолонинг ҳақиқий бандасиман. Таврот ва Пайғамбарлар китобида ёзилганларнинг ҳаммасига инонаман"<sup>6</sup>.

Исо Масиҳни аёл туққанди, у овқат ерди, ичимлик ичарди ва Библияга кўра, хочга михланганди. Улар маҳали "Соат учда Исо баланд овоз билан: Элоҳи, Элоҳи, ламо шавақтани? – деб фарёд қилди. Бу сўзнинг таржимаси: "Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб қўйдинг?" – демақдир"<sup>7</sup>. Келтирилган иқтибос шундан далолат берадики, Исо Масиҳ барча инсоний хусусиятларга эга бўлган. Агар у инсон бўлмаганида, у синов ва руҳий тушкунлик пайтида Худодан, ўз Яратувчисидан ҳеч қачон ёрдам изламаган бўларди. Бундай руҳий тушкунликка тушган кишини Худо деб ҳисоблаш учун қандайдир асослар бўлиши мумкинлигига кимдир ишониши мумкинми? Уни шундай деб аташ – Парвардигор қудратига олий даражадаги ҳурматсизликдир: "Бола тутмоқ Аллоҳга ҳеч тўғри келмас. У бундан покдир"<sup>8</sup>; "Айт: «У Аллоҳ ягонадир». Аллоҳ сомаддир. У туғмаган ва туғилмаган. Ва Унга ҳеч ким тенг бўлмаган"<sup>9</sup>.

Гуноҳларни ювиш ҳақидаги таълимотга кўра, ҳамма одамлар гуноҳкордир ва фақат Исо Масиҳгина ягона тақоводор бўлиб, инсониятни унинг гуноҳлари оқибатларидан қутқариш учун хочга михланган ҳолда ўлим топган. Яҳудийлар нуқтаи назарига кўра, Исо хочга михланган ва насронийлар Таврот ҳукмини писанд қилмаган ҳолда буни қарор топган ҳақиқат деб қабул қилганлар; "...Ходага қоқилган одам Худо томонидан лаънатлангандир"<sup>10</sup>. Бошқача қилиб айтганда, ўз-ўзидан маълум деб қабул қилинадик... уларнинг пайғамбари ланатланган! (Астағфируллоҳ) Хочга михлаш гуноҳни ювиш учун насронийларнинг олий руҳонийлари тамонидан Исо Масиҳдан сўнг бир неча аср ўтиб, қанчалик жирканч бўлишидан қатъи

---

<sup>4</sup> Матто, 4: 10

<sup>5</sup> Юҳанно, 17: 3

<sup>6</sup> Ҳаворийлар, 24: 14

<sup>7</sup> Марк, 15:34

<sup>8</sup> Марям сураси, 35

<sup>9</sup> Ихлос сураси, 1-4

<sup>10</sup> Қонунлар, 21: 23

назар, барча гуноҳларнинг Илоҳий кечирилиши ҳақидаги таълимот ишлаб чиқдилар. Гуноҳлар ювилишининг асоси шунда эдики, Исодан ташқари барча одамлар гуноҳкордир, лекин Инжил буни инкор қилади. "Шу кундан бошлаб Исо: "Тавба қилинглар, чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди", — деб ваъз қиладиган бўлди"<sup>11</sup>; "Соғлар эмас, хасталар табибга муҳтождир. Боринглар— да, Тавротдаги: "Мен қурбонлик эмас, раҳм—шафқат истайман", деган оятнинг маъносини ўрганиб келинглар. Ахир, Мен солиҳларни эмас, гуноҳкорларни тавбага чақиргани келганман"<sup>12</sup>; "Сизларга айтаманки, худди шу сингари, тавбага ҳожат сезмаган тўқсон тўққиз солиҳ одамдан кўра, тавба қилган биттагина гуноҳкор учун осмонда кўпроқ шодлик бўлади"<sup>13</sup>. Келтирилган иқтибослар яна бир бор шундан далолат берадики, Исо гуноҳкорлар тақводорлар билан ёнма-ён мавжуд бўлиши, худди соғлом кишилар шифокорга эҳтиёж сезмаганидек, тақводорлар ҳам тавбага муҳтож эмаслигига ишончи комил бўлган: "Исо уларга деди: Менинг овқатим — Мени Юборганнинг иродасини адо этиш, Унинг ишини тугатишдир"<sup>14</sup>. Бинобарин, у Худо томонидан пайғамбар сифатида юборилган ва унинг мақсади ҳақиқатни тарғиб қилиш бўлган. Фаросатли ва эс-ҳуши жойида бўлган биронта киши гуноҳларни ювишнинг асосини ташкил қиладиган дастлабки гуноҳ ақидасига рози бўлиши мумкин эмас. Бу Исонинг ўзи томонидан айтилган: "Адолатга ташна бўлганлар бахтлидир, Чунки Худо уларни қондиради... Покдил бўлганлар бахтлидир, Чунки улар Худони кўрадилар"<sup>15</sup>.

Шундай экан, Исо Масиҳ ҳеч қачон дастлабки гуноҳга ва кейинчалик гуноҳларнинг ювилишига ишонмаган. Исо хочда ўлмаган. Исонинг хочга миҳланишини асос қилиб олган гуноҳларни ювиш ҳақидаги таълимот ишончга лойиқ эмас, чунки у энг аввало, Исонинг обрўсига доғ туширади ва у, бутун инсониятнинг гуноҳларини ўзига олган ҳолда, Худо томонидан лаънатлангани ва уч кунга жаҳаннамга туширилгани ҳақида гапиради. Ўз пайғамбарини Худо томонидан лаънатланган ва жаҳаннамга ҳукм қилинган деб айтиш – гуноҳларнинг энг ёмон туридир. Қуръони каримда бу ҳақида узил-кесил аниқ фикр

---

<sup>11</sup> Матто, 4: 17

<sup>12</sup> Матто, 9: 12-13)

<sup>13</sup> Лук., 15: 7

<sup>14</sup> Юҳанно, 4: 34

<sup>15</sup> Матто, 5: 6, 8

билдиради: "Ҳеч бир жон бошқанинг оғирлигини кўтармас"<sup>16</sup>. Шу тариқа насронийликнинг динининг уч аркони вайрон бўлади, чунки биз Инжилларда уларнинг изини ҳам топа олмаймиз. Муаллиф ўқувчиларни насронийлик дининг сир-асрорларидан бохабар қиладиган ушбу ажойиб китобни ёзганлиги учун таҳсинларга лойиқдир.

---

<sup>16</sup> Анъом сураси, 164

## НАСРОНИЙЛАР ТАРИХИ

Ҳар қандай диннинг инсоният тарихида ўз ўрни бор. Баъзи ҳолатларда вақт динни бузмаслиги мумкин, бироқ кўп ҳолатда, у дин барпо бўлган асосларни вайрон қилиб ташлайди. Баъзи динлар туфайли тарихлар ёзилади, баъзилари эса, маълум тарихий лаҳзалар маҳсули бўлади. Насронийликнинг илк кунларига баҳо бериш учун узоқ тарихий ўтмишга, яъни Исо алайҳиссалом туғилган даврларга қайтиш керак, ўша даврдаги диний ҳолатни ўрганиб чиқиш керак.

Фаластин (Исо алайҳиссалом туғилган жой) қадимги тўртта цивилизация марказида жойлашган. Шимолда оракуллар ва турли хил музалар ва Гомер каби шоирлар, Арасту ва Афлотун каби файласуфларни бағрида ўстирган юнонлар юрти бўлса; жанубда мажусийлик, зардушийлик ва Митрик олиҳаларга сиғинадиган форслар юрти; Шарқда Таммуз дини ҳукмрон бўлган Бобил; Ғарбда Осирис, Исида ва бошқа афсонавий маъбудаларга сиғинадиган Миср жойлашган эди. Шундай қилиб, бу макон қадимги цивилизациялар туташган ва бир-бири билан қоришган марказда жойлашган эди. Бани Исроил ўғлонларининг ерлари Фаластин мазкур цивилизациялар ўртасида ноёб ҳолати- ўз дини ва анъаналари билан ажралиб турарди. Бу ерда жуда кўп пайғамбарлар чиқиб "бутун оламдан афзал қилган халқини" тўғри йўлга бошлаб турарди.<sup>17</sup> Исо алайҳиссалом келишидан юз йил олдин турли хил динларнинг қоришуви юз бергани тарихдан яхши маълум.<sup>18</sup> Яҳудийларнинг яккахудолигини Афлотун издошлари баҳс қиларди ва янги динни барпо қилиш учун юнон ва форсларнинг динларидан фойдаланишган. Бу жараёнлар яҳудийларнинг ортодокс менталитетига турли хил таъсир қилган ва охир оқибат яҳудийлар бир нечта мазҳабларга бўлиниб кетди. Исроил уйи шу тарзда бир нечта- фарисей, ессеи ва бошқа жуда кўп гуруҳларга, фирқаларга бўлиниб кетди. Буларнинг ичида ессеилар яҳудийлар ақидасига чет эл колоритини киритишга ҳаракат қилганлар.

Насронийлик Исо алайҳиссалом рисолатларидан ташкил топди, деган ва кенг тарқалган янглиш тушунча бор. Исо алайҳиссалом даъват қилган таълимот Аллоҳ таолодан эди, насронийлик эса (ёки, Бернард Шоу айтмоқчи, "крест - ианство") Исо

<sup>17</sup> Қуръони карим, 2: 47.

<sup>18</sup> Edward Carpenter "Pagan and Christian Creeds", p. 21.

алайҳиссалом таълим берган дин эмас, хатто унга яқин ҳам келмайди. Адашиб кетишди. Насронийлик Исроил уйида туғилган бўлса ҳам, бироқ у гўдаклигида кўкракдан ажратилиб мажусий динлари бағрига ташланди. Шундай қилиб, унга яҳудийликдан бироз мерос тегиб қолди. Ҳозирги, кўриниш қуёшга сиғиниш динларининг асосий белгиларидир. Исо алайҳиссалом "адашган қўйларга ўхшаган Исроил халқи"<sup>19</sup> ўзига эргаштирган ва уларга Ҳақни даъват қилган. Яҳудийлар ва яҳудий эмаслар унинг даъватларини тингламади ва ҳатто уни ўлдиришмоқчи ҳам бўлди. Бахтсизлик рўй бермаслиги учун, Аллоҳ таоло уни осмонга кўтариб, нажот берди.<sup>20</sup> Исо алайҳиссаломнинг бечора шогирдлари чўпонсиз қолган тўдага ўхшаб қолди ва ҳамма уларни тарк қилди. Яҳудий ва мажусийлар тарафидан Исо алайҳиссаломнинг рисолатларига қилинган ҳужумлари оқибатида бу тоза рисолатни булғаб ташлади, мажусий бутларини ҳам янги номлар билан янги динга киритишди. Баъзи сохта шогирдлар бош кўтаришди ва ҳақиқий шогирдлар ўрнини эгаллашди. Пайғамбарнинг оз сонли издошлари Қуддуси шарифда қолган эди. 70 йилларда Қуддуси шарифдаги ибодатхона вайрон қилинганч улар тарқаб кетишди ва Исо алайҳиссалом рисолатларини тарқтмоқчи бўлган бироқ бу ишда муваффақият қазона олмади.

Шу вақт яҳудий Павлус (аввалги исми Савл) Антиохияда муқобил черков ташкил қилди. У уч хил турдаги одамларга дуч келди; биринчи, Исо алайҳиссаломнинг жуда кам сонли издошлари, улар аксари устозларига номигагина содиқ бўлган; иккинчидан, Исо алайҳиссаломга қарши душманлик қилган яҳудийлар; ва ниҳоят шариятни бало деб билган яҳудий бўлмаган мажусий, мушриклар. Уларни Исо алайҳиссалом ит, деб айтган.<sup>21</sup> Яҳудийлар буларни шартидан ташқари ушлашга ҳаракат қилиб, уларни гуноҳкор ва амаллари учун балога йўлиққан деб ҳисобларди. Шу тарзда яҳудий бўлмаганлар, мажусийликни ўзларига дин қилиб олди. Павлус ўзини ҳаворий деб эълон қилди. У Исо алайҳиссаломнинг ҳақиқий ҳаворийлари билан ҳам учрашган ва уларнинг заиф тарафларини жуда яхши

---

<sup>19</sup> Матто, 10: 6; 15: 24.

<sup>20</sup> Коран, 4: 157. Хотя христианский мир сегодня и отрицает это, тем не менее, в раннюю эпоху было много таких сект, как коринфяне, и др., веривших, что был распят не Иисус, а кто-то другой вместо него. Сходны заявления в евангелие от Варнавы (ССХХI, стр. 245), "Затем перед их глазами четыре ангела вознесли его на небо".

<sup>21</sup> Марк, 7: 27, Матто, 15:26.

билган. У асосан яҳудий бўлмаганларга даъват қилишга ҳамда барча сайъи-ҳаракатларини уларга қаратишга қарор қилади. Уларнинг орасидан ўзига жуда кўп тарафдорлар орттирди. У юнон фалсафаси таълим бериладиган ва юнон менталитети учун бирламчи манба бўладиган Тарс деган шаҳарда дунёга келди.<sup>22</sup> Рисолатга алоқаси бўлмаган одамлар ва миш-мишлар орқали етиб келган Исо алайҳиссалом рисолатларига юнонларнинг ғояларини олиб кирган муҳим шахс бўлди. Павел фаолияти Исо алайҳиссаломнинг ҳақиқий издошлари орасида ҳеч қандай обрўга эга эмас эди. Энг камида унинг иккита шогирди Петр ва Варнава уни тарк қилган.<sup>23</sup> Петр ундай одамлардан эҳтиёт бўлинглар, деган.<sup>24</sup> Янги Аҳд Исо алайҳиссаломнинг укаси деб айтган Яқуб ҳам уни “ақлсиз одам”, деб айтган.<sup>25</sup> Яқуб Павлусга юборган мактубида унга ёзади: “Ҳолбуки, сизларнинг димоғингиз кўтарилиб, кеккайиб юрибсизлар. Ҳар қандай кеккайиш эса ёвузликдир”.<sup>26</sup> Ёки мана бу каби у ўзи ҳақида қилган эътирофида шундай дейилган: “Агар менинг ёлғончилигим туфайли Худонинг ҳақиқати янада улғурок бўлар экан, менинг устимдан гуноҳкор деб ҳукм чиқарилиш тўғри бўладими?”<sup>27</sup>

Ҳақиқатда эса, Исо алайҳиссаломнинг энг биринчи шогирдлари Павлуснинг макр-ҳийлаларидан кўрққан, агар Варнаванинг (12 шогирднинг бири) аралашуви бўлмаганида улар унинг Исо алайҳиссалом шогирди эканига ишонмаган бўларди.<sup>28</sup> Бирок, Павлус жуда қаттиқ ўжар одам эди ва қисқа вақт ўтиб энг биринчи 12 шогирддан ҳам ошиб тушди. У ягона қонун чиқарувчига айланди: У Исо алайҳиссаломнинг ҳақ таълимотини ўзига келаётган ваҳий<sup>29</sup> деб таъвил қиларди. У шу тарзда Исо алайҳиссаломнинг рисолатларини юнон мушрикларининг ибодатхоналарига олиб кирди ва Исо алайҳиссалом таълимотлари ўрнига ўзи янги Павлус “крест – инство”синини жорий қилди. Насронийлик тарихчиларининг аксари бу диннинг асосчиси Исо алайҳиссалом эмас, балки айнан Павлус эканини айтишади. Бу ҳақда Доктор Иоханнес Висе: “Павлус тақдим қилаётган Масихга

---

<sup>22</sup> A Rationalist Encyclopaedia, article "Paul".

<sup>23</sup> Деяния..., 15; 36-40 и Послание к галатам, 2: 13.

<sup>24</sup> Второе послание Петра, 3: 16-17.

<sup>25</sup> Послание Иакова, 2: 19-20.

<sup>26</sup> Послание Иакова 4: 16.

<sup>27</sup> Послание к римлянам, 3: 7.

<sup>28</sup> Деяния..., 9: 26-27.

<sup>29</sup> Послание к галатам, 1: 11-12 и Второе послание к Тимофею, 3: 16.

иймон кетлириш, Исо алайҳиссалом даъватларига нисбатан янги бидъат эди”, деб айтади.<sup>30</sup>

Цюрих университетиде бир вақтлар илоҳият фанлари бўйича профессор бўлган Доктор Арнольд Мейер: “Агар биз насронийлик деганида, ер юзидаги инсониятга алоқаси бўлмаган ва бокира туфайли инсон шаклига келган ва хочда ўзини қурбон қилган Худонинг ўғли Масих деб ишонадиган бўлсак, бу динни роббимиз эмас, балки Павлус ўйлаб топгандир.<sup>31</sup>

Алалоқибат Павлус муваффақият қозонган бўлса ҳам, аввалида у илк насронийлик таъсирини бартараф қилишда катта қийинчиликларга дуч келган. Вақти-вақти билан унга қарши гап-сўзлар чиқиб турган. Сўнг у мустаҳкам ўрнашиб олди. Ҳатто II асрда ҳам уни “бидъатчилар ҳаворийси” дейишар эди.<sup>32</sup> Бундай муҳим, фитналарга тўла бир замонда на Янги Аҳд на муқаддас ҳаворийларнинг бошқа асарлари бор эди. Исо алайҳиссаломга эргашувчилар учун қўлланма бўладиган Исо алайҳиссаломнинг даъватлари, маърузалари ҳам жам қилинмаган эди. Уларнинг муқаддас китоблари Эски Аҳд бўлиб, Исо алайҳиссалом рисолатларининг ҳақлигини исботлаши учун ундаги башоратлардан фойдаланишар эди.<sup>33</sup> Исо алайҳиссалом даъват қилган Инжил<sup>34</sup> йўқолган ёки атайин йўқ қилинган ва уларнинг ўрнини сохта шогирдлари ёки номаълум одамларнинг инжиллари билан алмаштирилган эди. Бундай сохта асарларни одамларга тан олдириши учун, бу асарлар Исо алайҳиссаломнинг ҳақиқий шогирдларига нисбат берилар эди.

Баъзи апокриф инжиллардан ташқари<sup>35</sup> синоптик хушхабарлар (Аввалги учта канонлаштирилган инжил) ўша давр маҳсули ҳисобланади. Бу қадар жуда кўп инжил ва бошқа муқаддас ёзувлар насронийлар жамоатини фирқаларга бўлиб ташлади. Уларнинг ҳар қайсисининг ўз ақидалари бор эди. Эбонийларни юқорида зикр қилинган Якуб бошқарар эди. Яна бошқа салмоқли фирқаларнинг бир Насронийлар ёки христианлар

---

<sup>30</sup> Paul and Jesus.p130.

<sup>31</sup> Mayor, Arnold (Jesus or Paul, 122). См. так-же Origin of the New Testament", p. 23, by Dr. William Wrede, and Religions of the World" Gerald L. Berry; "Иисус всегда оставался евреем, но еврей Савл стал Павлом, основателем христианства".

<sup>32</sup> Thomas Whittaker, "The Origins of Christianity", 1914, p.43.

<sup>33</sup> George P. Fisher, "History of the Cristian Doctrine", p. 72; Joseph Wood, "The Bible - What is and is not", p. 30; F. Gladstone Bratton "A History of the Bible", p. 145.

<sup>34</sup> Марк (10: 29) и Лука (I: 1-2) явно ссылаются на Евангелие от Иисуса.

<sup>35</sup> J. T. Sunderland в своей книге "The Bible, its Origin, Growth and Character" насчитал 109 таких Евангелий (см. стр. 170),

бўлиб, уларнинг пешвоси Яҳё пайғамбар эди. Ушбу икки фирқа Павлуснинг ҳаворийлигини тан олмаган. Яқуб эса Исонинг Худо эканини ҳам тан олмаган.<sup>36</sup> Бундан ташқари, Мартсион деган кимса гностик таълимотидан таъсирланиб анъанавий таълимотдан узоқлашди ва мартсионийлар деган фирқа эътиқодига асос солди. Бу фирқа VIII асргача мавжуд бўлган.<sup>37</sup> Худди шу тарзда Монтанус деган шахс ҳам монтанийлар фирқасига асос солди. Унинг айтишича, у Инжилда ваъда қилинган Параклетдан илҳомланган.<sup>38</sup> Павлус, Юҳанно ва Яҳудонинг бир мактуби (булар айна вақт Янги Аҳд таркибига кирган) ўша даврдаги янги таълимот ичида қайнаган фитна олови ва бу олов ҳар қандай чегарадан ўтганига далил бўлади. Буларнинг ҳаммаси янги дин учун бирон бир яхшилик келтирмаслиги аниқ эди. Аксинча, буларнинг ҳаммаси фирқачиликдан далолат эди. Охир оқибат ақийда масалаларида Шарқ Ғарбга муҳолиф бўлиб қолди.

Иккинчи асрда ҳам ҳолат ўзгаргани йўқ. Нероннинг насронийларни тақиб қилиши оловга май сепганидек бўлди. Янги жамоа аъзолари ўз имонлари учун таъқибга учрадилар. Янги дин бузғунчи ва ҳукуматга қарши, деб эълон қилинди. Баъзи насроний муаллифлар, Рим ҳукумати насронийларни оммавий қирғин қилган, дея жуда ошириб юборишган. Булар анча бўриттириб юборишган. III асрда яшаб ўтган Ориген: "Фақат баъзилар аҳён-аҳёнда насроний дини учун ўлдирилган, уларни осон санаш ҳам мумкин", деб ёзади.<sup>39</sup>

Таъқибларнинг миқёси қанчалик бўлмасин, буларнинг насронийлик тарихига таъсир қилганига шуба йўқ. Юнон ва митрачилар бу ҳолатдан унумли фойдаланиб, сўнги зарбасини берди. Мажусийликка қайтиш ҳақида гап бўлиши мумкин бўлмасада уларнинг бегона ғоялари ўз таъсирини ўтказди ва бу нарса, охир оқибат, аста-секин гўрга олиб борадиган заҳар каби бўлди.<sup>40</sup> Ушбу асрда тўртинчи Хушхабар ҳам пайдо бўлди.<sup>41</sup> Ва яна ушбу аср насронийлар фирқаларга бўлиниб кетишининг гувоҳи бўлди. Зикр қилинган фирқалар бегона ва зарарли ғоялар

---

<sup>36</sup> J. M. Robertson "A Short History of Christianity", pp. 6-8.

<sup>37</sup> Ibid, p.98.

<sup>38</sup> Ibid, p. 99.

<sup>39</sup> Цитата по Hector Hawton in "The Thinker's Handbook",?. 198.

<sup>40</sup> T. R. Glover "The Conflict of Religions in the Eeriy Empire", p, 144.

<sup>41</sup> F. Gladstone Bratton, op. cit., p. 140. См. также Rev. W. C. Somerville, "A First Introduction to the New Testament", p. 66.

таъсирига қарши тура олмади, натижада, янада бир-бирига қарши бўлган фирқалар сони кўпаяверди. 200 йил черков тарихида илк бор Тертуллиан тарафидан “Муқаддас учлик” (троица) истилоҳи ишлатилди. Ушбу асрда гностик ва марциончилар ҳаракати пайдо бўлди. Анъанавийчилар бу ҳаракатларни бидъат деб эълон қилди.

III асрда черков даҳшатли ихтилофлар ичида қолди. Ички ихтилоф ва бўлиниш ташқи таъсирлар билан Исо алайҳиссаломдан қолган оз рисолат изларини ҳам йўқ қилиб юборди. Бунинг ўрнига мажусийликка яқин бир дин пайдо бўлди. Таниқли тарихчи, Г. Уэллс бу ҳақда ёзади: “Насроний ўз даврининг халқ динларининг ритуалларини аста-секин қабул қилиб олгани табиийдир... бир қўшимча бошқа қўшимчалардан кейин келаверган. Оригинал инқилобий таълимотлар, деярли аста-секинлик билан бу каби одатий қўшимчалар билан дафн қилинди.<sup>42</sup>

Гуноҳларни ювиш ва гуноҳлар эвазига қурбонлик қилиш, мажусийликдаги чўқинтириш, Худо ҳақидаги учлик ақидаси (Худонинг учта юзи бор деб билиш), Худонинг ўғли ҳақидаги афсоналар бир пайтлар қуёшга сиғинадиганларнинг диний тамойиллари эди, бир кун келиб эса, насронийлик динининг асосларига айлана бошлади.

Фаустус (IV аср ёзувчиси) Маъсуд Августинни “Сиз мажусийликдаги қурбонликларни ўзларингизникига алмаштирдингиз; уларнинг маъбудлари ўрнини сиз ҳурмат қиладиган шаҳидлар эгаллади. Ўлганларингизни шароб ва базмлар билан рози қиляпсизлар; сизлар мажусийларнинг дабдабали байрамларини нишонляяпсизлар; сизлар мажусийларнинг қуёшга топинишини байрам қиляпсизлар; уларнинг урф-одатларини эса ҳеч қандай ўзгаришларсиз қабул қилдингизлар. Агар улардан алоҳида мажлисларингиз бўлмаганида мажусийлардан сизларни ҳеч ҳам ажратиб бўлмасди” деб айблаганида ҳақ эди.<sup>43</sup>

Бу жараёнлар таъқиблар кўламини пасайтирди ва натижада жуда кўп мажусийлар насронийликни қабул қила бошлашди.

242 йили форслардан бўлган Маний ўзини Исо алайҳиссалом башорат қилган параклет, деб эълон қилди. Яҳудийлик, эллин ва насроний таълимотларининг синтези рўй бериб яҳудийлар ва

<sup>42</sup> H. G. Wells "The Outline of History", p. 513. 27- Edward Carpenter, op. cit.

<sup>43</sup> Цит. по William Draper in "Intellectual development of Europe", vol. 1, p. 309.

мажусийларни рози қиладиган янги таълимот бўй кўрсата бошлади. Бу таълимот ўрмондаги ёнғин каби тарқалиб насронийликка рақобат қила бошлади ва сезиларли даражада насронийлик тафаккурини булғади.<sup>44</sup> Бу секта Исо алайҳиссаломнинг вакили ҳисобланган ўз раисига ва 12 шогирди –ҳаворийларига эга эди.<sup>45</sup> 277 йили Форсда Маний хочга осилди ва танасидан териси шилиб олинди.<sup>46</sup>

IV аср воқеалар ривожини ўзгача тус олиб кетди. 302 йил аввал жоҳил бўлган император Константин насронийлик динини қабул қилди. Насроний давлат динига айланди. Сўнг, Милан эдикти эълон қилинди. Мазкур эдиктга кўра, виждон эркинлиги таъминланадиган ва ҳеч кимни бирон бир динга мажбур қилмаслик тамойиллари бор эди.<sup>47</sup> Ва истаган одам насроний динига эркин эътиқод қилиши ва бунинг учун махсус рухсатнома олиши шарт эмас, дейилганди.<sup>48</sup>

Императорнинг ўзи эса, барча фирқаларни бирлаштириш учун турфа чораларни ишга солди.

Бу асрда черков ўз тарихида кўрмаган ақидавий фирқаланишларни бошидан кечирди. Арий исмлиқ Искандария архиепископи, Исо алайҳиссаломни Худо эмас деб чиқди. Бу эса ўз навбатида насроний доираларининг норозилигини уйғотди. 325 йил император Константин Никеяда руҳонийлар мажлисини ўтказди. Унга 2000га яқин епископ чақирилди ва уларнинг 318 таси мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлди.<sup>49</sup> Бу мажлис 20 майдан бошланиб, 25 июлгача давом этди. Масжлисда Никея номи билан машҳур бўлган ақидавий таълимот ишлаб чиқилди.<sup>50</sup> Бу мажлис Арий ва яна мажлисда иштирок этаётган иккита епископни қоралади. Эдвард Гиббоннинг айтишича, "Арий асарларини ўтга ёқиш буюрилди ва бу асарлар кимда топилса, ўлимга ҳукм қилинадиган бўлди."<sup>51</sup> Арий мағлуб бўлди, аммо Исо алайҳиссаломни Худо деб айтувчи ақидани мажбурлаб

<sup>44</sup> H. G. Wells, "A Short History of the World", p. 123.

<sup>45</sup> J. M. Robertson "A Short History of Christianity", p.123.

<sup>46</sup> Ibid.

<sup>47</sup> Цит. по Hector Hawton, "The Thinkers Handbook", p. 198.

<sup>48</sup> Ibid.

<sup>49</sup> Dr. Henry Stubble "An Account of the Rise and progress of Mohametanism", 1954, pp. 44-45.

<sup>50</sup> Нынешнее Никейское вероучение, по-видимому, сформировалось не на Никейском соборе, но является его модификацией (Prof. Percy Gardner "English Modernism" Appendix I, p. 223)

<sup>51</sup> Edward Gibbon "Decline and Fall of the Roman Empire", vol. II, h. 693.

сингдириши черков учун жуда қимматга тушди. Мазкур мажлисда Исо алайҳиссалом "Худоларнинг Худоси, нурларнинг Нури, Энг илоҳий" деб эълон қилинди.<sup>52</sup> Жамиятнинг зиёли қатлами ҳали ҳам Арий тарафида эди ва улар қаттиқ қўллик билан бостирилиши лозим бўлди. Арийчилик жуда машҳур бўлиб кетганидан насронийларнинг олими Иеремея: "Бутун дунёнинг Арий тарафида турганидан нола чекар ва ҳайрон эди", деганди.<sup>53</sup>

Вилл Дуронт ёзади: "Буюк мубоҳаса... Никейдаги руҳонийларнинг мажлиси билан ҳам барҳам топмади. Жуда кўп епископлар ҳали ҳам Арий тарафини олар эди.... Никей ақидаларига содиқ қолган руҳонийлар черковлардан оломон тарафидан зўрлаб чиқарилди: ярим асар ичида насронийлик унитар бўлади ва Исо алайҳиссаломни илоҳ дейиш ғоясидан воз кечилади, деб ҳисобланган. Ҳар бир епископни қўллаб-қувватлайдиган ўз фирқалари бор эди. Бир-бирларига қарши бўлган фирқалар кескин қарама-қаршилиқларга берилиб кетди, бу тўқнашувларда жуда кўпчилик вафот этди.<sup>54</sup> Зўравонлик ва қонли тўқнашувлар саҳнаси, минглаб одамларнинг ҳаётдан кўз юмиши ўша даврнинг ўзига хос хусусиятларилдандир. Искандарияда бўлган Арий бу фитналарнинг маркази эди. Гиббоннинг таъкидлашича, шундай тўқнашувларнинг бирида "уч минг бир юз эллик" одам ўлдирилган экан.<sup>55</sup>

Дюраннинг сўзларига кўра, эҳтимол, икки йил ичида (342-343) Рим империяси тарафидан таъқиб қилинган ҳамда ўша йилларда ўлдирилган насронийлардан ҳам кўп бўлган. Буларнинг ҳаммаси черковнинг диний тоқатсизлигига далил эмасми?

Дюран сўзларидан иқтибос келтирамиз: "Зафар топган черков тоқатликка даъват қилмай қўйди; у худди давлат исён ва бўлгинчиликка қарагадникдек, шахсий иймонга нисбатан душманлик назари билан қарай бошлади".<sup>56</sup> Уилфред Бриггс ёзади: "Константинополдан сўнг, дунёвий ҳукуматнинг қўллаб-қувватлаши билан черков ҳаракатида диннинг "католик" ғоялари билан боғлиқ маълум бир диний тоқатсизлик тамойили тобора ойдинлаша бошлади".<sup>57</sup>

Бу каби тартибсиз туғёнлар алал-оқибат жуда кўп

<sup>52</sup> Hasting's Encyclopedia of Ethics & Religion, vol. IV, p. 239.

<sup>53</sup> Wilfred W. Briggs, "Introduction to the History of the Christian Church", p. 49.

<sup>54</sup> Will Durant, "The Age of Faith".

<sup>55</sup> В жестокостях церкви читатель может убедиться, прочитав работу Гиббона (гл. XXI).

<sup>56</sup> Will Durant. "The Age of Faith", p. 46.

<sup>57</sup> op. cit., p. 49.

фирқаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб, буларнинг бари бир-бирига душманлик қила бошлади. IV асрнинг Пуатьелик лотин епископи 359 йилги Селевкий синодининг қатнашчиси, авлиё Хиларий ўша давр ҳақида қуйидагиларни ёзган: "Орамизда жуда кўп эътиқод бўлгани каби фикрлар ҳам шунчадир. "Homo-ousion", яъни Ўғил ҳам Робб субстанциясига эга эканлиги инкор қилинади, қабул қилинади ва навбатма-навбат мажлисларда баҳс қилинади; Роббнинг Ўғилга қисман ёки тўлиқ ўхшашлиги бу бахтсиз кунларда баҳс мавзусига айланди. Ҳар йили, ҳар ойда биз сирли ибодатлар учун янги таълимотларни тўқиб чиқаряпмиз. Ва биз бир-биримизни шу тариқа бўлиб ташляпмиз".<sup>58</sup> IV асрнинг бошқа бир епископи, ўзи раислик қилган мажлисларнинг бирида бу ҳақида ўз фикрларини қуйидагича изҳор қилган эди: "Мен епископларнинг барча мажлисларидан қочардим, чунки, бундай мажлислар яхшилик билан тугаганини ҳали бир марта ҳам кўрмадим".<sup>59</sup>

Айнан Константин ҳукмронлиги, насронийликнинг олтин даврида насронийлар стандарт Библияга эга бўлишди. Бунгача черковда жуда кўп баҳслар бўлиб ўтди. Маржори Боуэн ёзади: "Муқаддас китоб қабул қилинганича бир неча бор кўриб чиқилди; бидъатлар билан тўқнашишга тўғри келди ва 325 йили Никеяда сўнг 381 йили Константинополда мажлислар бўлди. Мазкур мажлисларда ақидавий масалалар кўриб чиқилди. Бу ақидаларга ҳанузгача насронийлар амал қилиб келмоқда".<sup>60</sup>

Янги Аҳдни канонлаштиришдан ташқари, насронийлар бу асрда Хочга сиғиниш ақидасини ҳам қабул қилишди. Шу вақтгача ҳеч ким хочга диққат қилган эмасди. Константин мен унинг асл маъносини тушимда билдим, деб айтди. Ўшандан бери Исо алайҳиссаломнинг хочга михланиши насронийлик динининг асосий рамзларига, ақидаларига айланди. Черков тарихида ҳам хоч илк бор тилга олина бошланди. Жумладан 377 йил ёзилган "Константиннинг сийрати" китобида ҳам шу борада сўз борган. Бу китоб насронийлар тарихчиси Евсевийга ҳам таниш бўлган.<sup>61</sup> Қадим замонлардан ҳукмдорлар кимларга ҳукмрон бўлса, ўшаларнинг динида бўлган. Шундай қилиб, ўша даврлардан бошлаб, насронийлик ҳукмдорлик қилишни бошлади. Рим

<sup>58</sup> The Modern Churchmen, vol. XV, No. 5, August 1925, p.219.

<sup>59</sup> Цит. по "The Unrest in Religion", p. 87.

<sup>60</sup> Marjorie Bowen, "The Church and Social Progress", pp. 4-5.

<sup>61</sup> A. H. M. Jones (Constantine and conversion of Europe, p. 83).

имперясида кўпхудолик динларининг изларини йўқотиш учун мазкур динлар таъқиққа учради. 381, 382, 385 ва 391 йиллар насронийликдан бошқа барча динлар тақиқланиши ҳақида қарорлар ҳам чиқди. Ва сўнги тўрт йил ичида, Феодосий ҳукмронлиги даврида булар йўқ бўлиб кетгунига қадар улар жуда қаттиқ таъқибга учради. Насронийларнинг мутаассиблари ўз рақибларини таъқиб қилишди. Гиббон "Рим дунёсининг деярли барча вилоятларида мутаассиблар армияси тинч аҳолига ҳужум қилди, қадимги гўзал иншоотларнинг қолдиқлари ҳам ҳалигача уларнинг хунрезликларига далолат қилиб турибди" деб ёзган эди.<sup>62</sup>

Гектор Хоутон насронийларнинг мажусийларга қарши бу каби диний нафратларига таъриф бериб, айтади: "Архиепископ бошчилигидаги мутаассиблар тўдаси Искандариядаги Серапис ибодатхонасини вайрон қилди, сўнг бебаҳо қўлёмаларга эга буюк кутубхона талон-тарож қилишга ўтди".

414 йили мажусий бўлган файласуф аёл Гипатияни яланғоч қилиб, черковга олиб киришди. Сўнг Авлиё Кирилл уни тўқмоқ билан уриб ўлдирди. Суякларидан гўшлари сидириб олинди ва тана аъзолари оловга ташланди.<sup>63</sup>

376 йил Митра ибодатхонаси насронийлар тарафидан вайрон қилинди ва Рим папаси Ватикан тепалигидаги Митра динининг руҳонийсига тегишли муқаддас курсийсига ўтирди. Бу курсий ҳали ҳам Авлиё Петр жомъесида сақланиб қолган.<sup>64</sup>

390 йил император Феодосий Искандариядаги Серап Юпитерининг ҳайкалини бузишга буйруқ беради. Г. Уэллс ўзининг "Мухтасар жаҳон тарихи" китобида: "V асрдан бошланиб ва бундан кейин Рим империясининг барча ибодатхоналари ва руҳонийлари насронийларга тегишли бўлди".<sup>65</sup> Юнон ва Рим муаллифларининг антик адабиёт ва уларнинг бебаҳо мероси ҳам саводсиз насроний роҳибларидан омонда қолмади. 389 йили архиепископ Феофил Искандарий Искандариядаги машҳур кутубхонани вайрон қилди.<sup>66</sup>

Доктор Густавга кўра, Григорий II нафақат римликларнинг барча математика бўйича асарларини ўтда куйдирибгина қолмай,

---

<sup>62</sup> op. cit. 48.op.cit., p. 200.

<sup>63</sup> Will Durant, "A History of conflict between Religion and Science", p. 48.

<sup>64</sup> J. M. Robertson, op. cit., p. 138

<sup>65</sup> op. cit., p. 147. Те же взгляды выражал Will Durant, "The Age of Faith", p. 8.

<sup>66</sup> Gibbon, charter XXVII, p. 208 (1897).

балки император Август тарафидан асос солинган Фаластин кутубхонасига ҳам ўт қўйди. У Ливия асарларининг аксар қисми билан классикларни ҳам ўрганишни маън қилиб қўйди.<sup>67</sup>

Бу ҳақда Уилям Дрейпер қуйидагиларни айтган: “Қўлга тушган ҳар қандай қўлёзма ўтга ташланган. Оилаларининг хавфсизлигини ўйлаган одамлар ўз кутубхоналарини йўқ қилишди”.<sup>68</sup>

Шу тарзда тарих жуда катта бойликларидан маҳрум бўлди. Энг ачинарлиси, насронийлик ҳаётнинг барча соҳаларида ўз қўли билан барпо қилган бўшлиқни ўзи тўлдиролмади. Ўзи ахта бўлатуриб, насронийлик адекват нарса тақдим қила олмади. Юнон мантиғи ўрнига мўъжиза ва ирим-сиримларни; Гиппократ ва Гален тиббиёти ўрнига ўлган авлиёлар қабрлари, хочдан мадад сўрашни таклиф қилди. Афлотун ва Арастунинг асарлари ўрнини Янги Аҳд (ҳамда жуда кўп апокриф асарлар) эгаллади. Шу тарзда, насронийларнинг шубҳали “Худо шохлиги” дунёга эргашди.<sup>69</sup>

Ислом қилич билан тарқалган деб даъво қилувчилар насронийлардаги “бағрикенглик” даражасини яхши тасаввур қилиши мумкин. Насронийларнинг Шимолий Европага босқини ҳақида тарихчи олим Робертсон очиқчасига: “...насронийларнинг Шимолий Европага қилган етти юз йиллик босқини оқибатида ишлар аксар ҳолатда қирол ва мустабидлар ва уларни қўллаб-қувватлаётганлар фойдасига қилич билан ҳал қилинар эди. Улар фуқароларни эзиш учун черковни ўзларига восита деб биларди”, деб айтади.<sup>70</sup>

381 йил император Феодосий I Константинопол мажлисини ташкил қилади. Бу мажлисда Исо алайҳиссаломнинг илоҳлиги масаласи кўтарилди. Ушбу мажлисда Никеяда қабул қилинган ақида тўлалигича тасдиқланади.

Папанинг қарорлари дунёвий ва сиёсий ҳаётда ҳам кучга эга эди. Мажусийлик йўқ қилингани билан мажусийлик маъбудлари ва чала маъбудлари ўрнини насронийларнинг авлиёлари эгаллайди.

431 йилдаги Эфес мажлисида Марям онамиз Исо алайҳиссаломнинг инсоний онасими ёки унинг илоҳийлигига ҳам

<sup>67</sup> Gustav, "Europe's Debt to Islam", p. 21.

<sup>68</sup> Draper, "Intellectual Development of Europe", p. 318.

<sup>69</sup> Марк, 1: 15, Матто, 4: 177. Лука, 10: 9, и т. д.

<sup>70</sup> J. M. Robertson, op. cit., p. 117.

онами, деган масала кўтарилади. Марионитлар сектаси Марямни "Худонинг онаси", деб сиғинишимиз керак ҳамда учликдаги Муқаддас Рух ўрнига Марямни қўшиш керак, деган даъволар билан чиқади.<sup>71</sup>

Бироқ, мажлис Марям учликнинг бири эканини қабул қилмайди. 451 йилги Халкедон мажлисида Исо алайҳиссалом ҳақида яна баҳслар қилинади. 553 йилги Константинополь мажлисида ҳам яна шу масалалар устида баҳслар қизгин давом этади. Бироқ, бу мажлисда шарқдан келган епископлар кўп бўлгани учун унда кўтарилган масалаларга ғарб епископлари қарши чиқишади. Ўша асрларда несториан ва яқубчилар сектаси пайдо бўлади. Бу икки секта ҳам бадъатчи деб инкор қилиниб, черковдан ташқари, деб эълон қилинади.

VI асрда энг катта аҳамиятга молик бўлган ҳодисаларнинг бири Исо алайҳиссаломнинг туғилган куни - мавлуд (Рождество) байрамини нишонлашни бошлаш бўлди. 530 йили Дионисий Заиф (Echiguus) исмлик скифлик роҳиб ўзининг тахминий хулосалари билан Исо алайҳиссалом 25-декабр куни туғилган деб чиқди.<sup>72</sup>

Ўша вақт (VI асрда) насроний динига мушрикларнинг эътиқодлари аралашиб кетишининг энг авжига чиққан даври эди. Черков таназзули ҳақида гапира туриб доктор Уайт шундай деган: "Ўша хосиятсиз давр насронийлари арзимаган нарсаларнинг ҳисобига йўқ фирқаларга бўлиниш, бир-бирига рақиб бўлиш, ёмон ниятда таъқиб қилиш, сўз ва амалда залолатга кетиб диннинг фақат номигагина зоҳирий кўриниши қолган эди. Насронийлар черковининг изи ҳам қолмаган эди".<sup>73</sup>

Бироқ, VII асрда Ислонинг юксалиш даври бўлди ва ўша вақтга келиб ҳақ йўлдан анча адашиб кетган насронийлар Ислон олдида чекинишга мажбур бўлишди. Ўрта Ер денгизи атрофи Ислон таъсирига тушди. Шарқ ва Ғарб черковлари ўртасидаги зиддиятлар сезиларли даражада анча юмшоқ ҳолатга келди. Шарқий черков динни номигагина назорат қилар эди. Бунинг натижасида минглаб насронийлар Ислонни қабул қила бошлашди. Тамаддунлар ривожига Ислоннинг қўшган ҳиссаси насроний дунёси учун реал ўрнак эди. Ислоннинг насронийлар билан алоқалари керакли самарани бера бошлади.

---

<sup>71</sup> Члены этой секты все еще существуют в Ливане и Сирии (ср. Aziz S. Atiya, "A History of Eastern church, p. 282).

<sup>72</sup> Renan, Ernst "Life of Jesus", p. 98 (foot-note).

<sup>73</sup> Цит. по Dr. F. R. Ansari "Islam and Christianity in the Modern World", p. 21

Ислом таълимотлари асосида насронийлардаги иконаларга сиғиниш каби нарсалар йўқола бошлади. Робертсоннинг айтишича, VIII асрда бутларга қарши бўлган Исломнинг қандайдир таъсири оқибатида император Лев Изаурий... мушриклар эътиқоди ва насроний динида кенг тарқалган тасвирларга (икона) сиғинишдан нафратлана бошлади.<sup>74</sup>

Шундай қилиб, насронийлар тарихида илк бор, 723 йил император Лев Исломнинг тавҳид таълимоти асосида расмларга сиғинишни ман қилувчи қарор чиқаради.<sup>75</sup>

Кейинги икки асрда Рим папаси ҳаётнинг ҳар бир соҳасини қамраб олган энг олий ҳокимиятга эгаси бўлади. Тоталитар ҳокимлик насроний дунёсининг деярли барча нарчасини таназзулга бошлайди. Епископият фитна-фужурларнинг уясига айланади. Папа саройида фитна-фужарлар ҳар кунги бир оддий ишга айланади.

Павл I ўлиmidан сўнг, папалик курсийсини Константин эгаллайди. Бироқ, у тез орада олиб ташланади ва папалик Стефанга ўтади. У ўзидан олдингиларга нисбатан ноинсоний муносабатда бўлгани билан тарихда қолган: Константиннинг кўзи ўйиб олинади ва унинг яна бир тарафдори епископ Феадорнинг тилини кесишади. 795 йил папа Левнинг II ҳам кўзи ўйилиб, тили кесилади. Папа Стефан V шаҳардан қувилади, унинг вориси ҳам руҳонийларни кўр қилиш ва икки руҳонийнинг қотили деб эълон қилинади. 891 йил Формоз папа бўлиб сайланади ва 5 йил папалик қилади. Стефан VII даврида Формоз жасади қайта қазиб олинади ва папалик либослари кийдирилиб суд қилинади. Сўнг, унинг жинсий аъзоси билан учта бармоғи кесиб олиниб Тибр дарёсига улоқтирилади. Бундан кейин бўлиб ўтган воқеалар бундан ҳам даҳшатлидир. Буларни зикр қилиш инсоний одоб-ахлоқларнинг барчасига зиддир.

Ахлоқсизлик энг юқори чўққисига чиқади. Насронийлардан бўлган Худонинг ердаги халифалари бутун омма олдида бутун умр иффатни сақлаш ҳақида қасам ичган бўлсалар ҳам нафсга, шаҳватга берилиб кетдилар. Бугун ҳам насронийлар уларни ҳалиям юксак иффат эгалари деб юрганлари ажабланарлидир.<sup>76</sup>

---

<sup>74</sup> J. M. Robertson "A Short History of Freethought", vol. I, p. 277.

<sup>75</sup> Бироқ, 787 йилда бўлиб ўтган иккинчи Никей мажлисида бу тақиқ олиб ташланади.

<sup>76</sup> Подробности см. в "An Open Letter to the Christian Churchers" Published in "The Voice of Islam", August 1963, pp. 602-605.

Ислоннинг юксалиши насронийлар кўзларидаги доғга айланди. Ғарб Ислоннинг юришидан хавотирда эди. Бироқ, умумий мақсаднинг йўқлиги туфайли Ислон қаршисида насронийларнинг бирлашишини бир неча юз йиллар ортга сурди.

Ғарбнинг ҳеч қайси бир мамлакати мусулмон ерларига бостириб киришни ўйламас эди; фақат насроний руҳонийларигина муқаддас ерларга зиёратга бораётган зиёратчиларга қўлига қурол олиб Қуддуси шарифни озод қилишга чақирар эди. 1096 йили Папа Урбан III нинг катта сайъи-ҳаракатлари эвазига биринчи салбчилар юриши ташкил қилинади ва 1099 йили Қуддуси шариф босиб олинади.

Бу даврда салибчилар томонидан амалга оширилган шафқатсизлик, зўравонлик, қон тўкиб жазолаш, юракни музлатиб қўядиган вандализм ҳаракатлари ва қийноққа солишлар тарихчилар нигоҳидан яширина олмайди, албатта. Диндорлар ибодат қиладиган жойлар ҳаром қилинарди, бебошчилик қилаётган қўшинлар эса мусулмон аҳли устидан ҳар қандай соғлом фикрлайдиган кишида нафрат ва жирканиш туйғулари уйғотадиган ёвузликлар амалга оширарди. Мусулмон ва яҳудий эркаклар, аёллар ва болаларнинг қирғин қилиниши<sup>77</sup>, қизларнинг зўрланиши салиб юришлари вақтида одатий ҳолатга айланиб қолганди. Насронийлар дини тарғиб қиладиган ва «ўнг юзингга урган кишига чап юзингни тутиб бер»<sup>78</sup> деб даъват қиладиган тоқат қилиш ҳақидаги таълимотга ҳеч ким зиғирча ҳам эътибор қаратмасди. "Ҳар қандай турар жой, - деб ёзади Сайид Амир Али, "мармар саройдан тортиб оддийгина бир кулбагача – кушхонага айланганди; тор кўчалар ва кенг майдонлар бир хилда инсон қонига булганган эди". Ортодоксал насронийлар ҳам, объектив тарихчилар ҳам салибчилар юришлари ҳақида гапирганда уятдан бошини қўйи солишга мажбур бўлади. Қуддус шаҳри мусулмонлар томонидан қайта забт этилгунга қадар, қарийб бир аср давомида варварлик (жоҳиллик) руҳи вақти-вақти билан насронийлар томонидан амалга оширилган барча салиб юришларини қамраб олганди. Асрлар давомида насронийлар ҳукмронлигига хос бўлган ахлоқсизлик шундан яққол далолат берадики, Исо Масих

<sup>77</sup> Робертсон ёшлайди: "Когда Готфрид занял Иерусалим, все евреи были сожжены заживо в синагогах, и хроника рассказывает, что крестоносцы въехали в храм на конях по колено в крови многих тысяч убитых неверных. Во имя Иисуса было убито огромное количество людей всех возрастов" (Short History of Christianity, p.219).

<sup>78</sup> Матто, 5: 39-41 65. "A Short History of Saracens", p. 326. Подробности см. в Thomad Keightley's "The Crusader's".

таълимоти саналмаган насроний таълимотлари асло Илоҳий эмас, балки инсон ақли ўйлаб топган уйдирма гаплар ҳисобланади. Улар доимо тамаддун ривожига тўсқинлик қилиб келган, асло уни рағбатлантирмаган.

Ғарбий Европалик насронийлар черковнинг шундоққина бурни остида, эҳтимол, унинг маъқуллаши остида шуғулланган қул савдоси даҳшатларини таърифлашга қалам ожиз. Африка ва Американинг кўп сонли туб аҳолиси қулфурушлар қурбонига айланди. Машҳур тарихчи Дюбуанинг маълумотларига кўра, бундай бебахт африкаликлар сони юз миллиондан ошиб кетди<sup>79</sup>. Ушбу ғайриинсоний ҳаракатлар 1833 йил, Британия парламенти қулликни бекор қилиш ҳақида қонун қабул қилгандан кейин якун топди. Ғарб ҳозиргача ирқий муаммоларга қандай муносабатда бўлиши – насронийлар ахлоқий кодексидаги нуқсонларнинг яна бир далилидир. Намибияда апартеид муаммолари – бунинг жонли гувоҳидир.

Инквизиция – «бидъатчиларни жазолаш ва диний касалликларни даволаш»нинг жоҳиллик қуроли ҳақида гапириб ўтмасак насронийлик тарихи тўлиқ ёритилмасдан қолади. Инквизиция оқибатида турли секталарга мансуб ўн минглаб насронийлар уларни ортодоксал черков нигоҳида бидъатчи қилиб кўрсатган ҳур фикрлаш гуноҳи учун ўз диндошлари томонидан ўтда ёқилди.

Учинчи Латерн собори (1179 й.) «бидъатчиларни епископ судидан кейин дунёвий ҳукумат қўли билан жазолаш» ҳақида қарор қабул қилди. Шу пайтдан бошлаб бошқача фикрлайдиган кишиларни уюшган тарзда суд билан таъқиб қилиш насронийлар оламида ваҳшиёна инквизиция бошланганидан далолат беради<sup>80</sup>.

Папа Иннокентий архиепископ Аншскийга Гасконга жўнатган олий фармонида қуйидаги сўзлар битилганди: "... ўзининг бидъати, хурофоти ва ёлғон уйдирмалари билан улар Таврот ва Инжилнинг мазмунини бузиб кўрсатади ва католик черкови бирлигини бузишга ҳаракат қилади. Модомики... иштибоҳ ва гумроҳликлар Гаскон ва унга қўшни ҳудудларда ушиб борар экан, сиз ва биродирнгиз епископ қўлингизда ҳокимлик билан бунга қарши ҳаракат қилишингизни истаймиз... Биз сизга қўлингиздаги бор куч билан бор бидъатни йўқ қилиш ва бидъатга чалинган

---

<sup>79</sup> Syed Mohammad Jamil "The Moral Side of the Christian Clergy", p. 12, Sir Alexander G. Cardew "Slavery and the Churches" Racionalist Annual, 1934, (pp. 27-34).

<sup>80</sup> Wilfred W. Bigg, op. Cit., p. 103

кишиларни епархиядан ҳайдаб чиқаришни буйруқ берамиз... Агар зарур бўлса, герцогларни мажбур қилишингиз ва уларнинг қиличи билан халқни бостиришингиз мумкин"<sup>81</sup>.

Биринчи машҳур таъқиб «жонкуяр инжилчилар» деб аталадиган Вальенслар трансубстанция, истиффор келтириш сири ва иконаларни ҳурматлашни рад этгандан кейин бошланди. Уларнинг Папа олий фармонига бўйсунидан бош тортиши 1336 йил кўп сонли ўтда ёндиришлар кўринишида шафқатсиз қувғинларга олиб келди. Қатл олдидан қурбон бошидан кечириши лозим бўлган азоб-уқубатлар уларни таърифлаш учун жуда ваҳший ва ғайриинсоний эди. Бунга қизиқиб қолган ўқувчига В.Дюран асарини ўқишни маслаҳат берган бўлардик<sup>82</sup>.

1555 йиллар гулханлар яна ёнди; "юзлаб аёллар аввал қийноққа солинди, сўнг ўлдирилди, бошқа аёллар ва фарзандлари қулликка сотилди".<sup>83</sup>

*Сўнг, албигўйчилар навбати келди. Улар эрталабки ёки тушги ибодат ва иконаларни ҳурматлаш таълимотини инкор қиларди, лекин уларнинг ҳам қисмати шу бўлди. Римлик католик тарихчи Бзовийнинг маълум қилишича, папа Иннокентий III "уларга қарши муқаддас уруш эълон қилган ва салибчиларни собитқадамлик билан уруш олиб боргани учун кўплаб мукофотлар билан тақдирлаган"<sup>84</sup>. Уларни жазолаш учун бир салиб юришининг ортидан кейингиси ташкил қиланарди. Легат Арнольд Амори Рим папасига қуйидагиларни хабар қилди:*

"Бизнинг одамлар на мартабаси, на жинси, на ёшига қарамасдан 20000 кишини қиличдан ўтказди: одамларни қирпичоқ қилиш яқунлангач эса, бутун шаҳар талон-тарож қилинди ва ўт қўйилди. Худонинг жазоси шу қадар ҳайрон қоларли даражада шиддатли бўлди..."<sup>85</sup>.

Лавор қирғинида битта гулханда 400 киши оловда куйдирилди ва бу ҳақида қуйидаги сўзлар битилди: "Улар ҳайратланарли тарзда ёғду сочиб, дўзах оловида абадий ёниш учун йўл олдилар"<sup>86</sup>. Бромда 100 нафар альбигойлик "ғайритабиий

<sup>81</sup> Durant's "The Story of Civilization" - The Age of Faith, part IV, Simon and Schuster - New York, 1950, pp. 773-774.

<sup>82</sup> Durant. "The Story of Civilization", yjl. VI, pp. 197-220.

<sup>83</sup> Rev. Canon W. P. Hares (The teaching and practice of the church of Rome in India Examined, p. 122).

<sup>84</sup> Ibid.

<sup>85</sup> Rev. W. P. Hares, op. cit.

<sup>86</sup> John William Draper, "History of Intellectual Development of Europe, vol. II.

равишда кўзлари қамашган ва бурунлари кесилган эди"<sup>87</sup>. 1210 йил яна 140 киши гулханда куйдирилди. Марманда епископнинг буйруғи билан 5000 киши ўлдирилди, шаҳар эса 1218 йил ёқиб юборилди.<sup>88</sup>

XIV асрда теоли паст Уайклифф издошлари бўлган лоллардларни ҳам аянчли қисмат қарши олди. Уларнинг ҳам айби худди шундан иборат эди – улар Папанинг амрига бўйсунганини истамаганди. Шундан кейин Ян Гус издошлари бўлган гуситларнинг, шунингдек, гугенотларнинг навбати келди – 1567 йил 20 мингга яқин «бидъатчи» қатл этилди. 1572 йил минглаб гугенотлар Генрих Наваррскийнинг никоҳ тантаналари муносабати билан Парижга таклиф этилди, лекин уларга байрам қилиб бериш ўрнига тунда черков қўнғироқлари бонг ура бошлади... Шундан кейин нималар рўй бергани ҳақида эса Римлик католик тарихчи Мезарэ ҳикоя қилиб берган:

"Ғазабдан қутурган, қўлига дуч келган нарса билан қуролланган олтмиш минг кишилиқ оломон уларга қаҳр-ғазаб, талон-тарож қилиш истаги ва қасос ўти йўл кўрсатган томон югуру бошлади. Қотилларнинг сўкиш ва ҳақоратлари, худога шак келтиришлари ва вишиллашларидан ҳаво ларзага келганди... улар на кексаларни, на аёлларни ва гўдакларни аяб ўтиришмади... Олти юздан ортиқ уй таланди ва тўрт мингга яқин киши тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган тарзда ваҳшийларча ўлдирилди"<sup>89</sup>.

Иезуитлар тарихчиси Бонавининг сўзларига кўра, фақат уч куннинг ўзида 25000 киши ўлдирилди<sup>90</sup>. Юқорида баён қилинган шафқатсизликлардан ташқари, уч ой ичида 70000 нафар гугенотнинг ўлдирилганини эшитган инсон онги даҳшатдан ларзага келмаслиги мумкин эмас<sup>91</sup>. Қиролича Мария ҳукмронлик қилган даврда Англияда 286 нафар протестант, жумладан, епископлар Крэкмер, Хупер, Летимер, Ридли ва Фаррар гулханда ёндирилди. Насроний «бидъатчилар» ҳам, насроний бўлмаганлар ҳам қурбон қилинди. Испанияда қонли инквизиция даврида 23000 га яқин яҳудий қиличдан ўтказилди ва 200000 киши қатағон

---

<sup>87</sup> Rev. W. P. Hares, op. cit., 123.

<sup>88</sup> Jbid. "The News Week" in its article "Massacre of the Pure" оценила общую цифру убитых альбигойцев не менее чем в миллион (см. Moral Side of the Christian Clergy, p. 21, by Syed Mohammad). Jamil

<sup>89</sup> Цит. по Rev. W. P. Hares, op. cit.. p. 126.

<sup>90</sup> Jbid.

<sup>91</sup> Jbid.

қилинди. Нидерландияда олдинроқ бу мамлакатда ўлим жазосига ҳукм қилинган 25000 кишидан ташқари яна 50000 кишининг боши танасидан жуда қилинди<sup>92</sup>. Насронийлик тарафдорлари томонидан насроний диндошлар ва насроний бўлмаганларнинг шафқатсиз ва ваҳший таъқиб қилиниши ҳақидаги ҳикоялар бу даҳшатли ҳодисаларни қаламга олган барча тарихчиларни юмшоқ қилб айтганда ҳайратда қолдирган. Ҳаттоки Уилл Дюран каби насроний тарихчилар ҳам қуйидаги каби сўзларни битишга мажбур бўлган: " Тарихчидан талаб қилинадиган ва насронийларга рухсат этилган ҳар қандай сийловларни ҳисобга олганда ҳам, биз инквизицияни инсоният тарихида биронта ҳайвонга хос бўлмаган ваҳшийликни очиб берадиган энг қоронғу «доғ»лардан бири сифатида, бизнинг замонамиздаги урушлар ва таъқиб қилишлар билан бир қаторга қўйишимиз керак."<sup>93</sup>

Бошқа бир ёзувчи, жонкуяр насроний қалби тирналган ҳолда қуйидагиларни қайд этади:

"Қарийб бутун Европа кўплаб асрлар давомида католик черкови томонидан йўналтириладиган жамоатчилик фикри ва руҳонийлар ҳукуматининг тўлиқ маъқуллаши ёки тўғридан-тўғри ифвогарлиги оқибатида қонга булғаниб ётган... Бунда қурбонлар тез ва оғриқсиз ўлим билан ўлмаган, балки инсон чидай олмайдиган энг оғир ва азобли усуллар орасида танлаб олинган усуллар билан қатл этилган. Одатда улар руҳонийларнинг ҳийланайрангга бой ақли ўйлаб топган энг азобли қийноқлардан сўнг тириклайин, кўпинча паст оловда ёқилган. Тарихни яхши билган исталган киши Рим черкови бутун инсоният тарихида мавжуд бўлган бошқа ҳар қандай институтдан кўра кўпроқ қон тўккан эканлигига шубҳа ҳам қилмайди"<sup>94</sup>. Шубҳасизки, черков эркин фикрлашнинг ҳар қандай аломатларини янчиб ташларди, лекин у қанчалик қаттиқ позиция эгалламасин, шунчалик шиддатли қаршиликка учрарди. Немис роҳиби Мартин Лютер (1483-1546) 1517 йилнинг октябрь ойида Папа ҳукуматига қарши бош кўтарган. У тарихда Реформация номи билан маълум бўлган буюк

---

<sup>92</sup> Rev. W. P. Hares, op. cit.

<sup>93</sup> "The Age of Faith" title "Inquisition", p. 784. Утверждается, что инквизиция с 1481 по 1808 г. покарала 340000 человек, из которых 32000 было сожжено. За предшествовавшие 300 лет Кеннет Уокер оценивает число убитых в 300000 человек cf.: *agnosis of Man*, p. 210).

<sup>94</sup> W. E. H. Lecky "Rise and Influence of Rationalism in Europe", vol. II, pp. 32-33.

ҳаракатни юзага келтирди<sup>95</sup>. Черков ундирадиган солиқлар, Папа ҳимоясида амалга ошириладиган индульгенциялар эркин сотилиши ва руҳонийларнинг ахлоқий бузқлигига ҳар қандай соғлом фикрловчи инсон бардош бера олмасди. Ортодоксияга қарши умумхалқ қатъий норозиликлари кўтарилди, черков ишларида туб ислоҳотлар вақти келганди. Бу насронийларни бир-бирига душман бўлган икки лагерга ажратди. Папачилар католиклигича қолаверди, қолганлар эса протестант деб атала бошлади. Протестант насронийлиги папчиликдан тоза нафратланиш туфайли вужудга келган ва, жиддий айтганда, ҳақиқий диний ислоҳотлар ҳея қачон унинг ягона мақсади бўлмаган. Черковни Инжил ақидаларига қайтаришни даъво қилиб, аслиду унинг рақиби бўлган. Шу билан бир пайтда, диний ва жамоат ишлари устидан папа ҳокимлигини инкор қиларкан, протестантлар кўп нарсага эришмади. Касалликка чора сифатида ўйлаб чиқилган бу восита аслида касалликдан ҳам баттар бўлиб чиқди. насронийлик ушбу ҳаракатдан олган ягона фойда ақидалар масаласида маълум даражада фикрлаш эркинлиги, шунда ҳам, қўшимча шартлар билан киритилиши ҳисобланади. ушбу ихтилоф ортидан бошланган ўзаро уруш иккала томондан ҳам жуда кўп сонли «хоч аскарлари»ни ютиб юборди. Айрим маълумотларга кўра, Германия аҳолисининг ярми қирилиб кетди, кўп ҳудудларда эса одамлар, мол-мулк ва уй ҳайвонлари сони янада кучлироқ қисқарди: бутун бошли провинциялар бўшаб қолди, бутун бошли шаҳарлар харобаларга айланди<sup>96</sup>.

Папачилик харобаларида вужудга келган Реформация янги устқурмаси таслий этилган душмандан яхши эмас экан. Протестантлик худди католиклик каби, диний сабр-тоқатга мойил эмас бўлиб чиқди. Агар католикларда инквизиция каби қўрқинчли институт мавжуд бўлган бўлса, протестантлик жодугарларга қарши ов билан шуғулланарди. Кўплаб бахтсиз фарзандсиз аёллар ва қари қизлар жодугарликда айбланиб қатл этилди. Ушбу жодугарларга қарши ов инквизиция бидъат учун қачон одамни ҳалок қилган бўлса, шунча аёлларнинг умрига зомин бўлди<sup>97</sup>. Қаттиқ жазаваси тутишни Лютернинг маслаҳатларидан ҳам тасаввур қилиш мумкин: "савдойи бола дарёга ташлаб

---

<sup>95</sup> Всестороннее исследование Реформации дано у Clark "A Short History of Christian church" и у Will Durant "The Age of Reformation", p. 267-367.

<sup>96</sup> J. M. Robertson, op. cit., p. 262

<sup>97</sup> Ibid, p. 269

чўктириб юборилиши ёки тузатилиши лозим бўлган"<sup>98</sup>. Жодугарларга қарши ов қилиш, худди инквизиция каби бахтсиз айбдорлар ва гумон қилинган кишиларни тириклайин ёқи юбориш жирканч ва шафқатсиз усулларидан фойдаланган. Буларнинг барчаси насронийликнинг кўкларга кўтариб мақталган «сабр-тоқати» ҳақида очик-ойдин гапиради. Машҳур инглиз файласуфининг сўзларидан иқтибос келтириш мумкин: "Одамлар насронийлик динига ҳақиқатда амал қилган эътиқод даврида қийноққа солишлари билан машҳур бўлган инквизиция мавжуд бўлган, миллионлаб бахтсиз аёллар жодугар сифатида ёқиб юборилган ва турли одамлар устидан эътиқод номи билан барча турдаги шафқатсизликлар амалга оширилган"<sup>99</sup>.

Насронийлик тарихининг қонли изини унга Робертсон каби тарихчи чиқарган ҳукм ҳам тасдиқлайди: "Агар цивилизация кучи сифатида насронийлик кўрсатган хизматлар ўлчами улар тўккан қон бўлиши мумкин бўлганида эди, унинг фақат жодугарларга қарши ов соҳасидаги рекорди барча динлар орасида биринчи ўринни эгаллаган бўларди"<sup>100</sup>.

Лютеранларни кўп сонли тафовутлар тубсиз жарлиги ажратиб турарди ва вақт ўтиши билан майда-чуйда деталларда фарқ қиладиган жуда кўп сонли секталар вужудга келди. Робертсоннинг кўрсатишича: "XVI асрда етакчиларининг номи ёки ақидалари бўйича фарқ қилган камида 80 протестант секталари бўлган"<sup>101</sup>.

Таълимотлар ихтилофининг бу ғамгин кўриниши Робертсонни аччиқ киноя қилишга мажбур этади:

"Дарҳақиқат, инсоният тарихида барча даврлар учун насронийлар илоҳиёт мавзусидаги адабиётларнинг асосий қисмини ташкил қиладиган оммавий ва кескин, шиддатли баҳслашувлар билан «муҳаббат дини»ни уйғунлаштиришдан кўра энг ғаройиб манзарасидир"<sup>102</sup>.

Лекин гап орасида айтиб ўтиш мумкинки, насронийлик унумсиз тупроғига эркин фикрлаш маълум даражада экилган бўлсада, шунга қарамай, эмпирик фанлар ҳаттоки ислоҳ қилинган черков томонидан ҳам маъқулланмади. Аксинча, илм-фан тараққиёти

---

<sup>98</sup> Jbid.

<sup>99</sup> Bertrand Russel, "Why I am not Christian", p. 20.

<sup>100</sup> J. M. Robertson, op. cit., p. 269.

<sup>101</sup> Jbid.

<sup>102</sup> Jbid.

мантиққа зид келган ҳолда бостириларди. Черков фақат куч билан ўтказилган илмий назарияларга рози бўларди, бу борада Марджори Боуэн қуйидагиларни айтиб ўтади:

«Бу билимлар унинг ўз даъволарини қўллаб-қувватлаган ҳолатлардан ташқари биронта ҳолатда ҳам черков янги билимлар ўзлаштиришни маъқулламасди»<sup>103</sup>.

Черковнинг тараққиётга қарши ҳаракат қилишини 1864 йил эълон қилинган Папа буллеси бўйича тасаввур қилиш осон. «Агар кимдир Рим Папаси тараққиёт, либерализм ва замонавий цивилизация билан мураса қилиши лозим деб айтадиган бўлса, муртад деб эълон қилинсин ва черковдан четлатилсин»<sup>104</sup>,

Черковнинг тараққиётни маъқулламаслик даражаси Лютернинг «Илоҳий Китоб нуфузидан ҳам ўзининг нуфузини юқори қўядиган маҳмадона-астролог» деб фош қилган Коперник ҳақида фикрлари бўйича баҳоланиши мумкин. Галилей эса ўз ихтиролари учун суд олдида ҳозир бўлишига тўғри келди ва 1633 йилнинг 22 июнида Рим шаҳрида уни тиз чўкиш ва Ер Қуёшнинг атрофида айланади деган фикрларидан воз кечишга мажбур қилишди<sup>105</sup>.

Бу вақт давомида тараққиётнинг ёлғиз гувоҳи 1545 йил чақирилган Трент Собори бўлиб, у ақидалар масаласини узил-кесил ҳал қилди. Ушбу Соборда Инжил ва Тавротнинг Илоҳий келиб чиқиш доктринаси тасдиқланди ва уларнинг Илоҳийлигига шубҳа билдирадиган шахслар муртад деб эълон қилиниши ва черковдан четлатилиши лозимлиги белгилаб қўйилди<sup>106</sup>.

Шуниси қизиқки, XVI асргача Библия кам сонли руҳонийларни истисно қилганда кенг омма учун эришиб бўлмайдиган даражада эди, чунки Библиянинг жонли тилларга таржимаси йўқ эди. Дунёвий оммани қўя турайлик, ҳатто оддий черков хизматчилари ҳам Библиянинг тўлиқ матни билан танишиш имкониятига эга эмасди. Ҳатто кундалик ваъзлар учун ҳам танлаб олинган парчалар бериларди. 1543 йил ҳатто Библияга қонуний равишда фақат дворянлар ва мулк эгалари эга бўлиши мумкин, Библияни омма олдида тарғиб қилиш ва муҳокама қилиш фақат руҳонийларга рухсат этилиши ҳақида қарор қабул қилинди. Бу ерда бир савол туғилади, нима учун Библия нусхасини таржима қилган ҳолда аҳоли ўртасида тарқатиш мумкин бўлмаган, нима

---

<sup>103</sup> Marjorie Bowen, op. cit., p. 9.

<sup>104</sup> Цит. по Dean Inge in "The church in the world" ,p.52.

<sup>105</sup> Hector Hawton "The Thinker's Handbook", p. 36.

<sup>106</sup> Joseph Wood, op. cit., p. 32.

учун у кенг жамоатчилик учун тақиқланган мева бўлган? Ахир оддий насроний Муқаддас китобни тўлиқ ҳажмда билишдан манфаатдор эмасми, ёки руҳонийлар эътиқод ақидалари тушиб кетишидан қўрққанми? Ҳа! Айнан шу сабабга кўра оддий одамларга Библия билан тўлиқ танишиб чиқиш тақиқланган, руҳонийларнинг кундалик ваъзалари эса улар учун сўнги сўз бўлиши керак эди. 1453 йил Константинополнинг турклар томонидан ишғол қилиниши грек олимларини ғарбга ҳайдаб юборди, бу ерда улар грек рационализмини жорий қилдилар. Бу эса охир-оқибатда Европада Тикланиш эшикларини очиб берди ва ўз навбатида, насронийлик тарихини ўзгартириб юборди. Бундай шароитларда айрим олимлар Библияни жонли тилларга таржима қилишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Уильям Тиндейл Библиянинг инглиз тилидаги вариантни 1525 йил яратган. Бу ортодоксал доираларда қаттиқ ғазабга сабаб бўлди, китоб тақиқланди ва унинг барча нусхалари шафқатсиз равишда йўқ қилинди<sup>107</sup>. Д-р Мозлининг айтишича: «Китоб шафқатсиз ҳужумларга дуч келди. Епископлар ва қироллар уни лаънатладилар, барча нусхаларини олиб қўйдилар ва йўқ қилдилар ва уни ўқувчиларга ов бошладилар»<sup>108</sup>. Бечора Тиндейл 1536 йил бўғиб ўлдирилди ва гулханда кудирилди.<sup>109</sup> Бу каби ҳолат ягона эмасди. 1380 йил, Джон Уайклифф Библияни инглиз тилига таржима қилганида, уни ҳам худди шундай қисмат қарши олди ва унинг ўлимидан 30 йил кейин, 1415 йил май ойида, Констанц Собори қарори билан унинг чириб битган қўллари гўридан кавлаб олинди ва кулга айлантириб, дарёга оқизилди. Унинг биттаю-битта айби Библияни она тилига таржима қилганида эди! Бу таржималарни ўқиган кишиларни жуда даҳшатли жазолар кутарди. Д-р Патерсон Смит ҳикоя қилишича: «Китобни ўқиганлар шу китоб нусхаларини уларнинг бўйнига боғлаб қўйган ҳолда оловга ташланарди; эркалар ва аёллар ўз ибодат қилиш ва Библияда буюрилган ўнта амрни болаларига инглиз тилида ўқитганлиги учун қатл этиларди; эрларни хотинларига қарши гувоҳлик беришга, болаларни эса ота-оналари ўтказилган гулханларни ёқишга мажбур қилишарди:

---

<sup>107</sup> London Syllabus of Religion Education, pp. 130-131.

<sup>108</sup> The Bible Today: The English Bible before the Authorized Version, p. 128

<sup>109</sup> The London Syllabus, pp. 130-131.

Уайклиффнинг тақиқланган Библияси соҳибларига худди ёввойи ҳайвонларни ов қилгандек ов қилишарди».<sup>110</sup>

Бироқ эндиликда, Реформация ўзгартириб бўлмайдиган ҳақиқатга айлангач, бу сиёсатни давом эттиришнинг имкони бўлмай қолди. 1539 йил Катта Библия (Кавердейл варианты сифатида машҳур); 1557 йил Женева Библияси, 1568 йил эса – Епископ Библияси пайдо бўлди. Протестантлар библияларини тан олмаслигининг рамзи сифатида Рим черкови ҳам 1582 йил Реймсда Дуэй Библиясини чоп этди<sup>111</sup>, бироқ у оммалашмади ва 1611 йил Библиянинг тасдиқланган варианты пайдо бўлди.

1647 йил Джордж Фоке исмли кимса квакерликка асос солди. XVII асрда эса унитаризм вужудга келди. Бу секталар Монотеистик Илоҳий концепцияни маъқулларди, лекин Исо Масиҳнинг илоҳий моҳиятини ва Библиянинг том маънодаги бенуқсонлигини инкор қиларди. Кейинги асрда методистлар черкови, ундан кейин эса – Иегова шоҳидлари (иеговачилар Муқаддас Учлик тушунчасини тўлиқ инкор қилганлар), насронийлар фани ва еттинчи кун адвентистлари секталари пайдо бўлди<sup>112</sup>. Бу секталарнинг барчаси шафқатсиз папа ҳукуматига қарши бош кўтарган, демак, бу янги бидъатларни қоралаш ва четлатишга даъват қилган турли черков соборларининг олови остида қолган.

Бироқ, XIX аср насронийлик дини пойдеворини силкитган рационализмнинг гувоҳи бўлди. Исо Масиҳ ва Инжилда тилга олинадиган бошқа персонажлар шахсининг тарихийлиги ва Муқаддас китоблар ҳақиқийлиги танқидий баҳоланди. Эътиқоднинг ҳар бир банди диққат билан таҳлил қилинарди, бидъатчи ва хурофотчиларнинг уйдирмаси сифатида рад этиларди. «Тарихий Исо Масиҳни излаш» мифологик сафсаталарни чиқариб ташлаган ҳолда Исо Масиҳ шахсини тадқиқ этишга ҳаракат қилиб, бундай инсон мавжуд бўлмаган деган хулосага келди. XX аср бошларида сақланиб қолган рационализм суръати дин асосларини бирин-кетин заифлаштира бошлади. «Мўъжизавий дин» китобининг исми номаълум бўлган, у ҳақида илоҳиётчи-эксперт деб гапирилган муаллифи бутун бошли Библиянинг муаллифи Худо эканлигини рад этди.

---

<sup>110</sup> How We Got Out Bible.

<sup>111</sup> The London Syllabus, pp. 130-131, Stanley Cook's "Introduction to the Bible", pp. 9-12

<sup>112</sup> English Modernism. "Its Origin. Methods and Aims" by HDA. Major, pp. 97 et. aeg. Подробенности см. в "Chaos of Cults" by Karen Van Baleen. 5th Edition.

Робертсоннинг «Бутпарастлар Масихи», «Тарихий Исо Масих», «Насронийлик ва мифология», Томас Уиттекернинг «Насронийликнинг келиб чиқиши», П.Д.Кондауднинг «Исо Масих жумбоғи» ва «Масихнингпайдо бўлиши» китоби ва бошқалар Исо Масих ҳақидаги Библия афсонаси қадимги бутпарастлар афсоналари билан ўхшаш жиҳатларга эга эканлигини яққол кўрсатади.<sup>113</sup>

Рационализм ва анъанавийликнинг ўзаро алоқалари кўплаб анъанавий черков ақидаларини четга суриб ташлаган модернизмни вужудга келтирди. Библиянинг бенуқсонлиги, дастлабки гуноҳ ва қайсидир маънода гуноҳни ювиш, отасиз туғилиши, мўъжизалар ва чўқинтириш анъанавий тушунчаси, абадий жазо доктринаси, Исо Масихнинг Жаҳаннамга тушиши, осмонга кўтарилиши ва Худонинг ўнг томонида ўтириши ва ҳ.к. модернистлар эътиқодида мавжуд эмас<sup>114</sup>. Замоनावий тадқиқотлар анъанавий насронийликнинг асосларини тўлиқ заифлаштирди ва бу насронийлик дини ўзининг дастлабки софлигидан маҳрум бўлиб, ўз тарихида ҳеч қачон инсон эҳтиёжлари билан ҳамнафас бўлмаганлиги ва қайсидир маънода эскирганлининг яна бир исботи ҳисобланади. Клаттон Брокнинг сўзлари нақадар тўғри:

«Эҳтимол, ҳар бир давр Насронийликни ўзи учун очиш мақсадида ўтмишдаги насронийликни рад қилиши лозимдир».<sup>115</sup>

XX асрда Насронийлик қатор муваффақиятсизликларга дуч келди. 1945 йил Қумрон водийсида кўп миқдордаги «Ўлик денгиз номалари» топилиши шу пайтгача маълум бўлмаган бир қанча ҳужжатларни аниқлаб берди. Айрим номаларда Библиянинг эндиликда қайта кўриб чиқиш лозим бўлган кўплаб «муқаддас» ва рад қилиб бўлмайдиган боблари мавжуд бўлиб, бунинг натижасида илгари астойдил риоя қилинган айним насронийлик ақидалари, афтидан, бекор бўлиши лозим эди.<sup>116</sup> Бу топилмалар билан боғлиқ тадқиқотлар шуни яққол кўрсатадики, Инжил матнлари қумрон теологияси концепциялари билан чамбарчас битишиб кетган.<sup>117</sup>

Дунё улкан қадамлар билан олға қараб ҳаракатланаётган

<sup>113</sup> Cf: Hector Hawton's "The Thinker's Handbook", p.161.

<sup>114</sup> HDA. Major, op. cit., p. 97.

<sup>115</sup> Robertson, op. cit., p. 208.

<sup>116</sup> Islamic Literature, October 1966, art: Food for Thought for Christians.

<sup>117</sup> John M. Allegro, "The Dead Sea Scrolls", p 127.

бугунги кунда черков ҳалигача оқилона ақл-идроққа қарши турибди. У ҳар бир босқичда мағлубиятга учрамоқда. Яқинда Данияда ажралишлар ҳақида қонун маъқулланганда черков жанжал кўтарди. Бироқ черковнинг аёлларни асосий ҳуқуқлардан маҳрум қилишга қаратилган ҳаракатлари қанчалик муваффақиятсиз бўлиб чиққанлиги ҳаммага маълум. Моҳиятан олганда, ҳозирги ғарб цивилизацияси насронийликнинг мероси эмас. Агар у насронийлик цивилизацияси бўлганида эди, тараққий этган бўларди. Робинсон қўйидаги сўзларни айтганда мутлақо ҳақ эди: «Европани насронийлик ривожлантиргани йўқ, лекин Европа – сиёсий ва маданий кучлар ушбу мажмуи насронийликни ривожлантирди».

Машҳур файласуф Бертран Рассел ҳам худди шунга ўхшаш фикр билдирган:

«Атрофга бир қарасангиз, инсон ҳиссиётларидаги ҳар битта тараққиёт заррачаси ҳам, жиноятчилик билан боғлиқ қонунларни ҳар бир такомиллаштириш, урушдан халос бўлишга қаратилган ҳар бир қадам, қулликни юмшатиш ёки рангли ирқларга яхшироқ муомала қилишга қаратилган ҳар бир ҳаракат, дунёда рўй берган ҳар қандай ахлоқий тараққиёт мунтазам равишда дунё черковларининг қаршилигига учраб келган. Мен мутлақо тушуниб етган ҳолда айтаманки, черков шаклида ташкил этилган насронийлик дини дунёда ахлоқий тараққиётнинг асосий душмани бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда ҳам.<sup>118</sup>

Шундай қилиб, ҳозирги кўринишдаги насронийлик бу – Исо Масих келтирган дин эмас, балки ўзини ҳаворий деб эълон қилган Павелнинг ўзбошимчалик билан ўйлаб топган уйдирмаларига асосланган догматик устқурмани илгари сурган кўп сонли бутун жаҳон соборлари оқибатидир. Ушбу омиллар ва далилларнинг барчасини ҳисобга олиб, насронийликни «кенг тарқалган дин ақидаси ва Илоҳий Ваҳий эмас, балки инсоният тархининг бир кўриниши» сифатида тушуниш керак десак, муболаға қилган бўлмаймиз.

---

<sup>118</sup> Bertrand Russell, op, cit.. pp. 20-21.

## НАСРОНИЙЛИК ВА МИФОЛОГИЯ: ҚИЁСИЙ НАЗАР

Насронийлик ва мифология ўртасидаги ўзаро муносабатларни кўриб чиқишга киришдан олдин насронийлик вужудга кела бошлаган вақтда мажусийлар томонидан ҳурмат қилинган турли афсонавий фигураларни муфассал шарҳлаш мақсадга мувофиқ. Агар тахминан икки минг йил ортга қайтадиган бўлсак, дунёда қуёшга сиғинишнинг кўплаб ва ҳар хил турлари бўлганлигини кўришимиз мумкин. Муайян динлардан биронтаси универсал эмас эди; уларнинг асосчилари шахсиятлари атрофида турли афсоналар яратилганди. Натижада, ҳар бир дин мифологик руҳга эга бўлган эртанамо ҳикоялар шаклида тақдим этиларди. Мифологик тўқималар Мексикадан Индонезияга қадар кенг тарқалганди. Ўрта ер денгизи ҳам истисно эмас эди. У ўша пайтлар урф бўлган қуёшга сиғинишнинг гипнотик таъсири қурбони бўлганди. Бу ерда биз асосан илоҳийлаштириш предметлари бўлган қуйидаги афсонавий фигураларга дуч келамиз.

### Митра

Бу форсларнинг қуёш худоси эди. Афсоналарга кўра, у покдомон ҳолда ҳомиладор бўлган самовий бокира қизнинг ўғли бўлиб, 25 декабрда бир ғорда туғилган. Унинг 12 нафар шогирди бўлиб, ва у халқ томонидан узоқ вақтдан бери қутилган Масих эди. У ўз издошларининг гуноҳларини ўзига олган ҳолда ўлдирилди, қайта тирилди ва унга Худонинг тимсоли сифатида ибодат қилинди<sup>119</sup>. Унинг издошлари қаттиққўл ва жиддий ахлоқни тарғиб қилганлар. Уларда еттита муқаддас сирли ибодатлар бор эди. Уларнинг энг муҳимлари – чўқинтириш, тасдиқлаш (болаларни ёки бошқа диндаги кишиларни черков аҳли қаторига қўшиш, диндор қилиш маросими) ва евхаристия (причащение – бунда маросимда иштирок этувчилар нон ва шароб кўринишида Митранинг илоҳий табиатидан баҳраманд бўларди) ҳисобланади<sup>120</sup>. Митрачиларнинг ибодатхонаси ўрнига Ватикан ўз черковини барпо этган.

### Адонис

---

<sup>119</sup> Edward Carpenter "Pagan and ChristianC reeds", p. 203

<sup>120</sup> J. M, Robertson, op. cit., p. 138.

Бу қадимги Финикия мифологиясида ҳосилдорлик худоси (Бобил Таммузига мос келади). У 25 декабрда туғилган деб ишонишарди. У ўлдирилган ва дафн этилган, аммо у 3 кунни ўтказган ер ости дунёси (Аид) худолари унга тирилишга рухсат беради. У сурияликларнинг қутқарувчиси эди. Тавротда аёллар унинг бутига йиғлаши ҳақида гап боради<sup>121</sup>.

### **Аттис**

Бу Бобил Таммузининг (Адонис) фригияча варианты. У бокира-онадан туғилган ва Буюк Кибеланинг «ягона туғилган ўғли» ҳисобланган. У Ота-Худо ва Ўғил-Худони бир тимсолда мужассамлантирган. У инсониятнинг гуноҳларини ювиш учун 24 март куни қарағай тагида ўз қонини тўккан; қояда дафн этилган, аммо 25 март куни, унга ишонувчиларнинг умумий байрами бўлган кун (Пасха тирилишига параллел равишда) тирилган. Ушбу сиғинишнинг ўзига хос хусусиятлари қон билан чўқинтириш ва "причащение" ҳисобланади<sup>122</sup>.

### **Вакх (Дионис)**

Юнон мифологиясида узумчилик ва виночилик худоси. У Зевсдан жисмоний алоқасиз ҳомиладор бўлган Фива маликаси Семеланинг ўғли эди. 25 декабрда туғилган. У инсониятнинг қутқарувчиси ва халоскори эди. Унинг шарафига ҳар йили унинг ўлимини, дўзахга кириш ва тирилишни тасвирлайдиган байрамлар ташкил этиларди<sup>123</sup>.

### **Осирис**

Миср худо қуёши. 29 декабрда «дунё бокираси» деб аталмиш бокира қиздан туғилган. Унинг 12 та шогирди бўлиб, улардан бири - Тифон уни сотади, оқибатида ўлдирилиб, кўмилади, лекин жаҳаннамда 3 кун бўлганидан сўнг тирилади. У Худонинг тимсоли ҳисобланиб, Миср триадасида учинчи ўринни эгаллаган.

---

<sup>121</sup> Иезикииль, 8: 14.

<sup>122</sup> Racionalist Encyclopedia, art: "Attis". См. также Edward Carpenter "Pagan and Christian Creeds".

<sup>123</sup> Ibid

## Кришна (Христна)

Деваки исмли бокира қиздан эркак билан жинсий алоқасиз туғилган; у Буюк Вишнанинг ягона туғилган ўғли эди. Унинг туғилиши ҳақида фаришталар хори эълон қилган. Келиб чиқиши шоҳлардан бўлиб, ғорда туғилган. У Коинотнинг алфа ва омегаси ҳисобланган. Кўп марталаб мўъжизавий шифо берган. У ўз ҳаётини одамлар учун берган. Дунёдан кўз юмган чошгоҳ вақтида осмон хиралашиб, қоронғи бўлиб кетган. Дўзахга тушган, лекин тирилган ва осмонга кўтарилган<sup>124</sup>. Индуизм издошлари у яна ерга қайтиб, Охирги суд кунда ўликларни ҳукм қилишига ишонишади. У худоларнинг тимсолидир, ҳинд Училигининг учинчи юзидир<sup>125</sup>.

## Будда

Ҳаёти давомида буюк мўъжизалар содир этган. Дунёга тинчлик олиб келувчи инсоният халоскори. У зоҳирий ҳаёт кечириб, тинчлик уруғини сочган. У ерга такроран келиб, ўликларни ҳукм қилиши керак. У иблисга ўз қони билан тўлаб, инсониятни гуноҳлардан қутқарган. Ер юзидаги асосий мақсади бутунжаҳон дин ҳукмронлиги ўрнатиш эди (Дҳарма Чакра). У ўзидан кейин бошқа Будда келишини ваъда қилган.

Юқорида келтирилган афсонавий фигураларга кўз югуртириб чиқишда уларнинг орасида умумий жиҳатлар кўплигини кўриш мумкин<sup>126</sup>. Уларнинг деярли барчаси

- 1) тахминан 25декабрда туғилган;
- 2) ғорда ёки одамлар кўзидан яширин бўлган бошқа бир жойда бокира қиздан туғилган;
- 3) инсоният учун тарки дунё тарзида ҳаёт кечирган;
- 4) қутқарувчи, халоскор ва ҳ.к. деб аталган;
- 5) дастлаб мағлуб бўлган (ҳалок бўлган), лекин кейинчалик осмонга кўтарилган. Митра ва Осирис билан боғлиқ ҳолатларда бу ўхшашлик айниқса яққол кўзга ташланади;
- 6) шогирдларини бағишлаш амалга оширилган авлиёлар жамияти ва черковларга асос солган. Митранинг мисоли бу ерда

<sup>124</sup> Vivian Phelips "Churches and Modern Thought".

<sup>125</sup> The Bible in India", Chap: III, pp. 186-187.

<sup>126</sup> E. Carpenter, op. cit., p. 21.

айниқса кўзга ташланади;

7) евхаристик байрамлар уларнинг издошлари шарафига ташкил этилади. Аттис бу борада Масихга жуда ўхшайди.

Бу сиғинишлар бир-бирига яқин бўлгани учун уларнинг синтези уларнинг ҳеч бирига зид келмасди. Бундан ташқари, уларнинг барчаси таназзулга юз тутганлиги сабабли, бундай қўшилиш нафақат муқаррар, балки маълум даражада керакли эди.

Дарҳақиқат, айрим яҳудийлар секталари барча фикрлар хилма-хиллигини ифодалайдиган бирга қўшилган динни шакллантиришга уринган. Биринчи асрда яшаб ўтган яҳудий-эллинизм файласуфи Филон Александрийский бундай ҳаракатлар ҳировили бўлган. Бундай шароитларда ҳар бир янги дин ўзига хос эътиқодлар таъсирини ҳис қилган. Е.Карпентернинг қайд этишича:

"Гуноҳ ва қурбон ҳақида, халоскор, причащение ҳақида, учлик, бокира ҳолда ҳомиладор бўлиш ва ҳ.к. ҳақида таълимот кенг тарқалганди. Биронта диний синтез уларнинг таъсиридан қочиб қутула олмаган; унинг қўлидан келган ягона нарса бу – уларни ўзлаштириш, эҳтимол, ўзига хос тус бериш бўлган"<sup>127</sup>.

Юқорида айтиб ўтилганидек, насронийлик Исроилда пайдо бўлган, лекин юнон-миср-форс қуёшга сиғиниш диний маросимларида катта бўлган». У иудаизмдан жуда кам нарсани мерос қилиб олган бўлиб, асосан мажусийлар диний маросимларини ифодалайди. Ҳатто насронийликда кузатиш мумкин бўлган айрим кам сонли иудаизм концепциялари ҳам унга юнонлар фалсафасини қадрлаган ва яҳудийлар қонунларига кам эътибор қаратган Павел орқали (гарчи унинг ўзи ҳам яҳудий бўлишига қарамай) келган; у насронийликка келтирган ҳар бир нарса яҳудийликдан кўра кўпроқ мажусийларга хос бўлган. Бу ишларнинг ҳаммасини у мажусийларни янги дин бағрига жалб қилиш учун қилган. Уильям Данкенбринг ёзадики:

«Ўша даврдаги черков раҳбарлари насронийлик дунёни эгаллаш учун етарли даражада доно бўлиши ва бутун империядаги мажусийлар билан мурасага келишлари кераклигини ҳис қилдилар. Оддий одамлар мажусийлик урф-одатларга ўрганиб қолган бўлиб, мажусийлик байрамларига содиқ бўлгани учун черков оталари насронийлик билан мажусийликни яраштириш йўлини ўйлаб топдилар. Улар

---

<sup>127</sup> E. Carpenter, *op. cit.*

мажусийлик урф-одатларини шунчалик «чўқинтириб» кўриниши ва номи бўйича «насронийлик» деб аташди, холос. Натижада нима бўлди? Мажусийлар черковга ёпирилиб кела бошлади. Улар бир хил байрамларни нишонларди ва бир хил маросимларни адо этарди, фақат энди буни Астарта ёки Таммуз учун эмас, балки Масих учун қилардилар»<sup>128</sup>. Деярли барча йирик черков тарихчилари (масалан, Мосхейм, Мильман, Гайслер, Ренан ва бошқалар) «насроний епископлари яҳудийлар ва мажусийларни ўзларига жалб қилиш учун муқаддас диний маросимларни кўпайтирдилар»<sup>129</sup>.

Асл моҳият шундаки, Исо Масих осмонга кўтарилганда ўз издошларини етим қолдирди. Улардан баъзилари яна яҳудийликка, бошқалари эса мажусийликка қайтишди. Ўз моҳиятини йўқотиб, буларнинг барчаси янги динга турли хил таълимотларни келтирди ва дин уларни ўзига олди. Ташқаридан қараганда, насронийлик номи сақланиб қолганди, лекин унинг ичида барча таълимотлар мажусийликка хос бўлиб қолганди. Исонинг шахсияти Митра образига қўшилиб кетди ва натижада, таназзул ёқасида бўлиб турган мажусийлик қайта тикланди ва бошқа турдаги насронийликка айланди.

Насронийлик шу қадар мажусийлашдики, у ўзининг асосий манбаси - яҳудийлик билан барча алоқаларни узди. Унда мавжуд бўлган яҳудий ғоялари ҳам юнонлаштирилди. Савл, насронийликка ўтишда фақат юнонча Павел исмини қабул қилиб, буни амалга ошириши мумкин эди. Қонунлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди. Ҳатто худо билан абадий аҳд – хатна қилдиришдан ҳам воз кечилди<sup>130</sup>. Буларнинг барчаси шуни кўрсатадики, янги дин энди яҳудийликнинг бир бўлаги эмас, балки унинг рақибига айланди. Дастанлар арамей тилида - Исо ва унинг шогирдлари она тилида ваъз қилинган Инжил энди яҳудийлар либосида бўла олмасди, охир-оқибат у юнон тилига ўгирилди. Исонинг исми яҳудийча эмас; бу Иешуа исмининг юнонча бузиб айтилишидир<sup>131</sup>. Фақат «Худонинг ўғли» атамаси яҳудийликдан олинган кўринади, лекин янги динда унинг ҳам

<sup>128</sup> Plain Truth, March 1973, art: "Easter", p. 12.

<sup>129</sup> J. M. Robertson. "A Short History of Free Thought", vol. I, p. 229.

<sup>130</sup> Послание к Галатам, 6: 12-16.

<sup>131</sup> Согласно автору книги "Библия в Индии", имя Иисус, или Иешуа, весьма распространенное среди евреев, было в древней Индии священным титулом, присваиваемым всем воплощениям, тогда как все законодатели принимали имя Ману (стр. 104). Из д-Гиты он ясно доказывает, что "Христу имел имя Иисус" (стр.247)

маъноси ўзгартиридди. Тавротда бу сўзлар фақат рамзий маънода ишлатилган, насронийлар эса уларни том маънода тушуна бошладилар. Исонинг илоҳийлиги ғояси мажусийларнинг қуёшга сиғинишидан олинган эди. Бировнинг ўрнига гуноҳларини ювиш тушунчаси Исонинг хочда қурбонлик ўлиmidан эмас, балки бундай ғояларга тўла бўлган кўплаб аввалги сиғинишлардан келиб чиқади. Евхаристик байрамлар Исонинг охириги кечаси билан ҳеч қандай алоқаси йўқ - улар Миср динидан келиб чиқади. Чўқинтириш митраизмдан олинган. Учлик тушунчаси насронийликка турли манбалардан, жумладан, юнон, миср, форс ва индуизмдан кириб келган. Худди шу нарса Митранинг туғилган куни бўлган христиан Рождество байрами учун ҳам амал қилади. Пасха эса Аттис шарафига байрам қилинади.

Насронийлар ҳафта кунлари ҳам яҳудийча номланмай қўйди. Уларга илоҳ сифатида ҳурмат қилинадиган римча сайёрлар номи берилди: *Saturday* – Сатурн шарафига, *Sunday* – Қуёш шарафига, *Monday* – Ой шарафига, *Tuesday* - Тью – нордча Тиренинг инглиз-саксония эквиваленти, *Один* – уруш худосининг ўғли; *Wednesday* – Воден номи бўйича – Римнинг ғалаба худоси; *Thursday* – Рим момоқолдирак ва чақмоқ худоси Торнинг номидан, *Friday* – Рим мифологиясида муҳаббат маъбудаси Фригг (Веденнинг хотини) номига қўйилди<sup>132</sup>.

Худди шу тарзда ойлар номлари ҳам ўзгартирилди. Январь – Римнинг икки юзли эшиклар (кириш ва чиқиш) худоси Янус, Март – уруш худоси Марс; Май – Рим мифологиясида унчалик машҳур бўлмаган Майа; Июн – Рим маъбудаси Юнона; Июл – Юлий Цезар; Август – Римнинг биринчи императори Август Цезар шарафига номланди. Сентябрдан декабргача бўлган қолган ойлар рақамлар бўйича белгиланди – етти (*septem*), саккиз (*octo*), тўққиз (*novem*) ва ўн (*decem*)<sup>133</sup>.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, насронийлар афсоналари мажусийлар афсоналари билан таққосланганда маълум бўладигани, Исонинг ҳаётидан (Инжилда кўрсатилганидек) олинган ҳар қандай ажойиб эпизод мажусийлар сиғинишларида Худо ёки ярим Худо ҳақидаги афсоналарга мос келади. Бугунги кунда насронийликда топилган нарсалар Исонинг - яҳудий пайғамбарнинг таълимоти эмас, балки юнон-рим ва миср-форс мажусийлик ғоялари аралашмаси ҳисобланади.

<sup>132</sup> Dunlop Book of Facts, 1964, p. 4.

<sup>133</sup> *ibid*, p. 5et seq.



## ХОЧГА МИХЛАНИШ ҲАҚИДАГИ АФСОНА

Насронийлар Исонинг хочга михлангани ҳақида якдил бир фикр билдирадилар, чунки уларнинг диний ақидалари ушбу афсонага асосланган: агар хочга михланиш бўлмаганида эди, хочнинг муқаддаслиги, гуноҳларни ювиш таълимоти, пасха ва причастие ва ҳ.к. ҳеч қандай маънога эга бўлмасди. Гарчи ўзаро қарама-қаршиликлар мавжуд бўлсада, Инжилнинг деярли барча қисмлари бу афсонани ўз ичига олади.

Турли Инжилларда мавжуд бўлган танқидий ички гувоҳликларни (улар қанчалик кам бўлишидан қатъи назар) кўриб чиқайлик.

Бизнинг насроний биродарларимиз Исонинг хочда ўлим топиши ва унинг кейин арш аълога кўтарилиши ҳақида башоратлар келтирганлар. Инжилда айтилишича, Исо ўлдирилади, уч кун ва уч кечага дафн қилинади ва яна қабрдан кўтарилади деб бошқаларга хабар беради. Матто Инжилсида таъкидланишича, баъзи дин муаллимлари унинг қутқарувчи, халоскор эканлигини исботлаш учун белги талаб қилганда, Исо қуйидагича жавоб беради: "...Бу ёвуз ва субутсиз насл далил излаяпти, лекин Юнус пайғамбарнинг аломатидан бошқа унга далил берилмайди. Юнус пайғамбар уч куну уч тун кит қорнида бўлгани каби, Инсон Ўғли ҳам худди шундай уч куну уч тун ер бағрида бўлади".<sup>134</sup>

Маттонинг баёноти мутлақо икки хил тушунишга йўл қўймайди. Келусида у бошқа евангелистлар томонидан ҳам тасдиқланган.<sup>135</sup>

Инжилдан гувоҳлик сифатида Юнус Пайғамбар китобининг қуйидаги ояти берилган:

"Худо улкан китга Юнусни ютиб юборишни буюрди; ва Юнус бу китнинг қорнида уч кун ва уч кеча бўлди".<sup>136</sup>

Таврот версиясига кўра, Юнус пайғамбар (алайҳи салом) китнинг қорнида уч кун ва уч кеча қолди, шундан кейин у кит томонидан отиб чиқарилган ҳолда ажойиб тарзда қайта тирилади. Аниқки, Юнуснинг мўъжизали қутқарилишини назарда тутган Исо ягона, аммо энг муҳим аломат ҳақида бундай аниқ ва асоссиз баёнот берган. Юнус пайғамбар сингари, у худди шу

<sup>134</sup> Матф, 12:39-40.

<sup>135</sup> Марк, 8: 31 и 9/31; Юҳанно,2: 19-21; Матто., 16: 21, 17: 22-23; Луқо 9: 22.

<sup>136</sup> Юнус, 2: 1.

даврда, яъни уч кун давомида ернинг қаърига дафн этилиши керак эди. Хочга михланиш ҳақидаги афсонанинг тақдири бу ягона башоратга боғлиқ ва унинг бажарилмаслиги ipso facto бутун устқурмани бузади.

Инжилларда Исо жума куни, яъни яҳудийлар шаббати арафасида хочга михлангани ҳақида яқдил фикр билдирилади. Луқа ҳикоя қиладики; " бутун ерни соат учгача давомли зулмат қоплади".<sup>137</sup> Маркнинг таъкидлашича: " Жума куни кеч киришига сал қолган, дам олиш кунига тайёргарлик қилиш вақти тугаётган".<sup>138</sup> Матто дейди: "Тайёргарлик кунининг эртасига олий руҳонийлар ва фарзийлар Пилатнинг ҳузурига тўпланишиб".<sup>139</sup>

Юҳанно ҳикоя қилади: " Ўша куни дам олиш куни арафаси – жума эди. Эртанги шанба жуда табаррук кун ҳисоблангани учун, яҳудий мансабдорлари жасадларни хочда қолдиришни истамадилар".<sup>140</sup> Бу эса хочга михланиш жума куни бўлиб ўтганлигини англатади. Насронийлар орасида бу воқеанинг ҳар йили пасха арафасидаги жума сифатида нишонланадиган жума куни рўй бергани ҳақида икки хил фикр бўлиши мумкин эмас. Қайта тирилиш кунига келсак, инжилчилар кейинги куни эрталаб содир бўлгани ҳақида бир хил фикр билдиришади. Матто дейдики: " Дам олиш кунининг эртасига, якшанба куни тонготарда мағдалалик Марям билан бошқа Марям қабрни кўргани боришди"<sup>141</sup>; Марк: "Якшанба куни жуда барвақт туриб, тонг отарда қабрга бордилар"<sup>142</sup>; Луқа: "Якшанба куни эрта тонгда аёллар тайёрлаб қўйган атирларини олиб қабрга келдилар"<sup>143</sup>, ва Юҳанно тасдиқлайди: "Ҳафтанинг биринчи куни эрта саҳарда, ҳали қоронғи пайтда, мағдалалик Марям қабрнинг олдига келиб, қабр оғзидаги тошнинг ағдарилганини кўрди"<sup>144</sup>. Бундан олдинги воқеа каби, қайта тирилиш ҳам бир овоздан якшанба куни эрталаб рўй берган ҳисобланади.

Энди, Инжилни танқидий кўриб чиқадиган бўлсак, шуни кўришимиз мумкинки, Исонинг башорати ўнгидан келмаган. Агар Исонинг танаси кўмилган жума оқшомидан бошлаб якшанба

---

<sup>137</sup> Луқа, 23: 44.

<sup>138</sup> Марк. 15:42.

<sup>139</sup> Матто., 27: 62.

<sup>140</sup> Юҳанно 19:31.

<sup>141</sup> Матто., 28: 1.

<sup>142</sup> Марк, 16: 2.

<sup>143</sup> Луқа, 24:1.

<sup>144</sup> Юҳанно. 20: 1.

тонгигача бўлган вақтни ҳисоблайдиган бўлсак, ер қаърида бўлиш вақти бир кун ва икки кечани ташкил қилади (яъни 36 соатдан кўп эмас, ёки Исо башорат қилган вақтнинг ярми); ҳатто жума оқшомини тўлиқ кун деб ҳисоблайдиган бўлсак ҳам, икки кун ва икки кеча бўлади. Икки кун ва икки кечани ҳеч қандай тасаввур кучи билан уч кун ва уч кечага айлантириб бўлмайди. Бу ҳолат асрлар давомида тури хийла-найранлар ёрдамида икки учга тенг эканлигини исботлашган ҳаракат қилган ҳолда бу сир билан курашган кўплаб Библия шарҳловчиларини боши берк кўчага киритиб қўярди. Гап шундаки, агар бу борада қатъият кўрсатилмаса, бутун евангелистик башорат ва кароматлар чиппакка чиқади ва шунда ёки пасха арафасидаги жума ва пасха яшанбаси ҳақида ривоят оддий эртақ бўлиб чиқади, ёки насронийларда ҳеч қандай Халоскор бўлмайди ёки Исо фақат битта белги берган, яъни уч кун ва уч кечага дафн этилиши ҳақида. Бу башоратнинг ижро этилмаслиги черковнинг хочга михлаш ҳақидаги афсонасини рад қилиш учун бемалол етарлидир.

Хочга михланиш тарихи, агар барча Инжилларни солиштириб кўрадиган бўлсак, мурасасиз қарама-қаршиликларни аниқлайди, тўртта инжилчиларнинг биронтаси бу воқеанинг гувоҳи деб аталиши мумкин бўлган нарсалар борасида бошқалар фикри билан рози бўлмаса керак. Ҳамма нарса, шубҳасизки, Исо Масихнинг хочга михланиши уйдирма бўлганлигидан далолат беради. Нима бўлганда ҳам, ҳақиқатни аниқлаш учун Инжилнинг далилларини диққат билан таҳлил қиламиз.

Хронологик устуворлик туфайли Марк Инжилини кўриб чиқиладиган эпизоднинг асосий гувоҳлик манбаи сифатида қабул қиламиз. Марк хочга михланиш ҳақида ҳам, қайта тирилиш ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Бироқ, замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, бу Инжилнинг сўнги 12 оятлари қалбаки бўлиб, қадимий қўлёзмаларда топилмаган.<sup>145</sup> Шундай қилиб, 16-бобнинг дастлабки саккизта оятида бўлган нарса оригинал бўлиб қолаверади. Материал ўта схематик бўлиб, ақл-идроққа асосланган ҳолда мулоҳаза юритадиган бўлсак, ишониб бўлмайди. Афсона Матто Инжилида батафсилроқ баён қилинган; у Луқада ҳам, унга иккита тўлиқ бобни бағишлаган Юҳаннода кенгайтирилган кўринишда ҳам мавжуд.

---

<sup>145</sup> F. Kenyon ("The Bible and the Ancient Manuscripts, p. 48). См. также: The Early Church and the New Testament, Irene Alien, 1953, pp. 198-209.

Лекин инжилчиларнинг биронтаси рўй берган воқеа тафсилотлари ҳақида бошқаларнинг баёнига қўшилмайди. Қарама-қаршиликларни батафсилроқ кўриб чиқамиз.

1. Дастлабки учта Инжил муаллифларининг айтишича, Киринеялик Симон Исонинг хочини кўтариб юришга мажбур қилинади.<sup>146</sup> Юҳанно уларга қарши бориб қуйидаги сўзларни айтади: " Исо Ўз хочини кўтариб, Бошсуяги (яхудийча Гўлгота) деган жойга келди...".<sup>147</sup>

2. Тўртала инжилчи хочдаги ёзувни турлича талқин қилади. Маркнинг айтишича, у ерда "Яҳудийларнинг Подшоҳи" деб<sup>148</sup>, Маттога кўра - "Яҳудийларнинг Подшоҳи Исо – Будир"<sup>149</sup>, Луқанинг фикрича - "Яҳудийларнинг Подшоҳи будир"<sup>150</sup>, Юҳаннога кўра эса - "Яҳудийларнинг Подшоҳи Носиралик Исо" деб ёзилганди<sup>151</sup>. Ёзувлардаги фарқлар шундан далолат берадики, уларнинг биронтаси воқеа рўй берган жойда шахсан бўлмаган, балки миш-мишларга асосланган. Аслида, Матто буни шубҳага ўрин ҳам қолдирмайдиган сўзлар билан тан олади: " Ўшанда ҳамма шогирдлари Исони қолдириб, қочиб кетишди"; бу ҳақида Марк ҳам хабар беради.<sup>152</sup>

3. Бундай келишмовчиликлар хочга михланишни тасвирлашда ҳам ўринга эга бўлади. Маттонинг хабар беришича, ер устини зулмат қоплайди, ибодатхонадаги парда икки қисмга йиртилиб кетади, зилзила содир бўлади, қоялар бўлиниб кетади, гўрлар очилиб қолиб, марҳум азизларнинг таналари тирилди ва кўпчиликнинг олдида пайдо бўлди. Марк фақатгина бутун ер юзини зулмат қамраб олгани ва ибодатхонадаги парда юқоридан пастга қараб йиртилгани эслатиб ўтади. Луқа эса бутун ер юзини зулмат қоплаб олгани, қуёш қорайгани, ибодатхонадаги парда ўртасидна йиртилганини айтади. Юҳанно бу воқеалар ҳақида ҳеч нарса айтмайди.<sup>153</sup>

4. Воқеалар рўй берган вақтни кўрсатишда ҳам фарқ бор. Маркнинг таъкидлашича, "Уни хочга михлаганларида соат тўққиз

<sup>146</sup> Марк, 15: 21-22; Матто.. 27: 32; Луқо, 23: 26.

<sup>147</sup> Юҳанно, 19:17.

<sup>148</sup> Марк, 15:26.

<sup>149</sup> Матто, 27: 37.

<sup>150</sup> Луқо, 23: 38.

<sup>151</sup> Юҳанно, 19: 19.

<sup>152</sup> Матто., 26: 56; Марк, 14: 50.

<sup>153</sup> Матто., 27: 45, 51-53; Марк, 15: 33, 38; Луқо, 23:44-45.

эди" бўлган, Лука соат олти ҳақида, Матто эса тўққиз ҳақида гапиради.<sup>154</sup>

5. Маркка кўра у Исонинг охири кечаси яҳудийлар пасхаси вақтида бўлиб<sup>155</sup>, Юҳанно эса бу пасхадан олдин<sup>156</sup>, яъни Пасха тунининг бошланишидан олдин содир бўлганлигини айтади.

6. Ҳаттоки биз Исо ҳақиқатда хочга михланган деб қабул қиладиган бўлсак ҳам, инжилчилар у ҳақиқатда хочда ўлганига бизни ишонтира олмайди, ipso facto насронийлар ақидасининг бутун тузилишини бузади. Биринчи учта инжилчи Исо хочда ўлганлиги ҳақида бир хил фикр билдиришган бўлса-да, тўртинчи Инжилда келтирилган таъриф зиддиятли. Юҳаннонинг айтишича, шанба яқинлашиб келаётгани сабабли яҳудийлар улар учун тантанали кунгача қурбонларни хочда қолдиришни хоҳламадилар. Шунинг учун улар Пилатдан хочга михланганларнинг болдирларини синдириб, бир ёқли қилиш учун рухсат олишди. Дастлабки икки яҳудийдан қутулгач, жангчилар Исога яқинлашганда, аллақачон уни руҳи тарк этганини аниқладилар. Шунга қарамай, жангчилардан бири кўкрагини найза билан тешди ва "Лекин аскарлардан бири Исонинг биқинини найза билан тешди, шу заҳоти Унинг биқинидан қон билан сув оқиб чиқди".<sup>157</sup> Бу ҳикоя насронийларни доимо ҳайратга солиб келган. Қон ва сувнинг тугаши шуни англатадики, қурбоннинг юраги уриб турган, токи юрак уриб турар экан, инсон тирик бўлади. Бундан ташқари, Исо бир неча соат ичида қандай қилиб ўлганлиги жуда сирли, чунки одатда одам михланган ҳолда ҳам камида икки-уч кун давомида тирик қолади (боз устига, бошқа қурбонлар яҳудийлар текшируви вақтида тирик экан). Шуни ҳам таъкидлаш керакки, биринчи асрнинг барча расмларида Исо хочдан олинганида тирик ҳолда тасвирланган. Дж. Эванс Гордоннинг айтишича: «Тахминан XII асргача Исо Масих фигураси тирик, кийинган ва гултож билан тасвирланган; кейинчалик у ўлаётган ёки ўлик ҳолда, сонга боғланган мато билан»<sup>158</sup> деб тасвирланган.

7. Дафн баёни ҳам қарама-қаршиликлардан холи эмас. Маттонинг айтишича, Исо тобутга солинганда яҳудийлар

<sup>154</sup> Марк, 15: 25; Лука, 23: 44; Матто.. 27: 46.

<sup>155</sup> Марк, 14: 12-17.

<sup>156</sup> Юҳанно, 13: 1,2.

<sup>157</sup> Юҳанно. 19:34.

<sup>158</sup> Chambers Encyclopaedia, art. Crucifix.

Пилатдан "токи Унинг шогирдлари кечаси келиб Уни ўғирлаб кетишмасин ва халққа: "У қайта тирилди", – деб айтишмасин. "; Улар эса соқчилар билан бориб, қабр тошига муҳр босиб, қабрни қоровуллай бошладилар". Бошқа инжилчилар қўриқчилар ҳақида ҳеч нарса ёзмаган<sup>159</sup>.

Маркнинг ёзишича, Юсуф унинг танасини қояда ўйилган тобутга солади; Луқанинг сўзларига кўра Юсуф "уни қояда ўйилган, ҳали ҳеч ким қўйилмаган тобутга солади" (суяб қўйилган тоғ ҳақида 24-бобда ёдга олиб ўтилади; Юҳанно ҳам Исонинг «ҳали ҳеч ким қўйилмаган» янги тобутда дафн этилгани ҳақида хабар беради.

8. Кейинги воқеаларни ҳикоя қилишда ҳам қара-қаршилиқлар бор. Маттонинг айтишича, "Дам олиш кунининг эртасига, якшанба кунни тонготарда мағдалалик Марям билан бошқа Марям қабрни кўргани боришди", Марк хабар қиладики, қуёш чиқиши билан тобут ёнига Мария Мағдалина ва Мария Иаковлева ва Саломия келдилар.<sup>160</sup> Луқанинг айтишича, танага хушбўй моддалар суртиш учун Галилеядан аёллар келдилар<sup>161</sup>; Юҳанно ҳикоя қиладики, Мария Мағдалина у ерга жуда эрта, ҳали қоронғу пайти келган ва бир ўзи бўлган<sup>162</sup>.

9. Маттонинг ҳикоя қилишича, "бир фариштаси осмондан тушди ва қабрга бориб тошни ағдариб юборди-да, унинг устига ўтирди".<sup>163</sup> Марк айтадики, фаришта тобутнинг ичида бўлган ва ўнг томонда ўтирган.<sup>164</sup> Луқанинг таъкидлашича, аёллар олдида ялтироқ кийимда гавдаланган иккита фаришта бор эди (яъни улар ўртирмасди, балки турарди).<sup>165</sup> Юҳанно ҳикоя қилишни янада мураккаблаштиради, Мария Мағдалина иккита фариштани кўргани, улардан бири бош томонда, иккинчиси эса оёқ томонда ўтирганини айтади.<sup>166</sup>

10. Маттонинг айтишича, иккала Марияга Исо Масих тирилганини айтади ва аёллар сағанани тарк этадилар.<sup>167</sup> Марк ҳам фаришта аёлларга Исо Масих тирилгани ҳақида айтганлигини

---

<sup>159</sup> Матто. 27: 62-66.

<sup>160</sup> 64, 66; Марк, 15: 46; Луқо, 23: 53; Юҳанно, 19:41. 27. Матто, 28: 1; Марк, 16: 1.

<sup>161</sup> Луқо, 23: 55-56, 24:1.

<sup>162</sup> Юҳанно, 20: 1.

<sup>163</sup> Матто., 28:2.

<sup>164</sup> Марк, 16:5.

<sup>165</sup> Луқо, 24: 4.

<sup>166</sup> Юҳанно, 20:12.

<sup>167</sup> Матто, 28: 6, 7.

ёзади. Луқанинг сўзларига кўра, Исо Масих тирилгани ҳақида аёлларга иккита фаришта хабар берган.<sup>168</sup> Юҳанно эса, аксинча, Исо Масих тирилгани ҳақида Марияга ўзи айтиб берганлигини ҳикоя қилади.<sup>169</sup>

11. Маттонинг ҳикоя қилишича, фаришта иккала аёлга қараб деган: "Энди тезроқ бориб, Унинг шогирдларига: "Исо тирилди. У сиздан олдин Жалилага кетяпти, Уни ўша ерда кўрасизлар", – деб айтишлар. Сизларга буни мен айтдим"<sup>170</sup>. Кейинги икки оятда биз бир-бирига мутлақо зид келадиган фикрларни учратамиз:

"Шогирдларга бу хабарни етказайлик, деб улар йўлда кетаётганларида, бирданига Исонинг Ўзи уларнинг қаршисидан чиқиб:

– Салом! – деди.

Улар эса рўбарў келиб, оёқларига ёпишганча Унга топина бошладилар. Шунда Исо уларга:

– Қўрқманглар! Бориб биродарларимга Жалилага боришларини, Мени ўша ерда кўришларини хабар беринглар, – деди"<sup>171</sup>. Кейин эса Матто хабар қилади: "Ўн бир шогирд Жалилага, Исо уларга тайин этган тоққа боришди..."<sup>172</sup>

Юҳанно эса рўй берган воқеанинг умуман бошқача тахминини келтиради:

"Ўша якшанба куни оқшомда шогирдлар тўпланган эдилар. Улар яҳудий мансабдорларидан\* кўрқиб, уйнинг эшикларини қулфлаб қўйган эдилар. Шу пайт Исо келиб қолди. У ўртада туриб шогирдларига:

– Сизларга тинчлик бўлсин! – деди"<sup>173</sup>.

Бу эса шуни англатадики, Маттога кўра, ўн битта шогирд уларга учрашув белгилаган Исони қарши олиш учун Галилеяга йўл олади; бироқ, Юҳаннога кўра, улар бошқа жойда ёпиқ эшик ортида, шунда ҳам учрашув олдиндан белгилаб қўйилгани учун эмас, балки яҳудийлар олдидаги кўрқув туфайли тўпланадилар. Шуни эътиборга олиш керакки, Матто ҳам, Юҳанно ҳам Исо билан учрашган шогирдлар орасида бўлган? Луқа эса, Маттога ҳам, Юҳаннога ҳам қарши чиқиб, икки шогирднинг Исо билан

---

<sup>168</sup> Марк, 16; 5-6; Луқа, 24: 4-6.

<sup>169</sup> Юҳанно, 20: 16-17.

<sup>170</sup> Матто, 28: 7.

<sup>171</sup> Матто, 28: 9-10.

<sup>172</sup> Матто., 28: 16.

<sup>173</sup> Юҳанно. 20: 19.

учрашуви Қуддусга яқин бўлган Еммаус қишлоғида рўй бергани, сўнгра 11 та ҳаворий билан Қуддусда учрашгани ҳақида ёзади.<sup>174</sup>

Исо Масихни бир вақтнинг ўзида 500 дан ортиқ киши кўргани ҳақида на Исонинг шогирди, на воқеанинг шоҳида бўлмаган Павелгина хабар қилади. Агар бу тўғри бўлганида, бундай ҳолат ҳақида яҳудийлар томонидан ҳам, Исонинг шогирдлари томонидан ҳам, тарихчилар ва тарихчи бўлмаганлар томонидан ҳам бундай ғайритабиий ҳодиса ҳақида кенг хабар берилган бўлар эди. Ўша пайтда яшаб ўтган тарихчиларнинг биронтаси, масалан, Флавий ёки Тацит, бундай мўъжизалар ҳақида гапирмайди ва ҳатто Исо ҳақида энг юзаки сўзлар ҳам, замонавий тадқиқотлар кўрсатганидек, кейинчалик насроний ўйлаб топган сохта нарсалар билан кўрсатилгани ажабланарли эмас.<sup>175</sup> Исонинг тирилиши ҳақида гапирмаган ҳолда, қояларнинг ёрилиши, кўплаб марҳум авлиёларнинг қабридан туриши, уларнинг шаҳарларни зиёрат қилиши ва одамлар билан суҳбатлашиши ва бошқа ғайритабиий ҳодисалар тарихчиларни улар ҳақида гапиришга ундаган ижтимоий реакцияга сабаб бўлган бўларди.

Биз муқаррар равишда шундай хулосага келяпмизки, инжилчилар гапириб берган воқеа – афсона, миф бўлиб, Исо Масихнинг арш аълога кўтарилиши масаласига фантастик ёндашувга асосланади.

*Каноник Инжиллардан ташқари, бошқа апокрифик (черков тан олмайдиган) ҳужжатлар ҳам бундай қарама-қаршилиқларга бойдир. Варнава Инжилида айтилишича, Иуда хочда Исони хочда алмаштириб қўйган, бу эса Исони душманлар қўлидан шармандали ўлимдан қутқариш бўйича Илоҳий режанинг бир қисми бўлган. Исо эмас, Иуда қичқарган: " Эли, Эли, ламо шавақтани? яъни "Тангрим, Тангрим, нега Мени ташлаб қўйдинг?" – деб фарёд қилди..."*<sup>176</sup>

Варнаванинг айтишича: Мен ҳақиқатни гапиряпман, Иуданинг овози, юзи ва бутун қиёфаси Исоникига шунчалик ўхшаш эдики, унинг шогирдлари ва унга ишонганлар бу Исо деб ўйлашарди; шундан кейин улар Исо сохта пайғамбар бўлган ва сеҳр-жоду ёрдамида мўъжизалар кўрсатган деб ўйлаб, унинг таълимотидан

<sup>174</sup> Луқо. 24: 13-16, 28-31, 33-36. 42.1 послание к коринф, 15: 16.

<sup>175</sup> The Oxford Dictionary of the Christian Church.

<sup>176</sup> The Gospel of Barnabas, p. 227, пер. с итал. Landsdale and Laura Regg (1907).

чиқишди, чунки Исо дунёнинг охиригача ўлмаслигини, акс ҳолда у бу дунёдан олинишини айтганди".<sup>177</sup>

Ва яна: "Лекин Исонинг таълимотида мустаҳкам туриб олганлар Исо бўлмаган одамнинг ўлимини кўриб, қайғуга ботганди-ки, Исонинг нима деганларини эслай олмасди".<sup>178</sup>

Шундан кейин: "Худодан қўрқмаганлар кечаси бориб Иуданинг жасадини ўғирлаб, яшириб қўйишди ва Исо тирилганлиги ҳақидаги миш-мишни тарқатиб, катта тартибсизликлар юзага келтиришди".<sup>179</sup>

Шундай қилиб, Варнава Инжили унинг ўрнига хочга Иуда михлаб қўйилган Исо Масихнинг хочга михланиши ҳақида насронийлар эътиқоди ёлғон эканлигини аниқ кўрсатади.

Фақат аниқ далилларга асосланган эканлиги учун ҳам черков томонидан қаттиқ қораланган ушбу Инжилдан ташқари, Иринея (эрамизнинг 185 йили атрофида) Василид Инжили бўлганлиги ҳақида гапиради. Василиднинг таъкидлашича, Рим ҳукуматининг судидан кейин Исо хочга михлаш жойига етказиб келинган. Энг жиддий паллада Илоҳий ёрдам қутқариш учун келган ва у осмонга олиб чиқиб кетилган, Исо илоҳий ҳимоя остида яҳудийлар устидан кулиб турган бир пайтда хочга боғланган ва оёқ-қўлларига мих қоқилган кимсага жуда ўхшаб кетарди. Аслида, агар каноник Инжиллардан энг биринчиси бўлган Марк матнини сатрлар оралаб ўқисангиз (15; 21-25), унинг варианты ушбу нуқтаи назарни маълум даражада тасдиқлашини ҳис қилишингиз мумкин. Осмонга кўтарилиш ғояси Павел ёки Инжиллар муаллифлари учун янгилик эмас. Павел бизга «учинчи осмонга қадар ҳайратга тушган»<sup>180</sup> одамни билишини айтади. Афтидан, шу сабабли кейинги инжилчилар бу мавзу бўйича батафсил маълумот бериб, масалани мужмаллаштирадиган бошқа тафсилотлар киритдилар.

---

<sup>177</sup> Ibid.

<sup>178</sup> Ibid. CH. CCXVII.

<sup>179</sup> Ibid.

<sup>180</sup> 2-е Коринфянам, 12: 22.

## ИСО ҚАЧОН ВА ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ХУДОГА АЙЛАНГАН?

Насронийлар Исо (алайҳиссалом) инсон эмас, Худо бўлганини исботлашга уринадилар, гарчи бу тезис моҳиятан, Муқаддас Китобда тасдиқланмаган бўлса ҳам. Биз Инжилда Исонинг айнан ўхшашлиги кўрсатилишини топамиз.

Марк баён этган Инжил бу – тўртта энг қадимий муқаддас Инжилдан бири; у Исонинг тўғридан-тўғри шогирди Петр таълимотига асосланган деб ҳисобланади. Агар Исонинг илоҳий эканлиги ғояси унинг шогирдларига маълум бўлганида эди, Марк бу ҳақида ўзининг чорловида шубҳасиз маълум қилган бўларди. Лекин унда бунга ҳатто шаъма ҳам қилинмаган. Шу билан бир пайтда, Марк баён этган Инжилда айтиладики, Бутун илоҳий амрларнинг энг муҳими қайси бири? – деб сўради. Исо унга жавоб бериб деди:

– Бутун амрларнинг энг муҳими шу: “Тингла, эй Исроил! Раббимиз бўлган Худованд – ягона Худованддир<sup>181</sup>”.

Шунга ўхшаш нарсалар Марк баён этган баён Инжилнинг бошқа жойларида ҳам кузатилади.

Қолган икки синоптик Инжилга келадиган бўлсак, улар кечроқ даврда ёзилганлиги сабабли, афтидан, мажусийлар ибодатларини юқтириб олган. Авлиё А. В. Bruce қайд этишича, Луқо баён этган Инжилда Исо 10 мартадан ортиқ «Худо» деб аталган, ундан олдинги муаллифлар - Матто ва Марк - уни шунчаки Исо деб атайдилар, «бу, чамаси, унинг илоҳийлигига ишонч тадрижий ривожланишини кўрсатади».<sup>182</sup> Теологик нуқтаи назардан, Маттодан ва Луқолар баён этган Инжиллар ёзилган давр насронийликнинг жон сақлаши учун энг муҳим давр бўлган. Унга иккита кучли ушман - митраизм ва иудаизм қарши турган. Янги дин вазият босими остида қолди. Мажусийлик элементлари насронийлик унинг асранди фарзанди бўлган иудаизмдан насронийликни олиб қочди ва уни теологик чапараста оқимлар гирдобига ташланди. Натижада у омон қолди, лекин тамомила янгича жиҳатларга эга бўлди. Исонинг образи у ҳақидаги афсона Инжилларда тавсифланган Исо (алайҳиссалом) ҳаёти эпизодларига ўхшаб кетадиган Митра образининг таъсирини ҳис қилди ва шу тариқа, таназзулга юз тута бошлаган митраизм иккинчи нафасга эга бўлди ва янги динга – насронийликка

<sup>181</sup> Марк, 12: 29-30

<sup>182</sup> Rev. A. V. Bruce(Encyclopaedia Biblica, art. Jesus).

айланди.

Тўртинчи Инжилга келадиган бўлсак, у инжилчилар адабиётида ўзига хос мавқега эга. Энг дастлабки оятлар Исони Логос – ибтидоси ҳам, интихоси ҳам бўлмаган Сўз, Дунё Донишмандлиги даражасига олиб чиқади. Ушбу Инжилда Исо худо-инсон кўринишида намоён бўлади – бу синоптик Инжилларда кўзда тутилган нарсанинг мутлақо тескариси кўзда тутилган. Замоनावий фан бу Инжилни «тарихийлиги энг паст» деб ҳисоблайди. Тахмин қилинадики, бу насроний муаллифнинг эмас, балки юнон фалсафасидан яхши хабардор бўлган александриялик бир яҳудийнинг асари ҳисобланади.<sup>183</sup> Унинг барча фикрлари, жумла ва иборалари каби, Филонинг асарларидан ўзлаштирган. «Логос» сўзи юнон ва миср фалсафасида асосий сўз бўлган. Бу сўзнинг насронийликка киритилиши кузатиб, Racionalist Encyclopaedia қайд этади: «Миср афсоналарида «сўз» фойдаланилади ва гарчи инглиз (ёки латин) тилига таржима унинг мазмуни борасида чалғитадиган бўлса-да, лекин шунга қарамай, унинг мистик мазмуни юнон фалсафасида ривожланди. Гераклит (материалист) у ҳақида табиатда тартибнинг бошланиши сифатида гапирган. Анаксагор уни "Ну с" (Он) деб атаб, мистик элементга айланттирган, Сукрот эса уни "Рух"га айланттирган. Диний қанотнинг стоицизм тарафдорлари Логосдан (ақлдан) марказий фигура, табиат қонунининг асосини яратдилар, александриялик яҳудий Филон эса тушунчаларни бири-бири билан аралаштириб юбориб Афлотунча тушунишга қайтди. Бу сўзнинг тўртинчи Инжилда қўлланиши мистик иудаизм Александрия мактабидан келиб чиққан».<sup>184</sup>

Айнан шунда, «Инжилларнинг энг тарихий бўлмагани»да Исо энди Фаластин пайғамбари сифатида эмас, балки «Уч бирликдаги Худонинг иккинчи юзи йўлида бўлган» космик шахс сифатида пайдо бўлади. Бу ерда Исонинг илоҳийлигига ишора қилувчи тез-тез айтилган матнни эслаб ўтиш жоиз: «Зеро Худо оламни шунчалик севдики, Ўзининг ягона Ўғлини берди, токи Унга ишонган ҳар бир киши ҳалок бўлмасин, балки абадий ҳаётга эга бўлсин»<sup>185</sup> - биз муаллифлаштирилган вариантда уни топишимиз мумкин бўлган нарса инжилчи дўстларимиз томонидан нозик

---

<sup>183</sup> F. Gladstone Bratton (A History of the Bible, pp. 140-141)

<sup>184</sup> A Racionalist Encyclopaedia, p. 363

<sup>185</sup> Юҳанно, 3: 16

интерполяция бўлиб чиқди<sup>186</sup> ва қайта кўриб чиқилган вариантда «Бизлар учун жонини фидо қилди, ана шундан биз муҳаббатни билдик» сўзларига ва «Худо вужудда зоҳир бўлди» матнига (1-Тим 3:16) алмаштирилиши лозим эди, шунингдек, «Вужудда зоҳир бўлган»ни<sup>187</sup> ҳам ўзгартириш керак эди. Бу кўпинча Исонинг илоҳийлигини кўрсатадиган иккита оят ҳисобланади. Бироқ, бу ерда сохталаштириш бор.

Биз Инжиллардан Павелнинг хабарларига ва бошқа инжил билан боғлиқ бўлмаган каноник адабиётларга ўтганимизда, мантиқий ипнинг йўқолганини кўраемиз. Хронологик тарзда оладиган бўлсак, Павелнинг ёзувлари Инжиллардан кўра қадимгидир. Павел Исонинг ҳаворийлари билан шахсан учрашмаган ва ўзининг ҳаворийлигини эълон қилган. У Исонинг таълимотига бундай ўзбошимчалик билан изоҳ бериб, унга бутунлай янгича овоз берди. У Исони иудаизмдан ажратиб, уни мажусийлар бутхоналарида чўқинтирди, бу ердан у Павелнинг сўзларига кўра, инсон эмас, балки "Худо" бўлиб чиқди. Шу асосда, унинг Исо ҳақидаги фикрлари соғлом фикрлайдиган одамлар орасида ўз тарафдорларини топа олмайди. Машҳур насроний муаллиф Калмет Павел ҳақида шундай деб ёзган эди:

«Исо битта Худога бўлган эътиқодни ўргатди, лекин платонист бўлган ҳаворий Юҳанно Масихнинг динини унинг гўзаллиги ва соддалигидан маҳрум қилиб, тушунарсиз платоник Учлик ёки шарқий Триадани киритиб, Худонинг иккита атрибутини, яъни унинг Муқаддас Рухи ва Платон «Логос» деб атаган Илоҳий Ақлни айнан бир хил деб атади».<sup>188</sup>

Исонинг Илоҳийлиги ҳақидаги бу ақида черков доираларига киритилганда, у рационалистлар томонидан кескин қаршиликка учраган. IV асрда Александария епископи Арий бу таълимотга қарши чиқди ва Исо Худо томонидан яратилган эканлигини ва шу сабабли Яратгувчи билан тенглаштирилиши мумкин эмаслигини таъкидлаб, унга қаттиқ қаршилик кўрсатди: «... ўғил яратилмиш ва бунёд этилмишдир. У моҳиятан ўз Отасига ўхшамайди ва том маънода на Ота, на асл ҳикмат эмас... Бунинг оқибатида у, барча ақлли мавжудотлар каби, табиатан ўзгариши мумкин».<sup>189</sup>

<sup>186</sup> Joseph Wood "The Bible - What it is and is not" second ed. 1892, pp. 44-45.

<sup>187</sup> Ibid, 3: 26.

<sup>188</sup> Цит. по Dr. F. R. Ansari "Islam and Christianity\*".

<sup>189</sup> Цит. по Athanasius, Deposito Aarii, CH. II.

Бирок, баёнотлар черков ақидаларига қарши бидъат сифатида қабул қилинди ва Арий 325 йил император Константин томонидан чақирилган Никей собори томонидан суд қилинди. Бу соборда Исонинг Илоҳийлиги черковнинг оталари томонидан расман тан олинган.

## ХУДОНИНГ ЎҒЛИ УНВОНИ

Исо (алайҳиссалом) Илоҳийлигини исботлаш учун насронийлар кўпинча Инжилларда қўлланадиган «Худонинг Ўғли» иборасига мурожаат қилади. Чуқурроқ таҳлил қилишда маълум бўладики, у маъжозий маънода фойдаланилади. Библия кўпчиликни Худонинг ўғли деб атаган, лекин уларга ҳеч қачон илоҳий маъно бахшида этилмаган.<sup>190</sup> " Исроил Менинг тўнғич ўғлимдир"<sup>191</sup>, "Ўз фарзандларим"<sup>192</sup>, Инжилда ҳам, Тавротда ҳам бу иборани кўп жойда учратиш мумкин<sup>193</sup>. Бу фахрий унвон бўлиб, одамга тақводорлик учун берилган ва ҳеч қачон ушбу шахсни илоҳийлаштиришни англамаган. Бу масала борасида суриялик илоҳиёт мутахассиси Афрат (эрамизнинг IV асри) аниқ фикр билдирган: "Худонинг шарафли номи одамларга бериларди ва улар бунга муносиб деб топиларди. Худо улардан рози бўлган одамларни ҳам. У Ўзи Ўзининг ўғиллари ва дўстлари деб атаган. Хусусан, у Мусони Ўзининг дўсти ва Ўз халқининг севимли йўлбошчиси сифатида танлаганида, уни ўқитувчи ва руҳоний қилиб қўйган. У уни Худо деб атаган, чунки у унга шундай деган: "Сени фиръавн учун Худо қилиб қўйаман". Шу ондаёқ унга ўз коҳинини беради. " Қараб тур, аканг Ҳорунни сенинг ўрнингга гапирадиган қиламан. Сени фиръавннинг кўзи олдида Худо сингари — Мендай қилиб қўяман. Ҳорун сенинг пайғамбаринг бўлиб, гапларингни фиръавнга етказди...". Сулаймон ҳақида эса қуйидаги сўзлар айтилган: "Мен унга Ота бўламан, у эса Менга ўғил бўлади". У орқали худони таниган биз ҳам Масиҳни Худонинг ўғли деб атаймиз, Худо ҳам Исроилни ўз ўғлим деб айтган ва Сулаймонга ҳам "Менга ўғил бўлади", деб айтган.<sup>194</sup>

<sup>190</sup> Ибтидо, 6: 2; Аюб, 1: 6 ва ҳк.

<sup>191</sup> Исход, 4: 22.

<sup>192</sup> Ишаё.45: 11.

<sup>193</sup> Матто. 5: 9, 45; 23: 9; Румликларга, 8: 16; 2-Корфиняликларга. 6:18.

<sup>194</sup> Цит. no F. C. Conybeare (Myth, Magic and Morals p. 148).

Бу дегани, «Худонинг Ўғли» унвони, Инжилларда Исога нисбатан қўллангани каби, Муқаддас Китобнинг турли жойларида учрайдиган «Худонинг бандаси» иборасига тенг сўздир.

1. " Мана, ота-боболаримизнинг Худоси, Иброҳим, Исҳоқ ва Ёқубнинг Худоси Ўзининг Ўғлини Исони юксалтириб, шон-шарафга сазовор қилган".<sup>195</sup>

2. " Ҳақиқатан ҳам, Ҳирод билан Пўнтий Пилат бу шаҳарда Исроил халқи ва бошқа халқлар билан тил бириктириб, Сен Масих деб тайинлаган азизу муқаддас Ўғлонинг Исога қарши қўл кўтаришди".<sup>196</sup>

3. "Азиз Ўғлонинг Исо исми билан одамларга шифо бериш ва турли аломатлар, мўъжизалар яратиш учун қўлингни узатгин!".<sup>197</sup>

4. " Шундай қилиб, Худо ҳар бирингизни ёвуз ишларингиздан қайтариб, баракали қилай, деб Ўзининг Ўғлини Исони тирилтирди ва биринчи галда сизларга юборди".<sup>198</sup>

Ўқувчининг эътиборини шунга ҳам қаратиш керакки, Исо (алайҳиссалом!) қадимий яҳудий тилига яқин бўлган арамей тилида даъват қилган. Бу тилда "Худонинг ўғли" "эбад Йехова" сифатида (араб тилида "абд" -"Аллоҳ ") янграйди. Исо Инжили юнон тилига таржима қилинганда бу сўзлар, афсуски, "rias" деб таржима қилинган бўлиб, бу "хизматкор" маъносини ҳам, "ўғил" маъносини ҳам англатарди.<sup>199</sup> Ўша пайтлар Ўша пайтда Худонинг ўғли, Худонинг тўнғичи ёки Иккинчи Худо бўлган одам билан Худо ўртасидаги воситачи ҳақида Филон назарияси жуда машҳур эди. Деярли барча таълимотлар филонизация қилинганида "пиас" сўзи "Худонинг фарзанди" деб тушунила бошланди ва ундан "Худонинг ўғли" иборасига ўтиш учун бир қадам керак эди, вақт ўтиши билан бу маъно тарқалди. Шундай қилиб, "Худонинг ўғли" атамаси, худди ёмон одам «шайтон зурриёти» деб аталганидек, мажозий маънога эгадир. Бу мажозий маънода фарисейлар шайтоннинг ўғиллари деб ҳисобланишининг сабаби уларнинг тақво йўлидан адашганликларида бўлган.<sup>200</sup> Луқода бир киши "Иблис"<sup>201</sup> деб аталган, бироқ, ҳаттоки шундай аталган холда ҳам у ҳар нарсада одам бўлиб қолаверган.

---

<sup>195</sup> Ҳаворийлар, 3: 13.

<sup>196</sup> Jbid, 4; 27.

<sup>197</sup> Jbid, 4; 27.

<sup>198</sup> Jbid, 4: 30.

<sup>199</sup> Jesus in Heaven on Earth, p. 106 (The author, Kh. Kamaluddin, is a non-Muslim).

<sup>200</sup> Юҳанно, 8: 39-44.

<sup>201</sup> Луқо, 8: 12.

Юҳанно Инжилида бу муаммо кўп жиҳатдан ёритиб берилган.

Шунда яҳудий дин арбоблари яна Исони тошбўрон қилмоқчи бўлиб, тош ола бошладилар.

– Мен сизларга Отам номидан кўп хайрли ишлар кўрсатдим, уларнинг қайси бири учун Мени тошбўрон қилмоқчисизлар? – сўради Исо. Яҳудий дин арбоблари Унга жавобан:

– Сени хайрли ишинг учун эмас, балки куфрлигинг учун тошбўрон қилмоқчимиз. Сен одам бўла туриб Ўзингни Худо деяпсан! – дейишди. Исо шундай жавоб қайтарди:

– Сизнинг Тавротда: “Мен айтдим, сизлар худоларсиз”, деб ёзилган эмасми? Мана Худо қадимгиларга каломини юбориб, уларни ҳатто худолар деб атаган. Муқаддас Битикни эса бузиб бўлмайди. Шундай экан, Отам Ўзига ажратиб олган ва дунёга юборган Киши “Худонинг Ўғлиман” деса, нима бўпти? Нега сизлар Мени куфрликда айблайсизлар? ”.<sup>202</sup>

Худди шу Юҳанно биринчи мактуби мурожаатида айтадики:

“ Худодан туғилган ҳеч бир киши гуноҳ қилмайди, чунки Худонинг уруғи унинг ичида қолади. У Худодан туғилгани учун гуноҳ қила олмайди. Кимда-ким тўғри иш қилмаса, биродарини севмаса, у Худо зотидан эмас. Худонинг болалари ҳам, иблиснинг болалари ҳам шундан билинади<sup>203</sup>; “Биламизки, бизлар Худоданмиз, бутун дунё эса ёвуз шайтоннинг ҳукмидадир”.<sup>204</sup>

«Худонинг ўғли» атамаси мажозий маънода бўлган деб ҳисоблаш учун яна бир асос бор. Агар бу том маънода шундай бўлганида эди, Исонинг бу эпитетни инкор қилиши учун асос бўлмасди. Луқа ҳикоя қиладики, ҳаттоки яҳудийлар Исодан синедрионда қўйидаги саволни берганида:

“Шунда ҳамма бирданига:

– Демак, Сен Худонинг Ўғлими Исон? – деб сўрашди.

– Ўша Мен эканимни ўзингиз айтдингизлар, – деди уларга Исо<sup>205</sup>.

---

<sup>202</sup> Юҳанно, 10:31-36.

<sup>203</sup> 1- Юҳанно, 3:9-11.

<sup>204</sup> 1-е Юҳанно, 5: 19.

<sup>205</sup> Луқа, 22: 70.

## ТАСЛИС ЖУМБОҚЛАРИ

Худони қандай тушуниш насронийликнинг ўзига хос хусусиятидир. Учлик (таслис), бошидан охиригача жумбоқ бўлиб, Худо аслида бир эканлигини, лекин бир вақтнинг ўзида уч юзда бир-биридан ажралмас эканини англатади. Католиклар энциклопедияси ушбу сирли асосий тушунчани қуйидагича тавсифлайди:

«Учлик насроний динининг Марказий таълимотини белгилаш учун фойдаланиладиган атамадир: ота Худо бор, ўғил Худо бор ва Худо-Муқаддас Рух бор, бунда учта Худо йўқ, битта Худо бор. Бу юзлар замон ва маконда бир; уларнинг барчаси яратилмаган ва тенг кучлидир».<sup>206</sup>

Худо бирдир ва ер юзидаги ҳаётнинг бошидан бошлаб, одамлар борлиқнинг бу буюк ҳақиқатини билишарди. Пайғамбарлар бирин-кетин, Худо Ягона, Қудратли, Ҳамма нарсани билладиган, Мутлақ, Абадий ва Бирликда Ягона эканлиги ҳақидаги буюк ҳақиқатни эълон қилган ҳолда келиб-кетарди. Ҳақиқий мўминлар учун бу савол ҳар доим аниқ эди, лекин мутафаккирлар ва файласуфлар уни ечиб бўлмайдиган жумбоққа айлантirdилар. Фанатик фалсафий ёндашувлар ҳар қандай тушунчага эмас, балки сохта рационал ва иккинчи қўлдан олинган афсоналар ва ривоятларга асосланган Худо тушунчасини шаклланишига олиб келдилар. Бир қанча мутафаккирлар мактаблари бу жумбоқни ечиш устида бош қотирдилар ва турли натижаларга келдилар. Турли эътиқодлар ҳақида мулоҳаза юритар экан, проф. Flinders Petrie айтадики: *"Эрамиздан аввалги 500 йилда унга бўйсунадиган кўплаб худоларга ва қўриқчи-фаришталарга эга бўлган Олий Худо-Яратувчига ишонишган. Кейинги босқичда, эрамиздан аввалги 350 йил Худо Коинотнинг Яратувчиси сифатида, яъни ҳамма нарса Худонинг бир қисмидир ва Худо ҳамма нарсанинг Битта охиридир деб тасаввур қилишарди. Эрамиздан аввалги 340 йилда Худо «Ҳаммаси бирда» ва «Биттаси Ҳаммада» деб тасвирланган. Бироқ, кейинчалик Филон томонидан номукамал ва ўзгарувчан дунё ўзгармас Худодан келиб чиқа олмаслиги ва шунинг учун воситачининг мавжудлигини билдириши кераклиги билан изоҳланган қийинчилик пайдо бўлди. Хулоса шуки, ҳамма нарсанинг*

---

<sup>206</sup> Encyclopaedia Catholica, art: "Trinity"

*Яратувчиси бўлган Худо Уни Ўзининг Ўғли сифатида севган, Кўринадиган ва Ҳис қилинадиган иккинчи Худони яратган. Гарчи инсон ўлиши муқаррар бўлиб, чексиз нарсани тушунолмаси-да, у яратилган Ўғилни тушуниши мумкин эди. Эрамиздан аввалги 332 йилгача биз Худонинг тўнғичи бўлган Яхшилик Рухи, Агат-Иблис каби номларни топамиз".<sup>207</sup>*

Шундай қилиб, тушунарсиз нарсани тушунтиришга уринган ҳолда файласуфлар Худонинг тўнғичи пайдо бўлиши учун шароитлар яратган Воситачи назариясини вужудга келтирдилар. Исо алайҳиссалом Пилатнинг олдига келтирилганда, у савол берди: "Сен яҳудийлар шоҳимисан?" Бунга қуйидагича жавоб эшитди: "Сен шундай деяпсан" (қ. Лука, 23: 3), "Биз, афтидан, «Сен шундай деяпсан» деган бу жавобни инкор қилиш сифатида тушунишимиз лозим."<sup>208</sup> Исо алайҳиссаломнинг бу жимгина инкор қилишига Пилат эътибор беришга мажбур бўлади: *"Мен бу кишида ҳеч қандай айб кўрмаяпман".<sup>209</sup>*

Шундай қилиб, кўриниб турибдики, Библия Исонинг илоҳийлик назариясини қўллаб-қувватламади. У исталган художўй исроиллик билан бир хил даражада Худонинг ўғли ҳисобланган. Оддий одам даражасидан у издошлари томонидан Илоҳий мақомга кўтарилган. Д-р Белшамдан иқтибос келтирамиз:

*"...Инжил таълимотини ташкил қиладиган, Худо маъқуллайдиган кишининг ҳолатидан, бизнинг Худоимиз унинг хато қиладиган издошлари томонидан фаришта даражасига ёки фариштадан ортиқ мавжудот даражасига кўтарилиши гностиклар хатоси бўлган; сўнгра – Дунёни Яратувчи ва Ҳукмдор мартабасига кўтарилиши платонистлар ва арийчиларнинг фикри бўлган; ва охир-оқибат, IV асрнинг охиригача номаълум бўлган афанасиялик таълимотни ифодаловчи Худонинг ўзи билан тўлиқ тенглаштирилган".<sup>210</sup>*

Исо (алайҳиссалом) одамларни Худонинг йўлларига ўргатишга киришган пайтга келиб, Ўрта Ер денгизи бўйлаб стоик-гностик ва платоник элементларнинг яҳудий монотеизми билан бирлашувини ифодаладиган таълимот кенг тарқалганди. Исо келди ва кетди; унинг қисқа муддатли миссияси (унинг давомийлиги бечора насронийлик аниқлай олмади ҳам) кўплаб

<sup>207</sup> Dr. Flinders Petrie (Egypt and Israel, p. 115).

<sup>208</sup> Peak's Commentary on the Bible, p. 722.

<sup>209</sup> Лука, 23: 4.

<sup>210</sup> Universal Theological Magazine, N. S., vol. iii, p.95

тарафдорларни жалб қилди, улар, ўз навбатида, ўзларини ўраб турган метиндек мустаҳкам бутпарастлик қоясини буза олмади. Шундай қилиб, Исонинг миссияси бешиқдаёқ янчиб ташланди ва абадий дафн этилди. Аста-секинлик билан унинг оғзаки нақллари ҳам ўзлигини йўқотди ва бутпараст афсоналар ботқоғига ботди. «Насронийлик бутпарастликни ўзгартирди, бутпарастлик эса насронийликни ўзгартирди»<sup>211</sup> ва тез орада ер юзидаги инсоний Исонинг шахсияти самовий ва Илоҳий характерга эга бўлган Исо билан алмаштирилди.

Тўғри, баъзи черковлар пайдо бўлди, лекин апостол черковлари фақат Қуддусда қолди, тез орада улар ҳам йўқ бўлиб, Антиохияда ва Афлотун фалсафасининг бошқа марказларида<sup>212</sup> параллел черковларга ўз ўрнини бўшатиб берди. Исонинг табиати зиддиятларнинг марказига айланди. Исо шахсиятининг табиатини аниқлаш учун бир уммон сиёҳ сарфланди, аммо афсуски, ушбу сиёҳ Исонинг шогирдлари эмас, балки стоиклар, гностиклар ва платонистларнинг ёзув қуролидан тўкилди. Исонинг портрети ҳақиқатдан бутунлай узоқ бўлмагунча такрор ва такрор қайтадан чизилди.

Черков мутафаккирлари филонизм қурбони бўлдилар ва Исони воситачи (Худо ва одамлар ўртасида) Нус ва Логос қилдилар, чунки фақат шундай мажозий мулоҳазаларгина мажсуийларни жалб қилиши ва шу билан бир пайтда, улар орасида юзага келиши мумкин бўлган эътирозлар эҳтимолини йўққа чиқариши мумкин эди. Conibear ошкора қайд этадики:

«Худо ва инсон ўртасида воситачи ғояси Филон томонидан илгари сурилган ва унинг ўз манфаати учун фойдаланиши асрнинг охирига келиб, Исо Филоннинг сўзларига қараганда Логос, осмондан ерга тушадиган ва яна қайтиб кетадиган Дунё Сўзи бўлган деган фикрни тасдиқлаши билан якун топган».<sup>213</sup>

Айнан шундай шароитларда, ўзини Исонинг шогирди деб атаган Павел, ўзининг энг яши устози «Мен ва Худо бирмиз» деган иборани айтган деб маълум қилган.<sup>214</sup> Дунё Логос (Калима) ҳақидаги таълимотнинг куртаклари Павелнинг айрим хабарларида яхши кўринади (агар умуман бу хабарлар бўлса,

---

<sup>211</sup> Dr. Flinders Petrie (Egypt and Israel, p. 115).

<sup>212</sup> Утверждение католиков о том, что Римская церковь была основана Петром - одним из 12 учеников Иисуса - было разбито Протестантской церковью.

<sup>213</sup> F. C. Conybear, op. cit. p. 335 - Italics mine.

<sup>214</sup> К Филиппийцам, 2: 10.

чунки уларниг аксарияти кейинчалик унга мансуб деб айтилган қалбаки, сохта хабарлар бўлиб чиқди);<sup>215</sup> бироқ умуман олганда, Павелга Учлик ҳақида ҳеч нарса мутлақо маълум бўлмаган.

I асрнинг охирларига келиб, насронийликда иккита рақиб бор эди: бир томондан, ўз триадалари ва Худо ҳақида учлик тасаввурларига эга бўлган митраизм каби мажусийлик динлари, бошқа томондан эса – соф монотеизмга эътиқод қилган иудаизм. Мажусийлик динлари триада эътиқодларига бой бўлган. Вавилон триадаси учта шахс – Ану, унинг ўғли Энлиль ва Энки билан<sup>216</sup>; Рим триадаси - Юпитер, Юнона ва Минерва; ва ниҳоят, семитик триада - Ота, Ўғил ва Она билан ифодаланган. Бу хилма-хил триадалардан ташқари, бир турли Учликлар ҳам кенг тарқалган, масалан, индуистларда - Брахма, Вишну ва Шива; форсларда - Ормузд, Митра ва Ахриман; Мисрда Осирис, Исида ва Гор (ёки Эмпефт, Эйктион ва Пта); халдейларда - Бел-Сатурн, Бел-Юпитер (воситачи) ва Бел-Хом (Аполлон). Сўнги Учлик «Ота» деб аталадиган Олий Худонинг (яхудийча Эл, Бел ёки Митра) учлик тимсоли эди<sup>217</sup>. Бу Учликлар ва триадаларнинг барчаси – шубаҳсиз, насронийлар Учлигининг ўтмишдоши бўлган. Брахманлар ва буддавийлар Учликлари насронийларнинг Учлик тушунчасига жуда ўхшаб кетади. Хопкинснинг ёзишича:

"Учала Учлик диний иборалар сифатида бир хилдир. Уларнинг ҳар бирида Олий Мавжудот ва Ота-Худо бор: иккинчи аъзо бу - инсонга айланиб, Учликнинг учинчи аъзоси шаклида танага эга бўлган Муқаддас Рухдир... Уларнинг учаласи бирдир"<sup>218</sup>.

Индуистлар Учлиги, хусусан, насронийлар Учлиги билан жуда мос келади. У Брахма, Вишну ва Шивадан иборат. Брахма ижодий ибтидони ифодалайди ва санскрит тилида "Ота"<sup>219</sup> деб аталади. Вишну қавмга раҳбарлик қилувчи руҳоний ва пайғамбар сифатида - Кришна тимсолида тасвирланган Брахманинг ўғлидир. Ниҳоят, Шива - Илоҳий Рух, табиатнинг ердаги образидир. Бу илоҳий Тримурти (Учлик), "браҳман муқаддас китобларида айтилганидек, ўз моҳиятига кўра бўлинмас ва амалда бўлинмасдир - инсон фақат унинг руҳи Тангрининг қучоғида дунё

---

<sup>215</sup> Тертуллиан расказываает, что "Деяния Павла" были составлены пресвитером из Азии, осужденным и лишенным сана за самозванство.

<sup>216</sup> H. W. Saggs. "The Greatness that was Babylon", 1969, pp. 329-331.

<sup>217</sup> H. P. Blavatsky "Isus Unveiled", vol. ii, p. 48.

<sup>218</sup> Hopkins, "Evolution and Origin of Religion", p.345.

<sup>219</sup> The Bible in India, charter III, p. 186

руҳи (Брахматма) билан бирлашишга рухсат берилганда тушунадиган чуқур сир".<sup>220</sup>

Ўрта Ер денгизи дунёси қадим замонлардан бери учлик эътиқоднинг бешиги бўлиб келган кўринади. Биринчи Учлик, айтишларича, кароматчи Сезострис (Нимрод)<sup>221</sup> томонидан кашф этилган ва барча кейинги триадалар ёки учликлар фақат битта асосий афсонавий оқимнинг тармоқлари эди. Учлик эътиқодлар бу қадар кенг тарқалиши бутун жумбоқнинг калити бўлиб, уларнинг муртақлари насронийликни заҳарлагани ва охир-оқибат бутунлай бузганлигини исботлайди.

Эътибордан четда қолдирмаслик лозим бўлган яна бир омил бу – худди шу ҳудудда яшаган яҳудийларда монотеистик эътиқод мавжудлигидир. Таврот монотеизмни тасдиқлайдиган амрларга тўла эди. Дастлаб насронийлик ўз муқаддас матнларига эга бўлмаган ва насронийлар диний хизматларида Тавротдан иқтибос келтирганлар; барча ҳолатларда Таврот уларнинг Библияси бўлган. Исо (алайҳиссалом) Исроил уйининг қўйларини ҳимоя қилиш учун келди.<sup>222</sup> Исонинг издошлари эътиқодли яҳудийлар эди, яҳудийлар Библияси эса биринчи бетдан охирги бетгача яқка худоиликни тасдиқлайди. Бу, масалан, қуйидаги жумлалар билан айтилади:

*"...Эгамиз Худодир, Ундан бошқа Худо йўқ"<sup>223</sup>; "Биринчию охирги Мен Ўзимман, Мендан бошқа ҳеч бир худо йўқ!"; "Мен Эгангман, бошқаси йўқ, Мендан бошқа худолар йўқ!"<sup>224</sup>. Чиқиш (20: 3), Қонунлар (4: 39, 5: 7), 2- Шоҳлар (7: 22, 12: 32) ва Тавротдаги бошқа саноксиз оятлар Худонинг ўзгармас ягоналигини таъкидлайди.*

Иудаизмдан чиқиб, насронийлик учун монотеистик ақидаларга муқобил вариант бўлмаган; шу сабабли илк муаллифлар, табиийки, унитаристлар бўлган. Бироқ кейинроқ, ажнабий таъсирлар Инжил ва Тавротнинг соф монотеизмини бузди. Watch Tower жамияти нашридан иқтибос келтириб ўтамиз:

"Яна иккита қизиқарли далил: биринчидан, II асрда Африканинг Карфаген шаҳрида яшаб ўтган Тертуллиан исмли илоҳиёт мутахассиси лотин тилидаги черков ёзувларига "Trinit as"

---

<sup>220</sup> Ibid, p. 187.

<sup>221</sup> H. P. Blavatasky, op. cit., p. 51.

<sup>222</sup> Матто, 10:6.

<sup>223</sup> Қонунлар, 4: 35

<sup>224</sup> Ишаё, 44: 6, 45: 5.

атамасини киритди ва бу тушунча - Учлик (таслис) – муқаддас китобларда учрай бошлади. Иккинчидан, у II асрда яшаган Феофил исмли руҳоний томонидан «Уюшган Дин»га жорий қилинди. 325 йил Никей собори Кичик Осиёдаги Никейда тўпланди ва бу таълимотни тасдиқлади. Кейинроқ бу таълимот насронийлик диний доктринаси деб эълон қилинди ва шу пайтдан бошлаб черков аҳли ушбу мураккаблаштирилган таълимотга амал қилиб келди".<sup>225</sup>

Ҳақиқатда, Инжилнинг барча китоблари Тавротнинг асосида ёзилган ва Худо ҳақидаги қарашларга у ёки бу даражада қўшилган. У ерда ҳам, бу ерда ҳам талқин борасида баъзи ноаниқликларни ўз ичига олган жойлар мавжуд, аммо бу Учликнинг кейинги тарафдорлари томонидан яратилган интерполяция жойларидир. Учлик тарафдорлари кўпинча қуйидаги сўзларни баён қиладиган Юҳаннонинг матнларига ҳавола қилади: *"Шундай қилиб [осмонда учтаси гувоҳлик беради: Ота, Калом ва Муқаддас Рух. Бу учови бир.*<sup>226</sup>

Инжилларнинг барча эски қўлёзмалари орасида бу оятнинг шу кўриниши мавжуд бўлган XV ва XVI асрларга оид юнон тилида ёзилган иккита қўлёзма мавжуд. IV (Codex Sinaiticus) V (Codex Vaticanus) асрларда битилган деб ҳисобланадиган қолган барча 400 ёки ундан ортиқ юнон қўлёзмаларида у умуман йўқ. Бу унинг Библияга тахминан XV асрда киритилганини англатади. Натижада, «Қайта кўриб чиқирилган вариант» тўплашга ҳаракат қилиб кўрилганда бу оятни олиб ташлашга тўғри келди. Ҳозирги пайтда Учлик ҳақида насронийлик таълимоти Инжил томонидан ҳар қандай қўллаб-қувватлаш ёки санкциядан маҳрум. Худди сохта нарсаларнинг аниқ намунаси каби!<sup>227</sup> Машҳур олим эллинист Бенжамин Уилсон бу оятни ўзининг "Эмфатик Диаглот" китобида шундай деб изоҳлайди:

"Илоҳий шаҳодатга алоқаси бор мазкур матн, XV асрдан олдин ёзилган битта ҳам юнон тилидаги қўлёзмаларда учрамайди. Юнон черковига алоқаси бор бирон бир муаллиф буни иқтибос қилмаган: на лотин черковининг оталари, ҳолбуки ўша мавзу устида ишлаётганлар матнларга ҳавола сифатида мазкур

<sup>225</sup> "Let Good be True", New York, 1946, art: "Is there a Trinity?", p. 82.

<sup>226</sup> 1 Юҳанно, 5:7.

<sup>227</sup> Единственным автором IV в., ссылавшимся на подобный стих о Троице, был Присциллиан, испанец, первый еретик, сожженный заживо церковью в 385 г. (F. C. Conybeare, A History of the New Testament Criticism, pp. 69-70). См. также Jos "The Bible - What it is and is not", 1982.

авторитетга ҳавола қилиниши керак эди. Эҳтимол у ёлғондир” <sup>228</sup>

Бу Учлик сирли тушунчасини тасдиқлайдиган ва ҳавола қилинадиган бошқа бир машҳур матн бу: ‘Мен ва Отам – бирмиз’ <sup>229</sup>

Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, «Худо танада пайдо бўлди» ибораси <sup>230</sup> Павелнинг сўзлари асл таржимасини ифодаламайди. Бенджамен Уилсоннинг сўзларига кўра. Деярли барча қадимий қўлёзмалар ва вариантлар бу матнда «Худо» сўзининг ўрнига «ўша, қайсики...» сўзи ишлатилади.

Шундай қабул қилинганди. <sup>231</sup> Таржиманинг ноаниқ эканлиги сабабли, афтидан тасодифий эмаски, "ўша" олмоши "Худо"га айланган. Агар биз мос келувчи матнларни бузиб кўрсатилган ва бунда "Унинг сўзларига қўшма" <sup>232</sup> Инжил стандартидан фойдаланган ҳолда насроний илоҳиёт мутахассисларининг барча ҳийла-найранглари таққослайдиган бўлсак, шундай хулосага келиш мумкинки, илк черковчилар Учликни Исо томонидан маълум қилинган унитар таълимотга қарши насронийлар эътиқодининг энг муҳим ақидаси сифатида эълон қилганликлари сабабли кейинги дин арбоблари эътиқоднинг биринчи бандига дахлдор Муқаддас матнни ўзгартиришга мажбур бўлганлар, чунки у Библияда тасдиқланмаган эди.

Гап шундаки, дастлабки насроний руҳонийлари Муқаддас матндан далил топа олмаганла ҳамда мантиқсиз изоҳларга асосланган илоҳиёт яратиб, Инжил ва Тавротдан ноаниқ жойларни компиляция қилишга мурожаат этганлар. Яҳудийларни мамнун қилиш учун улар монотеизмни сақлаб қолишди, лекин мажусийлар эътирозларидан қочиш учун мажусий Учликларни киритдилар. Улар ҳар икки томон билан ҳам муроса қилишга уринишди. Пировардида Ягона Моҳиятга бўлган Учликка айланган мажусий худоларни қайта кўриб чиқиш ҳам шунга асосланади.

Аввало, Исо илоҳийликнинг чўққисига Павелнинг даврида кўтарилди. Бу Юҳанно Инжилдан кўчирма. Бирок, бу баёнот илоҳиётни дуотеистик қилиб қўйди, бу ҳам мажусийлар, ҳам яҳудийларнинг қаттиқ танқидига сабаб бўлди. Дуотеистик догма

---

<sup>228</sup> Цит. по "Let Good be True", op. cit., p. 84.

<sup>229</sup> Юҳанно, 10:30.

<sup>230</sup> "Let Good be True", p. 86

<sup>231</sup> "Let Jbid.

<sup>232</sup> Ҳикматлар, 30: 6.

учлик яхлит бўлиши учун илоҳнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож эди: бу ерда Исонинг онаси – Марияни қўшишга тўғри келади. У Худонинг онаси сифатида илоҳийлаштирила бошлади. Хопкинс бу ҳақда шундай деб ёзади: "Марияга гипердулия берилганди, у билан Муқаддас Рухни алмаштиришга ҳаракат қилинди ва Исо каноник бўлмаган Инжилларда: "Менинг онам – Муқаддас Рух"<sup>233</sup> деб айтган.

Эрамининг IV асри охирига қадар бу тенденция черков тафаккурида яққол кўринади. Худонинг учлик қиёфасини тўлдириш учун Марияга Исиданинг ролига ўхшаш рол берилди. Ҳатто Эфесдаги черков оталарининг умумий собори ҳам Исо ва Худодан ташқари<sup>234</sup>, Марияни Худо сифатида ҳурмат қилиш ҳақида буйруқ чиқарди. Марияни ҳурмат қилган насронийларнинг маронитлар мазҳаби уни Учликка киритди. Бироқ, "Худонинг онаси" сўзлари ҳақиқий имонлиларнинг қулоғида ҳақоратдай янграганлиги сабабли, кейинчалик бу сўзлар "Муқаддас Рух" билан алмаштирилди. Шунга қарамай, Учлик (ҳозирги маънода) дастлабки икки асрдаги насронийларга бегона эди. Ҳатто "Учлик" сўзи биринчи марта 180-200 йилларда юнон ва лотин тилларидан пайдо бўлди, шунда ҳам бегоналар таъсири остида. Насронийлик ва унга бегона ғоялар ўртасида бундай ғалати иттифоқ пайдо бўлганлиги ҳақида гапирар экан, Робертсон қуйидагига ишора қилади:

"III асрда насроний ота-онадан туғилган Александриялик Аммоний Саккас дин ва фалсафанинг насроний ва мажусий тизимини бўйсунадиган демон (иблис)лар ёки мажозий образлар кўринишида бўлган эски худолар ислоҳотчи сифатида Масих билан қўшничилик қиладиган пантеистик бирликка бирлаштиришга уринган мактабга асос солди. Бу мактаб асосий эътиборни унинг тизими александриялик олимлар орасида кенг тарқалган ва насронийликка унинг ҳар қандай рақибларидан кўра кўпроқ ўхшаш бўлган Афлотунга қаратган. Бу тизим унга кўплаб динлар томонидан тарафдорлар таъминлаган ва насронийлик илоҳиятига ўз таъсирини ривожлантириш имкониятини берган; бу Учлик ҳақида таълимот у орқали кириб келган канал бўлган".<sup>235</sup>

Бироқ, бу сафар тўртала каноник Инжил, апокрифлар каби, бу сиғиниш тарафдорлари орасида кенг тарқалган эди. Гарчи

---

<sup>233</sup> W. Hopkins, op. cit. p. 338

<sup>234</sup> J. M. Robertson "A Short History of Free Thought", p. 148.

<sup>235</sup> J. M. Robertson "A Short History of Free Thought", vol. I, p. 225.

кўнгилдаги мақсадларга эришиш учун фантастик шарҳлардан фойдаланилган бўлса-да, ўша пайтда "Учлик" сўзи Инжилнинг биронта турига киритилмаган ва бундай масалаларда охириги сўз дунё насронийлари йиғилишининг қарорлари бўлган. Ҳопкинс ёзади-ки:

"Учликнинг якуний ортодоксал таърифи сезиларли даражада черков сиёсати масаласидир. У Исо Масихда қанча илоҳий ва қанча инсоний нарсалар борлиги ҳақида чексиз баҳс-мунозаралардан сўнг эришилди: илоҳийлик пайдо бўлганда, у яратилиш, Худонинг эманацияси бўлганми, у Муқаддас Рух билан бир бўлганми; ниҳоят, гностик атамалар овоз бериш йўли билан ҳал қилинган масалалар бўйича барча диний қарама-қаршиликларнинг учлик нисбатларини аниқлаши керакми".<sup>236</sup>

---

<sup>236</sup> W. Hopkins, op. cit. 336.

## ГУНОҲЛАРНИ ЮВИШ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ

Насронийлик ақидаларидан бири – гуноҳларни ювиш ҳақидаги таълимотдир. Насронийлар ғояларига кўра, Одам отанинг гуноҳи кечирилмаган ва биринчи одамнинг авлодлари унинг айбини мерос қилиб олганлар, Исо эса хочга михланиш орқали бутун инсониятнинг гуноҳини ювган. Асрлар мобайнида ушбу таълимот мутахассис-илоҳиётчилар томонидан турли йўллар билан талқин қилинган. Ҳатто биринчи асрларда баъзи илоҳиётчилар бу ақидани мутлақо рад этганлар, бошқалари (масалан, Тертуллиан, Ориген ва бошқалар), Исонинг ўлими иблисга тўланадиган ўзига хос тўлов воситаси эканлигига ишонишди. Бу зардуштийликдан олинган форс ғояси эди, унга кўра Худо ёвузлик худосига бўйсунган ҳолда инсониятнинг гуноҳларини ювади. Баъзилар, бу инсониятнинг нотўғри табиатини тузатиш ва уни жазодан қутқариш учун Худо томонидан ўзини қурбон қилиш деб ҳисоблашади. Ирений каби илоҳиётчиларга кўра, Исо Масих ўз Яратувчисидан Одам Атонинг гуноҳи туфайли узоқлашган одам билан ўзининг хочга михланишига ёрдам берган рекапитулция назариясини илгари суради. Фақат Авлиё Аугустин вақтидан бошлаб дунёни қутқаришнинг Илоҳий режасини назарда тутадиган гуноҳларни ювиш ҳозирги ғояси диний қарама-қаршиликларни бартараф этиш орқали қабул қилинди.<sup>237</sup>

Аслида бу мультитоктринал эътиқод фурсати бўлиб, қуйидагиларни назарда тутайди;

1) Инсон табиатан бузуқдир, Одам Атонинг гуноҳини мерос қилиб олади ва дўзахга маҳкум бўлади;

2) Ҳаддан ташқари марҳаматли эканлиги сабабли Худо бундай вазият давом этиши учун рухсат бермади ва маълум бир тарзда Учликдаги учинчи шахс сифатида унга тенг бўлган инсон воситасида тинчлантирди;

3) У хочда ҳалок бўлган ва бу билан инсониятни гуноҳлардан қутқарган Қутқарувчи сифатида Ўзининг Ўғлини юборган;

4) Бу қурбонлик гуноҳкор инсонни унинг ғазабга минган Худоси билан яраштиради ва уни Тангри билан бирлаштиради.

Бу серқирра масалани унинг ҳар бир жиҳатидан кўриб чиқамиз.

---

<sup>237</sup> См. Encyclopaedia Britannica, art. Atonement.

Биринчидан, инсоннинг Худони ўз элчиси – Қутқарувчини ерга юборишга мажбур қилган дастлабки гуноҳи таъкидланади. Биринчи галда гуноҳ нима эканлигини аниқлаб оламиз. Бу Худонинг амрларини бузган инсон томонидан содир этилган ёмон ишдир. Ҳар бир инсон одамларнинг ахлоқи бошқача эканини тан олади. Баъзи одамлар тақводор, бошқалари беқарор, на бирлари ёвуз ва шафқатсиз; баъзилари гуноҳкор, бошқалари гуноҳсиздир. Бу эса шуни англатадики, дунёга келар экан, инсон ўз хатти-ҳаракатлари билан гуноҳ муҳрини олади, уни мерос қилиб олмайди. Тўғри, Одам ота хатога йўл қўйган, Худонинг ғазабини қўзғатган ва жаннатдан қувиб чиқарилган. Насронийлар Одам ота кечирилмаган ва унинг гуноҳлари авлодларига мерос бўлиб қолган деб ҳисоблашади. Бу назария мантиқсиз ва муқаддас китоб матнларига асосланган эмас; у Павелнинг ёзувларидан олинган эканлиги эҳтимоли юқори. Гуноҳнинг юки бошқаларга ўтказилиши мумкинлиги бутунлай тутуриқсиз кўринади. Томас Пейн бу ҳақида жуда аниқ гапирган: "Агар мен кимгадир пул қарз бўлсам ва уни беролмасам, қарз берувчи эса менга қамоқхона билан таҳдид соладиган бўлса, бошқа киши қарзни ўз зиммасига олиши мумкин. Лекин агар мен жиноят қилсам, ҳамма нарса ўзгаради. Ахлоқий адолат айбсизни айбдор деб ҳисобламайди, ҳатто айбсиз одам буни ўзи таклиф қилса ҳам. Одил суд шундай йўл тутади деб тахмин қилиш унинг тамойилларини йўқ қилиш демакдир. Бу энди адолат бўлмайди. Бу ажратмасдан туриб қасос олиш бўлади".<sup>238</sup>

Насронийлик манбаси иудаизм бўлган ва I асрда Қадимги Аҳд унинг ягона Библияси бўлган. Инжилнинг башоратларига Исо алайҳиссаломнинг миссиясини оқлаш учун мурожаат қилинган. Исонинг ўзи ҳам яҳудийлар муқаддас китобига зид келадиган ҳеч нарса даъво қилмаган. Шу билан бирга, Қадимги Аҳд ҳеч қаерда дастлабки гуноҳ ҳақида эслаб ўтмайди. Худо адашган инсониятни тўғри йўлдан олиб бориш учун кўплаб пайғамбарларни юборган. Иброҳим, Нух, Ёқуб, Юсуф ва бошқа пайғамбарлар солиҳ эдилар. Закариё ва Яҳё Янги Аҳдда ҳам<sup>239</sup> эътироф этилади. Қандай қилиб Худонинг олдида айбдор бўлиб туғилган киши солиҳ бўлиши мумкин?

Инжил ҳеч қаерда одамнинг дастлабки гуноҳни мерос қилиб олиши ҳақида гапирмайди; аксинча, Худо одамни ўз суратида

<sup>238</sup> Thomas Paine (The Age of Reason, p. 22).

<sup>239</sup> Луқо, 1:5-6, 13-15.

яратган<sup>240</sup>. «Ўз суратида» ифодаси деганда нима кўзда тутилади? Инжил Худонинг сурати бўйича яратилган бўлиш табиатан эзгуликни севиш ва ёвузликдан нафратланишни англатади. Инжил Одам отани Худонинг ўғли деб атайди.<sup>241</sup> Худди шу тарзда, Тавротда Худо Одам отанинг ўғли Хобилни кўкка кўтаради.<sup>242</sup> Агар унинг отаси бўлмиш Одам Ато гуноҳкор бўлса ва, насронийлик бизга ўқитганидек, унга ўз гуноҳини мерос қилиб қолдирган бўлса, қандай қилиб Хобил тақводор бўлиши мумкин эканлиги тушунарсиз. Инжил Тавротни алмаштириши ҳеч қачон кўзда тутилмаган, ва Павел Исо Қонунни бекор қилди деганда у Муқаддас Китобдан воз кечганларни доимо инкор қилган Исонинг ҳақиқий таълимотидан кучли қаттиқ четлашади.<sup>243</sup> Исонинг ўзи таъкидлайдики, болалар покиза, бегуноҳ, "Зеро, Осмон Шоҳлиги шундайларникидир". Луқа Инжилидада айтиб ўтиладики, Яхё пайғамбар "У сенга шодлик ва қувонч келтиради, у туғилганидан кўплар хурсанд бўлади"<sup>244</sup>. Бу шуни англатадики, Яхё ҳатто онасининг қорнида ҳам бегуноҳ бўлган. Бироқ Тавротда нафақат пайғамбарлар тақводор деб ҳисобланади. Инжилларнинг умумий қоидаси шуки, Худо тавба қилган гуноҳкорларни кечиради<sup>245</sup>. Фақат Павелнинг ўйдирмалари дастлабки гуноҳ назариясига олиб келади. "Насронийлар этикаси ва Замонавий муаммолар" китобида руҳоний Инге<sup>246</sup> қайд этадики, бу "айниган" доктринасини Павел ифодалаб берган, кейинги илоҳиётчилар эса уни черков таълимотига киритганлар. Гектор Хоутон айтадики: "Дастлабки гуноҳ ҳақида ортодоксал таълимот... Библия матнларида умуман йўқ. Ундаги кўп нарса, шубҳасизки, Павелнинг ёзувларидан олинган"<sup>247</sup>. Епископ Мастер шу қадар кўнгли очиқ эди-ки, қуйидагича таъкидлайди: "Биз дастлабки гуноҳга бошқа ишонмаймиз".<sup>248</sup>

Насроний илоҳиётчилари таъкидлайдики, Худо марҳаматли ва Унда инсониятга нисбатан муҳаббат шу қадар кучлики, уни сўз билан ифодалаб бўлмайди. Айнан шу сабабдан У Ўзининг Ўғлини

---

<sup>240</sup> Ибтидо, 1:27. Ю9.Матто.,1х,63

<sup>241</sup> Луқа, 3:38.

<sup>242</sup> Ибтидо, 4:4.

<sup>243</sup> Марк, 7: 8-9. Н3.Матто. 19:14.

<sup>244</sup> Луқа, I: 15.

<sup>245</sup> Луқа, 15:7.

<sup>246</sup> W.R.Inge, p.55.

<sup>247</sup> The Thinker's Handbook, p. 94.

<sup>248</sup> The Christianity of Tomorrow, 1929, p. 52.

дастлабки гуноҳ тамғасини ювиш учун жўнатган. Худони бундай тушуниш Қудратли Тангрини ўз қабиласини қутқариш учун ўз тасвири, ўғли ёки ҳатто тимсолини қурбон қилган мажусийларнинг афсонавий маъбудларига айлантиради. Мажусийларнинг афсонавий маъбудлари ўз қабила ёки кланларига қутқарувчилар юборган, насронийлар таълимотига кўра эса, Худо Ўзининг Ўғлини фақат Исроил уйининг адашган қўйларини қутқариш учун юборган<sup>249</sup>. Шундай қилиб, Исонинг миссияси универсал эмас, балки маълум бир халқ билан чегараланган<sup>250</sup>.

Дарҳақиқат, Худо доимо инсониятга нисбатан марҳаматли бўлиб келган ва бир неча марта одамларга тўғри йўлни кўрсатиш учун ўз пайғамбарларини юборган. Библияда айтилишича, исроилликларнинг кўпчилиги Илоҳий йўлдан адашганда Худонинг ғазаби уларга шу қадар қаттиқ куч бўлиб зарба бўлиб тушди-ки, оламни сув босишида У бир нечта одамни истисно қилганда, ўша пайт мавжуд бўлган бутун дунёни ҳалок қилди; бу оммавий қирғин ер шарининг бошқа аҳолисига ҳам Исроилнинг адашган қўйларидан кўпроқ дахл қилди. Исо аҳоли зичлиги оламни сув босиш давридагидан анча катта бўлган даврда келганди. Насронийлар Худоси сув босиш вақтида ўзининг бебахт қавмига раҳм қилиши лозим бўлган деб ўйлаш мантиқан тўғрироқ бўларди. Нима сабабдан У охир-оқибат Ўзининг Ўғлини нажоткор сифатида, шунда ҳам фақат Исроил уйи учун жўнатди? Умуман олганда, таълимотнинг бу диний ақидаси бутунлай бемаъни бўлиб кўринади, чунки бундай ҳолат ҳеч қачон халоскор эканлигини эълон қилмаган ва оммавий нажотни ваъда қилмаган Исо Масих ваъз қилган қудратли Худога муносиб бўлмаган. Аксинча, у шогирдларидан тавба қилишни сўраган, "чунки Осмон Шоҳлиги яқинлашди"<sup>251</sup>. Бундан ташқари, Худонинг ягона туғилган ўғли ва насронийлар Учлигининг иккинчи юзи деб номланган Исо Масих Нажоткор бўлиш учун Худонинг элчиси сифатида ерга келиб, инсониятнинг гуноҳларини қутқариш учун Илоҳий режага кўра хочга михланган деб ҳисобланади. Исонинг

---

<sup>249</sup> Матто, 10:5-6.

<sup>250</sup> Самое раннее Евангелие - от Марка. В нем миссия Христа ограничена евреями. Последние 12 стихов, в которых просматривается прозелитизм, являются позднейшей фальсификацией. Хотя, он и говорил, что является спасителем всего человечества, Иисус называл, тем не менее, другие народы псами, поскольку для него избранными были только евреи.

<sup>251</sup> Матто, 4: 17. 122-К галатам, 3: 13.

Худонинг ўғли эканлиги Библиянинг кўп жойларида айtilган. Юқорида айтиб ўтилганидек, "Худонинг ўғли" унвони унинг солиҳлиги учун берилган ва "Худонинг бандаси" ибораси каби истиора тарзида тушунилиши керак.

Филон каби файласуфларнинг ҳаёллари Худо ва одамлар ўртасида воситачилик мавжудлигини яратди; бу ҳолда нажоткорнинг роли Исога берилди. Бироқ, бу фикр мантиқий эмас, чунки Инжил таълимоти бу эътиқодга зид келади. Агар Исо қурбонлик ўлимига ҳукм қилинганлиги сабабли инсониятнинг қутқарувчиси бўлса, унинг вазифаси Исроил халқи билан чегараланмаган бўлар эди ва у қонунга қатъий риоя қилишни талаб қилмаган, тақвосиз ишлар учун тавба қилишни сўрамаган бўлар эди. У Худо томонидан лаънатлангани ва уч кун жаҳаннамга равона бўлгани унинг обрўсига доғ туширмайдими? Насронийлар Исо Илоҳий режага асосан хочга михланганлигига ишонишади. Агар шундай бўлса, Исо ўз миссиясининг бошида хочга михланиш кутилаётгани ҳақида билганми ёки бу роль унга кетганидан кейин сохта шогирдлари томонидан мансуб деб айtilганми, ёки Тавротда Иегованинг инсоният гуноҳларини ювиш учун Нажоткор юборишга берган ваъдаси бор ёки йўқлиги қизиқиш уйғотади<sup>252</sup>. Масаланинг моҳияти шундаки, у қатл этилиши ҳақида охириги кун билиб олади. Луқанинг хотирлашича<sup>253</sup>, яқинлашиб келаётган таҳдидни бартараф этиш учун Исо шогирдларига ҳатто кийимларини сотиб бўлса ҳам, қилич сотиб олишни буюрди ва улар иккита қилич борлигини айтганда, у уларга деди; "етарли". Бу эса унинг ўзини ҳимоя қилишни хоҳлагани ва ҳужумга тайёр бўлганлигини англатади. Проф. Пфлайдерер бу ҳақида айтадики: "Агар Исо ҳаётининг сўнгги оқшомида қотилликдан қўрққан ва уни қўлида қурол билан қарши олишга тайёргарлик кўрган бўлса, демак у ўзининг хочда ўлишини билиши ва башорат қилиши мумкин эмасди; бу башоратлар унга фақат ретроспектив тарзда мансуб қилиб қўйилган"<sup>254</sup>. Луқонинг ҳикояси Исонинг гўёки Илоҳий режага кўра қутқариш учун қурбонлик сифатида хочга михланиши ҳақида олдиндан билган эканлиги ҳақида ҳар қандай даъволарни рад этади.

---

<sup>252</sup> Луко, 22: 37.

<sup>253</sup> Луко: 22: 36-38. Pfeleiderer (Origins of Chris-tianity - - цитата по J. M. Robertson).

<sup>254</sup> Christianity and Mythology

Бу яҳудийларнинг фитнаси эди ва Исо ўз тақдири ҳақида қайғурди. Агар ҳамма нарса у режалаштирган тарзда кетганида ва Исо бу ҳақида билганида эди, у ҳеч қачон бундай олижаноб мақсад учун ўз ҳаётини қурбон қилиш учун ўйланиб ҳам ўтирмасди ва Худодан бу қисматдан қутулиб қолишни сўрамаган бўларди<sup>255</sup>. Агар бу Илоҳий режа бўлса, у ҳеч қачон "Елои, Элои, Ламма саваҳфани" сўзларини айтмаган бўларди"<sup>256</sup>.

Бу Исонинг ҳақиқий таълимоти ҳеч қачон Нажоткорнинг ролини назарда тутмаган деган маънони англатади. Гап шундаки, Ўрта Ер денгизи Масих даврида Нажоткор ҳақидаги афсоналар билан тўлиб-тошган, у ерда пайдо бўлган ҳар қандай дин уларнинг таъсирини бошидан кечирган. Юнонлар эътиқодидан форслар эътиқодига қадар бўлган деярли барча эътиқодлар Нажоткорга сиғиниш муртақларига эга бўлган. Бир неча қадимий маъбудлар, афсонага кўра, инсониятнинг нажоти учун хочга михланган эди - Кришна ва Индра бу олижаноб миссия учун ўз қонини тўқди; Хитой худоси Тянь, Осирис ва Горе дунёни қутқариш учун ўзларини қурбон қилдилар, Адонис бу мақсад учун ўлди. Прометей, инсониятнинг энг буюк ва энг қадимги хайр-эҳсончиси, Кавказдаги тошларга<sup>257</sup> занжирланган. Митра, форс эътиқодларига кўра, Олий Худо ва инсоният ўртасида воситачи бўлган. Унга унинг қони инсониятни қутқарган ўлаётган Худога каби ишонишган<sup>258</sup>.

Худди шу тарзда Дионис ҳам инсоният Нажоткори деб аталган. Ҳаттоки узоқ Мексикада ҳам ишонишганки, "Кетцалкоатлнинг хочдаги ўлими" аслида "инсоният гуноҳларини ювиш" бўлган<sup>259</sup>. Эдвард Карпентер қайд этишича:

"Бу мисоллар нажоткор ҳақида таълимот дунё каби қадимги ва бутун дунёда кенг тарқалганлигини, насронийлик эса уни фақат ўзлаштиргани... ва унга ўзига хос тус берганини исботлаш учун етарли. Шундай қилиб, Нажоткор ҳақидаги насронийлар доктринаси бу - Масих таълимотига асосланмаган мажусийлар сиғинишларининг аниқ нусхаси"<sup>260</sup>.

---

<sup>255</sup> Марк, 14:36.

<sup>256</sup> Марк, 15:34.

<sup>257</sup> Edward Carpenter (Pagan and Christian Creeds)

<sup>258</sup> Peak's Commentary on the Bible, p. 632.

<sup>259</sup> Mexican Antiquities, vol. VI, p. 95.

<sup>260</sup> Edward Carpenter, op cit.

Ниҳоят, Исо ҳақиқатда ҳам хочга михланиш орқали ўлимни қабул қилганлигини кўриб чиқамиз. Хочга михланиш ҳақиқатининг ўзи жуда зиддиятли. Инжилчилар маълум қиладики, яҳудийлар Масихни хочга михлаб, унинг шогирдларини таҳқирлаган, Муқаддас китобга кўра, у хочда шармандали ўлим топган. Ҳаворийларнинг ҳеч бири унинг ўлим вақтида мавжуд бўлмаганлиги сабабли, улар сўроқлардан қочиб, афсоналар тўқишга мурожаат қилишган. Шундай қилиб, улар нафақат яҳудийларнинг хочга михланиш ҳақидаги иддаоларини тан олишган, балки ўзларидан доғни олиб ташлаш учун хочга михланишни ўз эътиқодининг асосий тамойилига айлантирган. Ф. К. Конибер қайд этадики:

"Ўша пайтдан бери хочга михланиш энди ҳеч ким уялмаган. - Павел уни очикдан-очик улуғлаган, тўртинчи Инжил муаллифи эса уни Исо улуғворлигининг якуний исботи деб билган"<sup>261</sup>.

Исо яҳудийлар томонидан хочга михланганлигини ҳеч қандай қўшимча шартларсиз қабул қилиб, у бундай тақдирга дучор бўлган ягона Пайғамбар деб айтиш мумкин эмас. Яҳудийлар томонидан ўлдирилган бошқа турли пайғамбарлар рўйхати худди шунда нуқтаи назардан кўриб чиқилиши керак.

Исога ва ҳозирги каноник Инжилларга бегона бўлган гуноҳларни ювиш ҳақида таълимот кейинроқ қабул қилинган ва унинг ҳозирги шаклида насронийликдан олдинги митраистик ва бошқа мажусий сиғинишларга асосланган деган хулосага келиш мантиқан тўғри бўларди. Акс ҳолда, бу диний ақида мутлақо асоссиздир. Черков доиралари янада оқилона бўлишига қарамай, улар бундай эмаслигини ҳис қилишди. Британия ва Америка епископларининг Ламбет конференциясида гуноҳларни ювиш ҳақида таълимот Худони номуносиб тушунишга асосланган сифатида рад этилди. Ушбу конференцияда епископ Мастерман аниқ қилиб айтди-ки:

"Масихнинг ўлими туфайли Худонинг (одамларга) муносабатини ўзгартириши ҳақидаги ҳар қандай фикрни биз илоҳиётимиздан узил-кесил, тамомила чиқариб ташлашимиз керак"<sup>262</sup>.

---

<sup>261</sup> F. C. Conybear (Myth, Magic and Morals).

<sup>262</sup> The Christianity of Tomorrow.

## ЕВРАХРАСТИЯ

Евхаристия - Исонинг ўз шогирдлари билан охирги сирли оқшом хотирасига бағишланган насронийликнинг яна бир асосий сиридир. Бу эътиқодга кўра, Исонинг издошлари томонидан маросим пайтида татиб кўрилган нон ва шароб, унинг гўшти ва қони рамзини ифодалайди, бу Масих билан руҳий бирликка олиб келиши керак эмиш.

Евхаристия пайдо бўлиши замонавий насронийлик асосчиси бўлган ва бу кўрсатмани Худодан олганман деб баёнот берган Павелнинг экстатик фикрлашларига асосланади. Ваҳий ҳақида бу фикр шуни яққол кўрсатадики, "причастие" на ҳаворийлардан, на Исонинг таълимотидан келиб чиқади. Павелнинг ёзувларидан ташқари, у ҳам дастлабки учта муқаддас Инжилга киритилган, гарчи улардаги атамалар турлича бўлсада. Умуман олганда, бу сирнинг тавсифи келтирилган тўрт муқаддас матнда у ҳақида қуйидагича ҳикоя қилинади.

Танқидий таҳлилга кўра, Павел бу маросим орқали Инжил ривоятларига кириб келган ягона манба эди. Умумий келишувга кўра, Маркнинг каноник Инжили Павелнинг ғояларига биринчи бўлиб таъсир қилган. Матто ва Луқо унинг намунасига эргашдилар. Марк Павелнинг жамиятида бир оз вақт ўтказди ва, албатта, Павелнинг хабарлари (ёки уларнинг кейинги тахрирлари) унинг қўлига тушиб, унинг ҳикоясига қўшилди. Луқонинг иборалари ҳам ҳатто Павелнинг ибораларига ўхшайди, бу унинг нусхаси каби кўринади. Павел фойдаланган манбаларга келсак, бу илоҳий ваҳийлар эмас, балки мушрикларнинг кучли таъсири остида бўлган эътиқодлар. Филон Логосни "Раббимиз қадаҳи"даги<sup>263</sup> нон билан боғлиқ атамаларда тушунтириб, евхаристик қарашларни билдирган, деб хабар қилинди, яҳудийларнинг ессей мазҳаби ҳам нон ва сув татишдан<sup>264</sup> иборат шунга ўхшаш байрамни нишонлаган. Худди шундай тарзда, Миср терапевтлари (мухлислар) ҳар эллигинчи куни нон ва сувдан муқаддас ноз-неъматларни ейишди. Яҳудийлар фарисей мазҳаби ҳам бундай байрамни Худога сажда қилиш ва у билан мулоқот қилиш белгиси сифатида нишонлаган. Бу маросимлар, эҳтимол, маълум даражада масиҳийлар томонидан ўзлаштирилган. Бундан

---

<sup>263</sup> F. C. Conybear, *op. cit.*, p. 271.

<sup>264</sup> *Ibid.*

ташқари, бошқа кўплаб бутпараст сиғинишлар ҳам бу сирни ўз ичига олган. В.Уиллямсон ёзади:

"Қадимги мисрликлар Осириснинг қайта тирилишини қоҳин томонидан муқаддаслаштирилган сув ёки пирог еган ҳолда нишонлаган"<sup>265</sup>.

Узоқ Мексика ерида нишонланган "Буюк кечки овқат"да одамлар Худосининг танасини егандай бўлган<sup>266</sup>. Британия Энциклопедиясида Юнонистонда Дионис шарафига бундай байрам ҳақида хабар қилинади<sup>267</sup>. Митраизмга – насронийликдан олдинги дин ва унинг прототипига –келадиган бўлсак, бу ерда евхаристик маросим дин ва эътиқод атрибутлари орасида муҳим роль эгаллаган<sup>268</sup>. Аттис тарафдорлари орасида ҳам бундай амалиёт тарқалган. Бу маросимнинг бутун дунё бўйлаб кенг тарқалганлиги туфайли насроний илоҳиётшунослари уни ўз кун тартибига қўймаслиги мумкин эмасди. Бу борада Конибер ёзадики:

"Насронийлар, бутпарастликка қаршилик кўрсатиш учун, улар агарес маросимига қарши қўйиш учун ўзининг сирли оқшомига эга бўлишлари лозим эди"<sup>269</sup>.

Бутпарастларнинг бу одатидан нусха кўчириб, насронийлар биронта детални кўздан қочирмаганлар: насронийлардаги Худонинг дастурхони бу мажусийларнинг шаклан ўзгарган «иблис дастурхони»дир. Бу бадиий нусха кўчириш фақат Павел даҳоси томонидан амалга оширилиши мумкин бўлиб, буни у Илоҳий ваҳий кўриниши остида тақдим этган. Конибернинг қайд этишича: "Унинг режаси амалга ошди ва асрлар давомида "причастие" ўз атрофида яҳудийларнинг ҳам, мажусийларнинг ҳам қоҳинлари уроф-одатлари, маросимлари ва тушунчаларини тобора кўплаб тўплаган раг excellence насронийлар қурбонлиги бўлган". Жиддий айтганда, Худонинг ёки инсон-худонинг танаси ва қонини ейиш ғояси табиатан ўта ёввойи бўлиб, ривожланган ақл соҳиблари учун нафратини кўзғатиб, Исо Масиҳнинг пайғамбарлик таълимотида доғ бўлиб кўринади. Бироқ афсус! Бебахт насронийлик, афтидан, буни ҳатто ривожланган даврда ҳам англаб етмаган ва конгрегация ибодатларида маросим бир

---

<sup>265</sup> The Great Law of Religious Origins, p. 177.

<sup>266</sup> Mexican Antiquities, vol. vi, p. 220.

<sup>267</sup> Encyclopaedia Britannica, art. Orpheus.

<sup>268</sup> Edward Carpenter, op. cit., p. 51.

<sup>269</sup> Conybeare, op. cit., p. 276. Hl.Jbid.

неча марта уялмасдан такрорланади.

## ЧЎҚИНТИРИШ

Чўқинтириш - бу насронийликни қабул қилувчи барча одамлар гуноҳлардан тозаланиш учун уч марта сувга чўмиш маросимидир. Бу қайта тикланиш ва қайта туғилиш воситаси деб ҳисобланади ва насронийлар чўқинтиришдан сўнг, барча гуноҳлари юкини ташлаб, одам янги дунёга киради ва янги ҳаёт олади, деб ишонадилар: "Агар кимдир сув ва Рухдан туғилмаса, Худонинг салтанатига кира олмайди"<sup>270</sup>. Боланинг туғилишидан бироз вақт ўтгач, у яқин атрофдаги черковда чўқинтирилади, у ерда руҳоний бу маросимни қуйида келтирилганга ўхшаш дуо билан бажаради:

"Эй, раҳмдил Худо! Бу боладаги эски Одам дафн этилиб, унда янги одам туғилсин; ундаги барча шаҳвоний истаклар ўлиб кетсин, Рухга тегишли барча нарсалар келиб, унда порласин"<sup>271</sup>.

Бошқа маросимлар сингари, насронийлар чўқинтириши ҳам қадимий мажусийлар сиғинишларининг акс-садоси ҳисобланади. Чўқинтириш Ўрта Ер денгизи қадимги тамаддунларининг кўпчилигида кенг тарқалганди. Ж.Харрисоннинг айтишича: "Иккинчи туғилиш маросими жуда машҳур, у ёввойи халқлар дунёсининг ярми учун умумийдир. Туғилиш билан у дунёга киради; иккинчи туғилиш билан ўз қабиласи учун туғилади. Биринчи туғилишида у онага ва аёлларга тегишли бўлиб, иккинчи туғилишда тўла ҳуқуқли эркакка айланади, ўз қабиласининг жангчилари жамоасига киради"<sup>272</sup>.

Қадимги тамаддунларда бу уйғониш кўпинча ҳиндлар каби дарёнинг қирғоғида ёки митраизмда бўлгани каби сувга чўмиш ёки юнонлар каби танани тозалаш ёки зардуштийлар каби узоқ муддатли оғриқли синовлардан ўтиш орқали содир бўлган. Ҳатто, машҳур Миср маъбудаси, Исиданинг энг қадимги ибодатхоналарида чўқинтириш хоналари бўлган. Rationalist Encyclopaedia хабар берадики: "Чўқинтириш браҳманик ва форс динларида кенг тарқалган ҳамда Миср ва юнон империяларида фойдаланилган. Улардан яҳудийлар кейинчалик прозелитлардан чўқинтириш амалиётини ўзлаштиришди ва илк масиҳийлар уни юнон ва яҳудийларнинг иккала манбасидан ҳам ўзлаштиришди"<sup>273</sup>. Чўқинтириш яҳудийлар учун муқаддас

<sup>270</sup> Юханно 3: 5; Галатияликларга, 2: 12.

<sup>271</sup> Цит; по Edward Carpenter "Pagan and Christian Creeds"

<sup>272</sup> Miss J. Harrison (Ancient Art and Ritual, pp. 104-5).

<sup>273</sup> Rationalist Encyclopaedia, p. 48.

маросим эди. Яхё Чўқинтирувчи томонидан Исо Масих устидан содир этилган бу маросим деярли барча Инжилларда тасвирланган. Яхё шунингдек, назаретликларнинг сувда амалга оширилган бир хил маросими борлигини ҳам айтади. Яхёнинг издошлари Сабей деб номланишган, бу Эрнест Ренанга кўра, "чўқинтирувчи"<sup>274</sup> деган маънони англатади. Марк шунингдек, Яхё Чўқинтирувчи яҳудийларни сувда чўқинтиргани ва Исонинг ўзи ҳам шундай чўқинтирилгани ҳақида ёзади<sup>275</sup>. Бироқ яҳудийлар учун Худо билан тузилган шартноманинг рамзи чўқинтириш эмас, балки суннат эди. Насронийлар бу абадий шартномани буздилар ва уни чўқинтириш маросими билан алмаштирдилар.

Жиддий айтганда, афтидан, I асрда чўқинтириш насронийлар орасида оммавий бўлганининг ҳеч қандай далил-исботи йўқ, чунки Павел атиги бир неча кишининг чўқинтирилгани ҳақида ёдга олиб ўтади. У ёзадики: "Мен Стефан уйини чўқинтирганман, яна кимнидир чўқинтирганманми, йўқми, билмайман. Чунки Масих мени чўқинтириш учун эмас, воизлик қилиш учун жўнатган"<sup>276</sup>. Фақат II асрда чўқинтириш насронийликка кириб борган. Авваллари бундай маросимларда фақат сувдан фойдаланилган, лекин кейинроқ, насронийлар назаретликлардан фарқ қилиши учун сув Муқаддас Рух билан алмаштирилган. Насроний-семитлар "мамудит" атамасидан фойдаланган (сувда устун каби туриш), бу эса бгунги кунда тушунилган маънода чўқинтириш билан ҳеч қандай алоқаси йўқ. "Чўқинтириш" сўзи аслида Яхё Чўқинтирувчи тушунгани билан таққослаганда умуман бошқача маънога эга. Бу ерда насронийча чўқинтириш – Авлиё Яхёдаги чўқинтириш билан бир хилдир деган кишиларни черковдан четлатган Трент собори ҳақида ёдга олиб ўтиш жоиз.

Илк босқичларда бу маросим Библия билан боғлиқ ҳеч қандай асосга эга бўлмаган. Тез-тез иқтибос келтириладиган Инжиллар матнлари - кейинги таҳрирда: "Ва, яқинлашиб, Исо уларга деди: менга осмонда ва ерда ҳар қандай ҳукумат берилган; шундай экан, боринг, Ота ва Ўғил ва Муқаддас Рух учун чўқинтириб, уларни Мен сизга буюрган нарсаларга риоя қилишга ўргатиб, барча халқларни ўқитинг; Мен сиз билан асрлар якунига қадар бўламан. Амийн"<sup>277</sup>. Евсевий, император Константин унга 50 нусха

<sup>274</sup> Earnest Renan, Life of Christ, ch. vi.

<sup>275</sup> Марк, 1:4,5,9.

<sup>276</sup> 1-е Коринфянам, 1: 16-17; там же см. 14, 15.

<sup>277</sup> Матто, 28:18-20

Библия тайёрлашни буюрган епископ Цезарейский инжиллар канонлаштирилган 325 йилгача матн қуйидагича бўлганлигини хабар қилади: "Сиз боринг ва шу сабабли Менинг номимдан барча халқлардан шогирдлар тайёрланг"<sup>278</sup>. Адольф Харнак, машҳур протестант илоҳиётчи, у ҳам бу матнни кейинги сохта матн сифатида инкор қилган: "Исо чўқинтиришни жорий қилганини тўғридан-тўғри исботлашнинг имкони йўқ, чунки Матто келтирган сўзлар (28: 19) Худонинг ҳикматли гаплари эмас"<sup>279</sup>. Шуниси ҳам қизиқки, кўриб чиқиладиган матн Ота ва Ўғил ва Муқаддас Рух учун чўқинтиришга мансуб, барча илк кўлёмаларда бундай бўлмаган, таъкидлайди Евсевий. Адольф Харнак ҳам кўрсатадики, "бу учлик формула Исонинг оғзи учун бегона ва ҳаворийлар даврида агар у Исодан келиб чиқадиган бўлганида эга бўлиши лозим бўлган обрўга эга бўлмаган"<sup>280</sup>. Бизнинг эътиборимизни жалб қиладиган бошқа бир жиҳат бу умумий насронийлик илоҳиётшунослигида чўқинтириш сирлари доимий эмаслигидир. Чўқинтириш, у ҳозирда тушуниладигандек, шуни англатадики, Муқаддас Рух, Учликнинг учинчи аъзоси сифатида инсонга киради ва ундан гуноҳларни олиб ташлайди. Агар буни қабул қиладиган бўлсак, худди шу инсон ҳаётининг кейинги босқичида иблис Муқаддас Рухни қандай қилиб ҳайдагани ва одамни васвасага солиб гуноҳга чорлагани тушунарли эмас. Савол туғилади: иблис Муқаддас Рух ижро қиладиган ва қўриқлайдиган одамни васвасага солиши ва уни шайтонга айлантириши мумкинми? Номуносибликка қандай ажойиб мисол!<sup>281</sup>. Шундай қилиб, тамомила тушунарлики, чўқинтириш тикланиш ёки инициация мажусий маросимларининг давоми ва асло Исо (алайҳиссалом) таълимотига асосланмаган.

---

<sup>278</sup> Цит. по F. C. Conybeare "History of the New Testament Criticism", p. 75.

<sup>279</sup> Adolf von Harnack (History of Dogma, vol. i, p. 79).

<sup>280</sup> Adolf von Harnack, op. cit.

<sup>281</sup> Для сравнения см. "К евреям", 10: 26-29.

## РОЖДЕСТВО – МАЖУСИЙЛАР БАЙРАМИ

Рождество – насронийлар томонидан Исонинг таваллуди хотирасига нишонланадиган ҳар йилги месса (ибодат). Мажусийлар сиғинишларидан ўзлаштирилган бошқа байрамлар каби, Рождество ҳам келиб чиқиши билан Исога миннатдор бўлиши керак эмас, у мажусийлар маросимларининг давом этиши ҳисобланади.

Тўртала Инжил, шунингдек, каноник Библияга киритилган Ҳаворийларнинг Ҳаракатлари ва Хабарлари ҳам Исонинг туғилган санаси ҳақида жимдир. Фақат иккита Инжилда, (Луқодан ва Матто) отасиз ҳомиладор бўлиш воқеаси ёдга олиб ўтилади, лекин уларда ҳам аниқ туғилиш санаси кўрсатилмаган. Луқонинг хабар қилишича, Исо туғилган тунда Иудея яқинидаги ўтлоқларда очиқ осмон остида бўлган чўпонлар олдига фаришта билан бирга Худони шарафлайдиган ва «Парвардигори олам Худого шукурларким, ер юзида тинчлик ва одамларда мурувват» деб хитоб қилган кўп сонли осмон лашкари келди<sup>282</sup>. Бу фикр, агарда тўғри бўлса, шуни англатадики, Исо ёзда, чўпонлар ўз подаларини далада қўриқлайдиган пайт туғилган. Клемент Александрийский – энг дастлабки обрў-эътибор қозонган насронийлардан бирининг фикрига кўра, Василидианлар Исо мисрликлар томонидан Фармути деб аталадиган ойнинг, яъни апрелнинг 24 ёки 25 санасида туғилган; бошқа бир насронийлар сектаси таъкидлайдики, унинг туғилиши Август Цезар ҳукмронлигининг 28-йили пахон ойнининг 25-санасида рўй берган, бу 20 майга мос келади<sup>283</sup>. Клементнинг ўзига келадиган бўлсак, Исо Масихнинг таваллуд санасини 18 ноябрь деб белгилаган<sup>284</sup>. Черков Киприаннинг асарлари орасида топилган, 243 йил ёзилган қисқа рисолага эга бўлиб, унда атилишича, Исо 28 мартда туғилган<sup>285</sup>. Дж. Робертсон ёзадики: "Бир нечта секта узоқ вақт давомида унинг туғилиши 24 ёки 25 апрелга тўғри келади деб туриб олган..., бошқалар эса буни 25 май деб атаган; шарқ черковларининг катта қисми эса асрлар мобайнида бу санани 6 январда нишонлаб келган"<sup>286</sup>. Дастлабки уч аср давомида бу

---

<sup>282</sup> Луко, 2: 13, 14.

<sup>283</sup> Hasting's Encyclopaedia of Religion and Ethics, vol.3, p. 603.

<sup>284</sup> Jbid.

<sup>285</sup> Jbid.

<sup>286</sup> Jbid.

байрам черков томонидан нишонланмаган, лекин насронийликка юнон-рим мажусий сиғиниш элементлари кириб келгач, бу маросим ҳам осонлик илан йўл топган. Racionalist Encyclopaedia хабар беришича: "Дастлабки паллалардан римликлар қадимги маҳсулдорлик маъбудлари шарафига Сатурналийни байрам қилган, бунда совғалар, шамлар ва қўғирчоқлар қўйилган... Юқори этика характеридаги Қуёшга сиғинишни таъсис этган Император Аврелиан (270-276) ҳукмронлик қила бошлаган пайтдан буён, 25 декабрь уларнинг тақвимида машҳур санага айланди ва Енгилик Қуёш туғилган сана деб расман ҳисоблана бошлади"<sup>287</sup>.

Насронийлик Римской империясида расмий динга айлангач, у ушбу байрамга расмий характер бахш этди ва уни маросимлар билан боғлиқ ақидага айлантирди. Тахминан 530 йил скифлар роҳиби, ҳикоя қилишларича, астрономия билан яхши таниш бўлган Дионисий Экзигуусга (Дионисий Заиф) – Исо туғилган кун ва йилни аниқлаш топширилди<sup>288</sup>. Шу аснода, бу ҳодиса ҳақида тўғридан-тўғри маълумотлар йўқ эди. Инжиллар ҳам бу борада сукут сақлайди. Каллаварам католикларнинг таъкидлашича, илк даврларда рождество байрами 6 январда нишонланган ва 353-354 йилларда Либерия папаси уни 25 декабрга кўчиради. Замонавий тадқиқотлар бу фикрни инкор қилади ва эндиликда ушбу байрам насроний черковлар томонидан IV асргача умуман нишонланмаган деб ҳисобланади. 389 йил император Валентиниан расмий байрамлар ҳақида фармон чиқарди, бу байрамлар орасида фақат якшанба ва Пасха бор эди<sup>289</sup>. Шундай қилиб, Дионисий Экзигуус черков томонидан таяниш мумкин бўлган бирон нарсага эга бўлмаган. Натижада роҳиб-астроном ўзбошимчалик билан қарор қабул қилди ва рождество 25 декабрда нишонланиши керак деб ўзича белгилади. Бу воқеанинг умумий нишонланиши 534 йил, илк судлар уни "dies поп" деб топганда рўй берди. Бироқ, шуниси қизиқки, ҳозирги кунда жуда оммавий бўлган "рождество" сўзи XI асргача асло қўлланмаган<sup>290</sup>.

Дарвоқе, Ўрта Ер денгизиди 25 декабрь доимо муҳим сана бўлиб келган. Насронийликдан олдинги даврда бу кун кўплаб

<sup>287</sup> Racionalist Encyclopaedia, p. 102.

<sup>288</sup> Edward Carpenter, op. cit.

<sup>289</sup> Hasting's Encyclopaedia, op. cit., p. 601.

<sup>290</sup> Racionalist Encyclopaedia, p. 102.

мажусий динларда муқаддас ҳисобланган. Қадимги халқлар қишки қуёш туриши вақтида қуёш осмон бўйлаб ўзининг юришини бошлайди ва шу сабабли 25 декабрь унинг туғилган куни деб ҳисоблаган ва мажусийлар дунёсининг кўплаб қисмларида – Хитой, Ҳиндистон, Форс, Миср, шунингдек, қадимги Юнонистон, Рим, Германия, Скандинавия, Британия, Ирландия ва Америкада нишонланган<sup>291</sup>.

Кўплаб Қуёш худолари тахминан шу кун (1-2 кун фарқ билан) туғилган деб ҳисобланади; Митра 25 декабрда, Исида ва Осирис, Гор ва Аполлон – йилнинг 362-куни, яъни декабрнинг охирига ҳафтаси туғилган.

Жумладан, 25 декабрь кўп сонли Ўрта Ер денгизи қуёш маъбудлари туғилган кун деб ҳисобланган<sup>292</sup>. Митраизм IV асргача Римнинг расмий дини деб ҳисобланган ва барча қуёш динларидан митраизм насронийликка катта таъсир кўрсатган. Ушбу динга берган бошқа бир қатор маросимлар билан бирга, 25 декабрь ҳам митраизм байрами бўлган, у орқали Рождество Христово номига эга бўлган. Racionalist Encyclopaedia хабар қиладики: "Байрам ҳақиқатдан тўлиқ мажусий эдики, ҳатто 245 йил Ориген гўёки у ердаги шоҳ бўлгани каби Исо туғилган санани нишонлаш ғоясининг ўзига қарши бўлган"<sup>293</sup>. Гап шундаки, асосий мажусий диний воқеалар саналари ўша пайтга келиб, шу қадар тарқалган ва оммавий эдики, насронийлик шу рангларга бўянишга мажбур бўлган. Р.Грегорининг таъкидлашича: "Насронийликни мажусийларнинг бу байрамини қабул қилишга ундаган асосий омил черков оталарининг насронийликни яқинда қабул қилганларни ўша пайтлар рўй берган мажусийлар маросимларидан узоқлаштиришга ҳаракат қилиш бўлган"<sup>294</sup>.

Британия энциклопедиясида айтиладики: "Дарҳақиқат, Рождество ҳам, 12 январга тўғри келадиган "Худонинг кўриниши" ҳам, қишки қуёш туриши ўзгартирилган мажусийлар байрамини ифодалаган, улар бир-бири билан қалин боғланган бўлиб, уларнинг келиб чиқишини алоҳида муҳокама қилиш мумкин эмасди"<sup>295</sup>.

Библия Рождествонинг ҳеч қандай муайян санасини

---

<sup>291</sup> Vivian Phelps (Progressive Revelation, 1936, p. 110).

<sup>292</sup> Edward Carpenter, op. cit.

<sup>293</sup> Racionalist Encyclopaedia, p. 102.

<sup>294</sup> R. Gregory (Religion in Science and Civilization, p. 113).

<sup>295</sup> Encyclopaedia, art. Christmas.

кўрсатмаган эканлигига қарамай, гарчи тахминий бўлса-да, у рўй берган фаслни аниқлаш учун асос беради. Юқорида айтиб ўтилганидек, Луқо ҳикоя қиладики, Исо туғилган кечада тунни ўтлоқда ўтказган чўпонлар олдида пайдо бўлган Фаришта Исонинг туғилганини хабар берган. Демак, Исо ёзда туғилиши лозим бўлган, чунки подалар Иудеяда нафақат жуда совуқ бўладиган, балки кўпинча ёмғир ёғадиган декабрда очик ўтлоқда бўлиши мумкин эмасди. Британия Энциклопедияси ўринли тарзда кайд қиладики: "Бироқ, 25 декабрни Рождество санаси деб қабул қилиш қийин, чунки декабрь – Иудеяда энг ёғингарчилик мавсуми, бу пайт подалар ҳам, подачилар ҳам тунда Вифлеем далаларида бўлиши мумкин эмасди"<sup>296</sup>.

Шу сабабли насронийлик умуман олганда 25 декабрни Рождество санаси деб қабул қилмаган. Православие черкови ҳозирги кунгача бу байрамни 7 январда нишонлайди<sup>297</sup>, ва, Racionalist Encyclopaedia га мувофиқ, илк асрларда бу сана турли черков йўналишлари унинг учун деярли барча йил ойларини танлаши учун фантастик ҳисоб-китоблар воситасида аниқлаган.

Ҳатто энг йирик археологлар ва черков тарихи бўйича мутахассислар ҳам иккиланишсиз таъкидлайдики, Исо 25 декабрда туғилганини тасдиқлайдиган ҳеч қандай маълумотлар йўқ, биз Рождество деб айтадиган нарса эса – Митра туғилган кун ёки қишки қуёш туришининг бошқача номи, холос. Уларнинг иккаласи ҳам келиб чиқиши ва моҳияти бўйича мутлақ мажусий ҳисобланади. Хастингс ёзадики: "Ҳозирги пайтда Европада тарқалган ва қадимдан сақланиб келаётган Рождество билан боғлиқ урф-одатларнинг кўпчилиги бу – асл насроний урф-одатлари эмас, балки черков томонидан қабул қилинган мажусийлар урф-одатларидир"<sup>298</sup>.

---

<sup>296</sup> Jbid.

<sup>297</sup> Edward Carpenter, op. cit. 169.0p.cit., p. 102.

<sup>298</sup> Hasting's Encyclopaedia, vol. 3, art Christmas Customs.

## ХОЧ

Турли маросимлар каби, насронийлик рамзлари ҳам келиб чиқиши қуёшга сиғинишга бориб тақалади. Хоч мистик келиб чиқиши ва мистик қўлланиши бўйича уникал аҳамиятга эга. Насронийлар учун у Исонинг оёқ-қўллари миҳланган крестни ифодалайди. Насронийлар таъкидлашича, хоч фақат насронийликка мансубликни билдиради ва динларнинг биронтасида ўтмишдошига эга бўлмаган. Шунга қарамасдан, Иезекиилнинг сўзлари (9: 4) насронийликдан олдинги давра яҳудийларда «Т» белгиси ёвуз руҳларни ҳайдайдиган машҳур рамз бўлган деган фикрга бориб тақалади. Қадимга яҳудийларда белги қия шаклга эга (/) бўлган, лекин кейинги сиғинишларда шаклан ўзгариб, ҳозирги перпендикуляр кўринишга эга бўлди<sup>299</sup>. Тавротда ҳикоя қилинишича, Мусо пайғамбар ўз халқига эшикларга қон билан хоч расмини чизган ҳолда ёвуз руҳлардан ҳимояланишга буйруқ берганмиш<sup>300</sup>. Левининг қайд этишича: "Насронийлар қабул қилган хоч белгиси фақат уларгагина тегишли эмас. Бу каббалистик белги, қарама-қаршиликларни ва элементларнинг тўртламчи мувозанатини ифодалайди"<sup>301</sup>.

Насронийликка унинг ақидаларидан кўпчилигини берган митраизм муқаддас рамз сифатида хочга ҳам эга бўлган. Проф. В. Келли Райт айтадики: "Хоч белгиси динга янги қабул қилинган муҳожирлар пешонасига чўғдек қизиб турган темир билан босилган ва улар хотирасида ваъда ҳақида ўчмас из колдирган"<sup>302</sup>. Шундай қилиб, бу эмблема насронийлик рамзига айланишидан анча аввал қуёшга сиғиниладиган турли динларда, жумладан, неофитлар орасида таниб олиш белгиси сифатида машҳур бўлган<sup>303</sup>. Бундан ташқари, Т шаклидаги хоч жинсий тақиқлар бўлган турли динларда эркаклар жинсий органи сифатида ҳам маълум бўлган. Эдвард Карпентер шу муносабат билан қайд этадики:

"Ҳаммага маълум бўлган Т шаклидаги хоч мажусий мамлакатларда эркаклар аъзосининг тасвири сифатида,

---

<sup>299</sup> Н. Р. Blavatasky, *op. cit.*, p. 393.

<sup>300</sup> Чикиш, 12:22.

<sup>301</sup> *Djgme et Rituel de la Haute Magie*, vol 2, p. 88.

<sup>302</sup> A Students Philosophy of Religions цитата по R. W. Boynton in *Beyond Mythology*, p. 125.

<sup>303</sup> Blavatasky, *op. cit.*, p. 87.

шунингдек, худо (Аттис, Адонис, Кришна, ёки яна кимдир) қўлоғидан миҳланган дарахт тасвири сифатида фойдаланиган"<sup>304</sup>.

Одетт Чернин қайд этишича:

"Хоч белгиси насронийлик қабул қилинишидан анча олдин у ёки бу эътиқоднинг тасдиғи ёки дин рамзи бўлиб хизмат қилган. Унинг шакли турли тасвирларда, шахсий зеб-зийнатларда, ҳайкалтарошлик асарларида бутун дунё бўйлаб топилади ва у қадимга замонларга бориб тақалади. У қадимги Мексика қоятошларида ўйилган ҳолда, Жанубий Америка сирли тамаддунлари қолдиқлари орасида ва бошқа кўплаб жойларда топилган. У Европа ва Узоқ Шарқда ҳам турли шаклларда учрайди"<sup>305</sup>.

Кейин у дейдики: "Авлиё Елена, Константиннинг онаси, ҳикоя қилишларича, Муқаддас Заминга амалга оширган зиёратларидан бирида муқаддас хоч топиб олган. Афсонага кўра, уни чормих қилинган жойга бу ернинг аниқ жойлашган жой ҳақида билимни мерос қилиб олган қария яҳудий олиб боради... Бироқ бу воқеадан ҳам олдин маълум бўлган афсонага кўра, ҳақиқий хочни Протоника, император Клавдийнинг хотини Протоника очган"<sup>306</sup>.

Ҳатто бугунги кунда ҳам Александрия шаҳар музейида намоиш этилган қадимги Миср хочи бу рамзнинг насронийликдан олдинги келиб чиқишининг монументал далилидир. Европада ва Америкада Мисрнинг хоч ёки ҳаёт белгиси ("Анх") срухансата (дастакли хоч) деб номланган урф бўлган безак сифатида ишлатилади<sup>307</sup>. Қоҳира мумия залига ташриф буюрганида, муаллиф "Анх" белгиси билан безатилган қадимги Миср фиръавнларининг тобутларини кўрди. Археологик топилмалар орасида худди замонавий насронийлар хочлари каби тўртта хоч билан безатилган Тутенхам уруғидан бўлган маликанинг музейида намоиш этилган олтин тожи қизиқиш уйғотади. Ирландияда<sup>308</sup> яна бир насронийлар давридан олдинги хоч топилган. Бу митраизм шляпасига яна бир пат қўшиб, унинг рамзлари ҳақида насронийликка ҳисса қўшган митраистик хочдир. Rationalist Encyclopaedia, қайд этадики, турли хилдаги хочлар бутун дунё бўйлаб топилади - Миср, Мексика, юнон,

<sup>304</sup> Edward Carpenter, op. cit., p. 183.

<sup>305</sup> Prediction, July 1967, vol: 33, Number 7, pp. 6-7 art: "The Cross Down the Centuries".

<sup>306</sup> Ibid, p. 7.

<sup>307</sup> Vivian Phelps (Progressive Revelation, p. 108).

<sup>308</sup> Dr. F. R. Ansari, "Islam and Christianity".

лотин, кельт хочлари маълум. Ливерпул бепул кутубхонасида ҳам хочлар тўплами мавжуд<sup>309</sup>.

Аниқ маълумки, хоч ҳеч қачон илк насронийларда муқаддас рамз бўлмаган ва табиийки, Авлиё Клементий каби черков отаси томонидан тузилган муқаддас атрибутлар рўйхатидан жой топмаган. Аксинча, у шармандалик<sup>310</sup>, таҳқирланиш<sup>311</sup> рамзи ҳисобланган. Фақат IV асрда уни транс ҳолатида кўрган деб ҳикоя қилинадиган император Константиннинг талабига биноан муқаддас деб топилган деб ҳисобланади<sup>312</sup>. Фақат бу босқичда, Исонинг илоҳийлиги тан олинган ва унинг хочга михланишига алоҳида аҳамият берилганда, хоч насронийликда қутқарилишнинг муқаддас рамзи сифатида пайдо бўлди.

---

<sup>309</sup> Racionalist Encyclopaedia

<sup>310</sup> К евреям 12:2.

<sup>311</sup> Jbid 12:3.

<sup>312</sup> Dr.F. R. Ansari, op. cit. Сушествовала легенда, что Константин накануне битвы увидел сияющий крест в небе с греческой надписью "Сим победишь".

## ИНЖИЛ – ЎТМИШ ВА ҲОЗИРГИ КУН

"Китобни ўз қўли билан ёзиб, сўнгра уни арзон баҳога сотиш учун: «Бу Аллоҳнинг ҳузуридан», дейдиганларга ҳалокат бўлсин!" Бақара сураси, 79.

Миллатлар тарихи аста-секин ёзилади, қоғоз ёки тош варақларда эмас. Ҳар бир давр, ҳар бир уруф унга ўз сўзларини, умидсизлик ёки умид, қувонч ёки нола матнларини қўшади. Джеймс Рассел Лауэл

### ИСО МАСИҲ ИНЖИЛИ

Исо баён этган хушxabар

"Евангелие" (хушxabар) сўзи том маънода "ибодатга чорловчи қўнғироқ овози" маъносини англатади. Марк Исо (алайҳиссалом) қуйидаги сўзларни айтган деб ҳисоблайди: "Исо бунга жавобан деди: Сизларга чинини айттайин: ким Мен учун ва Хушxabар (Инжил) учун уй-жойини, ака-укаларини, опа-сингилларини, ота-онасини, болаларини ёки далаларни ташлаб кетса"<sup>313</sup>. Исо бу ерда шогирдларини, жумладан, Петр у ва «унинг» Инжили билан қандай муносабатда бўлганлиги учун қоралайди. Бу ерда шогирдларнинг Исога содиқлигини мақташдан ташқари, Исода Инжил – Масиҳнинг шахсияти ҳақида эмас, балки у илгари сурган ва тарғиб этган хабар бўлмаганлигини яққол кўрсатади. Бошқа бир жойда Маркда қуйидаги сўзларни ўқиш мумкин: "Яҳё зиндонбанд қилингандан кейин, Исо Жалилага бориб, Худонинг Хушxabарини (Инжил) ваъз қилди: "Вақт-соати етди. Худонинг Шоҳлиги яқинлашди! Тавба қилинглар, Хушxabарга (Инжилга) ишонинглар!"<sup>314</sup>. Марк бўйича, Исо Юҳанно томонидан чўқинтирилганидан кейин у дунёга танитган биринчи таълимот қуйидагича бўлган: «Бутун жаҳон бўйлаб юринглар ва ҳамма тирик жонга Хушxabарни (Инжилни) эълон қилинглар"<sup>315</sup>. Шуниси қизиқ-ки, Исонинг қайта тирилганидан кейин рўй берган воқеалар ҳақида ҳикоя килар экан, Марк Масиҳ қуйидаги сўзлар

---

<sup>313</sup> Марк, 10:29.

<sup>314</sup> Марк, 1: 14-15.

<sup>315</sup> Марк, 16: -1

айтганлигини хотирлайди; "Ким Мен учун ва Хушхабар (Инжил) учун жонини берса, жонини асраб қолади"<sup>316</sup>.

Шундай қилиб, Исонинг чўқинтирилганидан кейинги биринчи сўзлари ҳам, қайта тирилгандан кейин охириги сўзлари ҳам Инжилга мужассам этилган. Инжилда шунингдек, Исода ваҳийлар экани қайд этилади<sup>317</sup>. Бундан ташқари, Инжилга кириш сўзида Луқо Исодан (ҳақиқий) Инжил мавжудлигига шаъма қилади: "Орамизда авж олган воқеаларни ҳикоя қилишга киришган кўпларнинг ташаббуслари маълумдир. Бу бўлиб ўтган ҳодисотларни бошданоқ ўз кўзлари ила кўриб, бизга нақл қилган кишилар Илоҳий Каломнинг шоҳиду хизматкорлари бўлмишлар..."<sup>318</sup>. Инжилчилардан биронтаси шу билан бир пайтда Исодан Инжилнинг тузувчи ёки ҳатто таҳрирчиси бўлганлиги таъкидламаган. Бунга жавоб топиш қийин эмас. Исонинг ашаддий душманлари бўлган ҳамда, насронийларнинг таъкилашича, уни жуда шафқатсиз таҳқирлаш ва ҳақоратлашга дучор қилдирган яҳудийлар унинг Инжилига қарши ҳам шу даражада душманлик руҳида бўлганлар ва уни чексиз ўзгаришлар оқибатида бошланғич софлигини йўқотган Таврот билан алмаштиришга интилганлар, Исо яҳудийларни муқаддас китобларда буюрилган Илоҳий нарсаларни бузишда айблаган. Унинг айтишича: "Яна уларга деди: Сиз ўз урф-одатларингизни деб Худонинг амрларини бир четга йиғиштириб қўйишни боқлайсиз-да! ...Шу билан сиз ўзларингиз ўрнатган урф-одатларингизни деб Худонинг каломини бекор қиласизлар. Ва шунга ўхшаш яна кўп ишларни қиласизлар"<sup>319</sup>. Яҳудийлар бундай баёнотни қанчалик қаҳр-ғазаб билан тинглаганини тасаввур қилиш қийин эмас. Оддий одамлар ҳам, қонунчилар ҳам табиий равишда, унга қарши чиққанлар. Исонинг Илоҳий чақириғини эшитмаганлар унинг рисолатларини муртаклик ҳолатидаёқ бўлиб ташлаш учун ҳамма нарсани қилдилар. Улар янги туғилган эътиқодни ўлдириш учун ҳеч қандай кучни аямадилар ва янги дин унга асосан қурилиши керак бўлган пойдевордан Исонинг издошларини маҳрум қилмагунча тинчланмадилар. Шундай қилиб, тарихнинг кинояси шундаки, Исодан ҳақиқий Инжил фитна ва ғулғуланинг чалкаш йўлларида йўқотилган ва сохта инжиллар билан алмаштирилган. Бу

---

<sup>316</sup> Марк, 8: 35

<sup>317</sup> Юҳанно, 12:50.

<sup>318</sup> Луқо. I: 1-2.

<sup>319</sup> Марк, 7: 9. 13.

Инжилнинг йўқотилиши дастлаб кичик қарама-қаршилиқлар пайдо бўлишига олиб келди, лекин аста-секинлик билан бири-бирига душманлик қиладиган ва айнан улар Исонинг ҳақиқий таълимотини тарғиб қиладиган ҳақида таъкидлайдиган секталар саҳна юзига чиқди. Василидианларнинг таъкидлашича, фақат улар – ҳақиқий Инжил қўриқчилари, гностиклар эса ўз Инжилга эга бўлган. Черков оталаридан бири - Марцион - ўша пайтда мавжуд бўлган барча Инжилларни инкор қилган ва улардан биронтаси Исонинг ҳақиқий хабарларини сақлаб қолиш ҳақида қайғурмаган деб таъкидлаган. Бу борада Грант айтадики: "Ҳақиқий талқин инқироzi Рим черковида тахминан 137-йил, Марцион исмли одам Қора денгиздаги Пантусдан келиб, нафақат ҳақиқий Инжил Тавротга зид келади, балки дастлаб оғзаки тарқатилган, кейин эса ёзиб олинган ва яҳудийлик тарафдорлари томонидан жиддий равишда бузиб келтирилган асл Инжил ҳам мавжуд бўлган эканлигини таъкидлай бошлаган. Марционнинг фикрига кўра, Исо мутлақо янги (бошқача қилиб айтганда, яҳудийларники бўлмаган) кейинчалик яҳудий шогирдлари томонидан, улар анъаналар қуллари бўлганлиги сабабли бузиб келтирилган Инжилни эълон қилган"<sup>320</sup>.

Исо ўзининг Инжилни эълон қилганига; у яҳудийлар қўлига тушиб, бузиб кўрсатилганига; Исонинг шогирдлари ушбу Инжиленинг мазмуни ҳақида тўғри тасаввурга эга бўмаганига; турли эътиқод мазҳабларини ифодалаган Инжилнинг турли вариантлари ва айтиб берилишларини тузиш бўйича кейинги ҳаракат унинг асл мазмунини акс эттиришга асло хизмат қилмаганига шубҳадан асар ҳам йўқ. Шу сабабли насроний илоҳиётчилари бошини сарак-сарак қилиш ва қуйидаги сўзларни айтишдан бошқа иложи қолмаган: "Роббимиз томонидан унинг Тоғдаги ваъзида, қудуқ ёнидаги суҳбатида ва шогирдлари билан сўнги суҳбатида фойдаланган сўзлари аниқ қайсилар бўлганлигини ер юзида биронта киши билмайди ва ҳеч қачон билиб ололмайди"<sup>321</sup>.

Тўғридан-тўғри тан олишлар ҳам мавжуд: "Таъкидлаш жоизки, баъзида инжилчи Роббимизнинг сўзларига ўзининг диний қарашлари асосидаги шарҳларини қўшади. Шубҳасизки, биз Худонинг ҳикматли гаплари сўзма-сўз етказилганилигини кута

---

<sup>320</sup> R. M. Grant (The Earliest Lives of Jesus, 1961, pp. 10-11).

<sup>321</sup> Washington Gladden (Who Wrote the Bible, p. 248).

олмаймиз... биз Илоҳий Қутқарувчининг аниқ сўзларини мўъжизавий такрорлашни кута олмаймиз. Боз устига, биз Роббимиз бу сўзларни она тилида қандай айтганлигини билмаймиз"<sup>322</sup>.

Исонинг хабарлари йўқотилган ва Исонинг шахсияти у ёки бу даражада афсонавий бўлиб қолган экан, номи кўрсатилмаган турли муаллифлар ва Исонинг сохта шогирдлари унинг таълимотлари тўпламини тузиш вазифасини ўз зиммасига олган. Эрамизнинг 60-йилларигача насронийлик издошлари орасида Инжил вариантларини тарқатувчилар бўлмаган ва ҳатто Исонинг шогирдлари ҳам Қонун ва Пайғамбарлар китоби, яъни Инжилдан иқтибос келтирган ва фақат анча кейинроқ Евангелиелар деб аталган китоблар пайдо бўлган. IV аср охирларида яшаган Фаустнинг ёзишича:

"Инжиллар деб аталадиган китоблар Ҳаворийлар давридан анча кейинроқ, дунё уларнинг ҳали хабардор бўлмаган ишлар ҳақидаги ҳикояларига ишонмаслигидан қўрққан ва бу китобларни Ҳаворийлар номидан чоп этган қандайдир шубҳали шахслар томонидан тузилган; бу китоблар аҳмоқлик ва қарама-қаршилиқларга тўла, ўлар ўртасида на мувофиқлик ва на боғлиқлик бор"<sup>323</sup>. Бошқа бир жойда, Инжиллар шубҳага ўрин қолдирмаслигини кўр-кўрона мадҳ этувчиларга мурожаат қилар экан, муаллиф қайд этади-ки:

"Бунга ажабланмаса ҳам бўлади, чунки биз кўпинча исботлаб берганимиздек, бу нарсалар на Исонинг ўзи томонидан, на унинг Ҳаворийлари томонидан ёзилмаган, лекин улар афсоналарга, нонаниқ миш-мишларга асосланганлиги ва ким томонидан тузилган эканлиги номаълумлиги (ярми – яҳудийлар томонидан), бири-бири билан яхши боғланмаганлигига қарамай, Роббимизнинг Ҳаворийлари номидан чоп этилган. Шундай қилиб, бу одамлар ўз хатолари ва уйдирмаларини қўшиб юборган"<sup>324</sup>.

Бошқа бир замонавий муаллиф, Мэри Эллен Чейз, қайд қиладики: "Эҳтимол, бугунги Инжилнинг биронта китоби унинг асл муаллифи қўлида бўлган ҳолатда эмас. Эсдан чиқармаслигимиз керакки, якуний Инжил унинг турли қисмлари

---

<sup>322</sup> Prof. J. Volckert of St. Mary's Theological College. Введение кРг. С. Bulk's "Four Gospels", p. 9. Ю.Деяния, 13: 15

<sup>323</sup> Цит. по Thomas Pain "The Age of Reason" p. 147. Это утверждение Фауста было возражением Св. Августину.

<sup>324</sup> Ibid, p. 148.

Авлиё Павел томонидан ёзилганидан кейин уч юз йилдан кўп вақт ўтгач китоб кўринишида расмийлаштирилган ва муомалага чиқарилган"<sup>325</sup>. Боз устига, Исонинг тили арамей тили бўлган. Бу борада Исонинг ҳаётини тавсифлайдиган тарихчилар орасида фикрлар қарама-қаршилиги йўқ. Арамей тили қадимги яҳудий тилидан келиб чиққан. Бугунги кунда маълум бўлган Инжил кўлёмаларининг энг қадимийлари юнон тилида, яъни Исо ҳеч қачон гапирмаган тилда битилган. Инжил фақат бир марта бир нечта юнон Исо билан сўзлашиш истагида бўлгани, лекин рад жавоби олгани ҳақида ҳикоя қилади<sup>326</sup>. Инжилда биз у ер-бу ерда учрайдиган ва Исонинг она тили, шубҳасиз, юнон тили бўлмаганлигини кўрсатадиган яҳудийча сўзларни учратамиз.

Масалан: Осанна (Матто, 21; 9), Или, Или, лама сава=фани? (Матто, 27: 46), Корван (Марк, 7: 11), Равви (Юҳанно, 3: 2, Марк, 14: 45, 23: 7, 8: 9), Авва (Марк, 14: 36), Гўлгота (Марк, 15: 22), еффафа (Марк, 7: 34), талифа куми (Марк. 5: 41), Силоам (Юҳанно, 9: 7), Раввуни (Иоанн, 20: 16), Масих (Юҳанно, 1: 41).

Каноник Инжилларнинг ҳар бир муаллифи ўзининг нуқтаи назарига эга бўлган ва шунга мувофиқ унга ёқиб қолган бўёқлар билан портрет чизган; инжиллар матнларидаги тафовутлар ҳам шундан. Мэри Эллен Чейз фикрига кўра: "Инжилни ёзувчилар нафақат тарғиботчи, балки контраверсиалист ҳам бўлган. Уларнинг ҳар бири насронийлар мурожаатига ўз талқинини берган. Авлиё Луқо, масалан, Авлиё Маркнинг фикрига қўшилмагани учун ўз Инжилини ёзган..."<sup>327</sup>. Рисолталарининг бошида Исо Худонинг Инжилини баён қилган. Бироқ Исонинг йўлдан адашган издошлари Инжилларда Исонинг ҳаётдан парчалар ҳақида, шунда ҳам узук-юлуқ шаклда ҳикоя қилганлар. В. Армстронг сўзлари нақадар тўғри (Бутунжаҳон Илоҳий Черковидан): "Исо Масихдан асл Инжил бу – Парвардигор юборган хабар ва Масих уни келтирган ва маълум қилган Илоҳий элчи бўлган. Бу дастлаб у ҳақида эмас, Подшолик – Худонинг ҳукмронлиги ҳақида ҳикоя бўлган. Исо уч ярим йил вақтни ўн икки ҳаворийсига бу хабарларни тарғиб қилишга бағишлаган"<sup>328</sup>. Эҳтимол, айнан шу сабабдан Инжилларда доктринага оид илоҳиёт кам, бунинг ўрнига биографик руҳда ёзилган, гарчи,

---

<sup>325</sup> Mary Ellan Ghase "The Bible and the Common Reader", 1958, p. 281.

<sup>326</sup> Юҳанно 12:20-23.

<sup>327</sup> Mary Ellan Chase "The Bible and the Common Reader", 1958, p. 279.

<sup>328</sup> All About Water Baptism!"

жиддий айтганда, стандарт таржимаи ҳол учун улар фавқулодда узук-юлуқ бўлиб, муфассал тавсифлардан маҳрум бўлса-да. Санаб ўтилган хурофот ва бидъатлар ҳамда мўъжизалар ҳақида ҳикоялардан, шунингдек, бир нечта ҳикоятлардан ташқари, ҳаёт хронологияси берилмаган, дин ақидалари эса аниқ баён қилинмаган. Улар Исо ҳаётидан эпизодлар шу қадар чалкаш суратини юзга келтирадигани, уларни ҳақиқий ва тарихий деб қабул қилиш қийин, агар биз уларни бир бутун деб қабул қиладиган бўлсак, улар ўртасидаги зиддиятлар Исонинг ҳақиқатда мавжуд бўлганлигини, унинг қандай тарихий фигура бўлганлиги, унинг рисолатлари нимадан иборат бўлганлиги масаласини ҳал қилишга имкон бермайди. Кейинги бўлимда бу Инжилларнинг ҳар бири алоҳида ва яна каноник бўлмаган адабиётлар кўриб чиқишга ҳаракат қилинади.

## ИНЖИЛЛАР – ИНСОНИЙ КОМПИЛЯЦИЯ

Юқорида айтиб ўтилганидек, Инжил китоблари – Парвардигорнинг ваҳийлари эмас, балки номаълум муаллифлар ёки Исонинг сохта шогирдлари компиляцияси. Шунга қарамасдан, 1870 йилги Ватикан Собори "ваҳий кучи билан" эълон қилдики, Инжилнинг барча янги китоблари "муаллифи Худо бўлиб, шундай ҳолида черковга берилган". Собор бу фикрга рози бўлмаганларга анафема эълон қилди<sup>329</sup>. Бундай қатъий баёнот танқидий кўриб чиқишга эҳтиёж сезади, ва уни кўр-кўрона қабул қилиб бўлмайди. Биринчи навбатда, биз Ваҳий нима эканлигини аниқлаштириб олишимиз зарур. "Ваҳий хиссиёт ёки оддий фикрлаш йўли билан билиб бўлмайдиган ҳақиқатни очиш демакдир". Ф. Скотт Ваҳий ҳақида ўзининг «Ваҳий ҳақидаги Инжил тушунчалари» китобида шундай ёзган<sup>330</sup>.

Одамга номаълум бўлган далилларни бундай хабар қилиш қандайдир воситачиликни, эҳтимол, туш кўришни, транс ёки ҳатто Хабарчи (Муқаддас Рух) медиуми роли ёки (айрим ҳолатларда), Мусо Пайғамбарда бўлгани каби, Худо билан тўғридан-тўғри суҳбатни кўзда тутиши мумкин. Бу транс ҳолатидаги инсон ва Худо ўртасидаги воситачилик инсонга номаълум бўлган ҳолатларни очиб беради.

Исо ер юзида яшаган тарихий шахс эди ва инсон сифатида фоний ҳаёт қувончлари ва ташфишларини ҳис қиларди. У Марямдан туғилган бўлиб, Инжилга кўра, ака-укаси ва опа-синглиси бўлмаган<sup>331</sup>. Унинг ҳаётидаги асосий эпизодлар унинг бевосита шогирдларига яхши маълум бўлган; уларнинг кўпчилиги ердаги ҳаракатлари гувоҳи бўлган. Шоҳиди бўлган ёки, уларнинг мавжудлиги ҳақида ривоятлар бўлган воқеа-ҳодисаларга нисбатан улар ҳақида бу гувоҳларга очиқ маълум бўлганлиги шубҳа уйғотмайди. Гап шундаки, деярли барча Инжил муаллифлари ваҳийларга эмас, оғзаки ривоятларга асосланган ҳамда Исонинг ҳаётидаги айрим воқеалар ҳақида иккинчи қўллардан олинган ёки (камдан-кам ҳолларда) шахсий хотиралардан олинган ҳикояларни гапириб берган. Томас Пейннинг айтишича:

---

<sup>329</sup> The Churches and Modern Thought, pp. 71-72.

<sup>330</sup> E. F. Scott (The New Testament Idea of Revelation, p. 5)

<sup>331</sup> Марк, 6: 3; Матто, 13: 55; Юҳанно 2: 12.

"Ваҳий, албатта, бу китобларда нафақат муаллифлар ўртасидаги келишмовчиликлар туфайли, балки Ваҳий ҳикоячининг кўз ўнгида рўй берган ёки бошқалардан эшитган далилларга тааллуқли бўлиши мумкин эмаслиги туфайли йўқдир"<sup>332</sup>. Инжил муаллифларидан фақат Павел ўз маълумотларини Парвардигордан Ваҳий олиш йўли билан олганлигини маълум қилган:

"Чунки мен уни инсондан қабул қилмаганман ва ҳеч кимдан таълим олмаганман; балки Исо Масихдан ваҳий олганман"<sup>333</sup>.

Бу бир тарафлама фикр ҳақиқат деб ҳисобланиши мумкин эмас, чунки унинг ўзи насронийликни қабул қилишида бир-бирига зид келадиган иккита эпизодни келтириб ўтган. Бир жойда у йўлдошлари фақат Илоҳий овоз эшитганлиги, лекин ҳеч ким кўрмаганлигини таъкидлаган<sup>334</sup>, бошқа бир жойда эса улар фақат нур кўрганлиги, лекин у билан гаплашган зотнинг овозини эшитмаганлигини айтиб<sup>335</sup>, биринчи фикрга зид гапирган. Бу икки баёнотнинг қайси бири тўғри эканлигини аниқлашнинг имкони йўқ. Агар унга Ваҳий орқали Илоҳий хабар юборилганида эди, у ўзига-ўзи зид гапирмаган бўларди. Замонавий олимларни унинг номидан келадиган хабарлар муаллифлиги ҳақидаги масала ҳам саросимага солади. Уларнинг айримлари бешта ваҳийдан тўрттасини сохта деб рад қиладилар.

Павелдан ташқари, ахборотни ғайритабиий манбадан олганлигини айтган биронта инжилчи йўқ. Луқо баён этган Инжил муқаддимасида айтилишича, Инжил - ҳикоя, Ваҳий эмас<sup>336</sup>. Матто ҳам, Луқо ҳам Исо (алайҳиссалом) Бен-Давид бўлганлигини исботлаш учун унинг мукамал шажарасини келтириб ўтган. Матто таъкидлашича, Давиддан Исогача 28 та ота бўлган, Луқо эса 43 та отани кўрсатган<sup>337</sup>. Бундан ташқари, Матто келтириб ўтган Исонинг аждодлари исмлари Луқо келтирган исмлардан бошқачадир. Агар иккала шажара Илоҳий манбадан берилганида эди, улар фарқ қилмаган бўларди. Томас Пейннинг айтишича: "Агар Матто ҳақиқатни гапираётган бўлса, демак Луқо алдаяпти; агар Луқо ҳақиқатни гапираётган бўлса, демак Матто

---

<sup>332</sup> Thomas Pain "The Age of Reason" p. 129

<sup>333</sup> Галатяликларга, 1: 12

<sup>334</sup> Хаворийлар, 9: 7.

<sup>335</sup> Хаворийлар, 22: 9.

<sup>336</sup> Луқо, 1: 1-4

<sup>337</sup> Матто, 1: 2-16; Луқо, 3: 23-38. 26.0p.cit., p.1 30.

алдаяпти; уларнинг биридан кўра бошқасига кўпроқ ишониш учун ҳеч қандай асос йўқ, уларнинг иккаласига ҳам ишониш учун асос йўқ, агар уларнинг иккаласига ҳам бир нарсада ишониб бўлмаса, демак бошқа нарсаларда ҳам ишониш мумкин эмас. Ҳақиқат – бир томонлама нарса; илҳом ва Ваҳийга келадиган бўлсак, агар уларни эҳтимол тутсак, улар бир-бирига қарама-қарши бўлиши мумкин эмас".

Авлиё Думелоу очик тан оладики: "Генеалогиялар бу – илҳомга асосланмаган ҳужжатлар. Улар кўпинча узук-юлуқ бўлган маълумотлардаги бўшлиқларни тўлдириш учун бор кучини сарфлаган яҳудий шажара тузувчиларнинг ишлари натижасини ифодалайди"<sup>338</sup>. Дж. Т. Сандерленд қуйидагича баҳо беради: "Ваколатли олимларнинг ҳукми аниқ ва яқдил: бу Инжилларнинг барчаси одамлар томонидан тузилган ва шу сабабли одамларга хос бўлган мукамал эмасликка эга. Улар ўз тузувчилари ёки муаллифларининг ҳар нарсадан хабардорлигини аниқламайди, бу ҳолда улар қандай қилиб хатолардан ҳоли бўлиши мумкин?"<sup>339</sup>.

Бошқа бир машҳур олим, Джозеф Вуд, қуйидагича ҳукм чиқаради: "Шубҳага ўрин қолдирмайдиган йўл-йўриқ сифатида. Библияни аянчли муваффақиятсизлик деб ҳисоблаш керак"<sup>340</sup>. Яна бир кўзга кўринган муаллиф, сэр Ричард Грегори ёзишича: "Сўнги авлод давомида матнларни танқидий таҳлил қилиш техникасидаги тараққиёт билан, ҳикоя ва қиссаларда гавдаланган афсоналарни баҳолашнинг қиёсий усули киритилиши билан Библиянинг ҳақиқийлиги ҳақида ортодоксал фикр қўллаб-қувватланиши мумкин эмаслиги янада яққол бўлди"<sup>341</sup>. Инжил матни қарама-қаршилиқларга шунчалик бойки, биографлар Исонинг таржимаи ҳолини тузишлари осон бўлмаган. Бошқача қандай бўлиши ҳам мумкин! Инжил ҳикоялари, кўпинча афсонавий бўлиб, тарихий маълумотлардан кўра тарғиботга бой бўлган, бунда қарама-қаршилиқлар ҳам кўп учраган. Насронийликни кўр-кўрона мадҳ этадиган шахсларни истисно қилиб, Ренан каби биографлар қуйидаги каби маълумотларни тан олишга мажбур бўлган: "Мен Исонинг ҳаётини ҳеч ким Юҳанно унга мансуб деб айтадиган нутқар асосида кетма-кетликда қандайдир қилиб тавсифлай олмайди, деб таъкидлайман. Бундай

<sup>338</sup> Rev. Dummelow (Commentary on the Holy Bible, p. 622).

<sup>339</sup> J. T. Sunderland, "The Bible "Its origin, Growth and Character", p. 113.

<sup>340</sup> The Bible - What It is and Is not, 1892, p. 52

<sup>341</sup> Religion in Science and Civilization, Цитата по "Christianity in History", 1968, p.

узлуксиз тарғиботлар ва ўзини кўрсатиш услуби, доимий тортишувлар, сахналаштирилган самаралар оддийликдан маҳрум; ҳар бир мўъжизадан кейин узундан-узоқ нутқлар, кескин ва қовушмаган суҳбатлар, уларнинг оҳанги кўпинча сохта ва нотекис бўлиб, агар уларни синоптикларнинг ажойиб иборалари билан таққослайдиган бўлсак, диди бор одам учун чидаб бўлмайдиган ҳисобланади"<sup>342</sup>.

Қарама-қаршиликлар мазмуни ошкора Муқаддас китоблар учун ҳалокатли бўлиб чиқиши сабабли, уларга кўпроқ эътибор қаратиш мазмунга эга. Исо (алайҳиссалом) миссияси учта инжилчи томонидан турлича – 10-20 ёки ҳатто атиги 1 йил давом этган деб кўрсатилишидан бошлайлик. Юханно Инжили хронологияси билан боғлиқ йирик муаммо вужудга келади, унда Исонинг миссияси даврида Қуддусда кетма-кет бўлиб ўтган иккита, эҳтимол, учта пасха ёдга олиб ўтилади. Марк, унинг ортидан Матто ва Луқо Қуддусга фақат битта сафар ҳақида, фақат битта пасха ҳақида гапиради, яъни миссия қисқа муддатли, тахминан бир йиллик бўлган. Агар инсон (насронийлар фикрига кўра, унинг ўзи Ваҳий қилади) билан рўй берган энг муҳим ҳодисалар турли одамлар томонидан турлича тушуниладиган бўлса, Ваҳийларнинг бу ўзига хос тури қандай экан? Шундан кейин, Исонинг хочга михланиши аниқ санасини ҳам топишнинг имкони йўқ. Дастлабки уч Инжил бу воқеа жума куни, 15 Нисана деб кўрсатади; қанчалик ҳайратланарли бўлмасин, Инжилларнинг биронтаси бу воқеа рўй берган йилни кўрсатмаган. Бу эраизминг 20, 30 ёки ҳатто 33 йили бўлиши мумкин эди<sup>343</sup>. Бундан ташқари, Инжилларда қарама-қаршиликлар шу қадар кўпки, бу эпизодларга ишониш ёки уларни чиқариб ташлаш орасида танлаш қийин. Масалан;

1. Луқо. (17; 21) айтадики: " Мана, Худонинг Шоҳлиги ўз ичингиздадир" дейилган бўлса, бошқа жойида эса, тез орада Инсон ўғли келиб, Худо шоҳлигини ўрнатади, деган (Матто, 3: 2, 4: 17; Марк, 1:15).

2. Маттода (5:21-22, 33-34. 38-39, 43-44 и др.) қонунга рози эмаслик ҳақида тез-тез баёнот учратамиз. Бу ерда Қонундан бир қарич ҳам узоқлашмаслик лозимлиги ҳақида аниқ кўрсатма ҳам бор (Матто, 5: 18).

---

<sup>342</sup> Цит. по А. D. Azhar "Christianity in History", 1968, p. 47

<sup>343</sup> Schofield, N. J. (The Historical Background of the Bible, 289).

3. Луқо (4: 18) айтадики, Инжил қулдорликни бекор қилишга чақиради ва эндиликда у камбағаллар ва асоратга солинганлар Инжилии бўлишини айтади. Худди шу Инжилда (17; 7, 9, 10) қуллик мавжудлигини жимгина тан олиншини кўзда тутади.

4. Инжилчилар айтишича, қонунни бажармаслик ихтиёрий равишда ўз манфаатларидан воз кечишсиз абадий ҳаётга йўлланма ҳисобланади, бу эса халос бўлишни фақат дин-этиқод билан боғлиқ масала қилиб қўяди (Матто, 19: 16-21; Луқо, X: 28; 18; 28) ва у эзгу ишларга боғлиқ деган қоидага зид келади (Луқо, 9: 48). Яна кўр-кўрона этиқод қилиш (Матто, 10: 15) ва гуноҳларни қон билан ювиш (Матто, 26: 28) талаби ўрнатилади.

5. Мўъжизаларни сир сақлашга буйруқлар (Матто, 12: 16; 9: 30; Марк, V; 19) уларни оммавий бажариш тавсифлари билан галма-гал келади.

6. Бахт-саодат ваъда (Матто, 6: 33; 19: 29) ва инкор (Матто, 10: 34-35) қилиниши галма-гал келади.

7. Фақат исроилликларни қутқариш ғояси (Матто, 10: 5-6; 15: 24; 19: 28) Худо шохлиги улардан олиб қўйилиши ва бошқа халққа берилиши ҳақида қатъий баёнотга зид келади (Матто, 21: 43).

8. Устоз муваффақиятига нисбатан яққол зиддиятлар (Матто, 13: 54-58 и Луқо, 4: 21-29).

9. Матто (1: 15) ва Луқо (2: 4) шуни кўрсатадики, Масих Довуд авлодларидан бўлади; бошқа томондан, Матто (22: 43-45), Марк (12: 35-37), Луқо (20: 41-44) бундай эмас дейди.

10. Чекланган ёки чекланмаган авф ҳақида бир-бирига зид келадиган қоидаларни Матто келтириб ўтади (18: 15-17, 21-22).

Бу фақат этиқоднинг асосий бандларига тааллуқли зиддиятлардир, иккинчи даражали зиддиятлар эса анча кўпроқ. Мана шу сабабдан Инжиллар ваҳийлар ҳисобланади деган фикрга қўшилиб бўлмайди. Илоҳий Ваҳийлар доимо изчил бўлади, уларни ноаниқлик ва қарама-қаршилиқлар бўлиши мумкин эмас. Вақт ўтиши билан насроний илоҳиётчи-рационалистлар Инжил – Илоҳий Ваҳийлар эмас, инсоний компиляция эканлигини, бундан эса улардаги инсоний хатолар келиб чиқишини тан ола бошладилар. "Библия тарихи" муаллифи дадиллик билан ва объектив равишда таъкидлайдики: "Библиянинг инсоний характери ҳар бир саҳифада кучли намоён бўлади; унинг муаллифлари ўз шахсияти, ўз замонаси, ўз шароитлари ва чекловлари изини қолдирган, бу эса қўлига қалам олган ҳар

қандай одам учун табиийдир". Британия Энциклопедиясида айтилишича: "Яҳудий ва юнон матнларини тадқиқ этиш ниҳоят, ваҳий ҳақида таълимот бутун Библияни Илоҳий яратилган бир турдги нарса деб кўрсатган пойдеворни жойидан қўзғатди"<sup>344</sup>. 1930 йил Кентерберия ва Йорк архиепископи тайинлаган Комиссия қуйидаги фикрни билдирганда бу тезисни тасдиқлади: "Черков одатда XIX аср бошларигача унга амал қилган Библиянинг шубҳага ўрин қолдирмаслик аънанаси ҳозирги пайтда мавжуд билим нуқтаи назаридан сақланиб қолиши мумкин эмас"<sup>345</sup>.

Агар бу ҳужжатлар битилган пайтида қандайдир муқаддасликка эга бўлганида, бирон-бир инсон қўли келгусида оригинал матнни ўзгартиришга журъат этмаган бўларди, вазият тақозоси билан ва ўша пайтлардаги черков оталарининг фармонлари билан эса уларга керакли бўлган талқинлар киритилган ёки уларнинг мақсадларига хизмат қилмаган оятлар чиқариб ташланган. Юқорида айтиб ўтилганидек, замонавий илм-фан томонидан насронийликнинг асосий ақидалари уларга асосланадиган, тез-тез иқтибос келтириладиган матнлар, хусусан, Учлик<sup>346</sup> ва Исонинг Илоҳийлиги борасида қалбаки бўлганлиги исботланган. Шу сабабли черков томонидан тайёрланган ва эълон қилинган ҳар бир вариант ўзгаришлар ва тузатишлар киритилишига тўғри келган. Ҳаттоки янги таржима қилиш вақтида ҳам янги матнлар киритилган. Уайклифф содир этган деб ҳисобланган ва бунинг учун Констанца Собори томонидан 1415 йилнинг май ойида<sup>347</sup> унинг суяклари кабридан қазиб олиниб, дарёга ташлаб юборилган жиноят гуноҳ саналмай қўйди ва Муқаддас матнга «эрудитлар» томонидан кетма-кет тузатишлар киритилди...

Дастлаб бунга кучли қаршилик кўрсатилди, лекин кейинроқ, рационалистлар қўли баланд келиб, кундалик кашфиётларни инкор қилиш имкони бўлмай қолгач, черков жим қолди. Тиндейл ўз таржимасини эълон қилганида, у тақиқланган; кейин эса 1611 йил қирол Жеймс муаллифлигидаги вариант барча олдинги Библия вариантларини сиқиб чиқарди. Икки ярим асрдан кейин Библияни қайта кўриб чиқиш бўйича Америка Қўмитаси қирол

<sup>344</sup> Enciclopedia Britannica, vol. VII, p. 501.

<sup>345</sup> The Doctrine in the Church of the England.

<sup>346</sup> 1- Юҳанно, 5: 7.

<sup>347</sup> Story of Civilization, Part VI (The Reformation, p. 37).

Жеймснинг вариантыда 20 мингдан ортиқ хато топди ва «Қайта кўриб чиқилган вариант» тайёрлади. Кейин «Қайта кўриб чиқилган стандарт вариант» пайдо бўлди. Ўлик денгиз қўлёмалари кашф этилиши эса Библиянинг барча тадқиқотчиларини ҳайратда қолдирди. Археологлар қўшчининг омови қабр тошига дуч келиб тўхтаганида, 1928 йил Сурия ҳудудида қадимий қўлёмалар топдилар. Библия тарихида қачонлардир машҳур бўлган бой топилма, «Ўлик денгиз қўлёмалари» номи остида маълум бўлган қоғозлар Фаластинда 1947 ва 1956 йилларда тақдим этилди. Натижада бешта янги таржима чоп этилди: Янги Америка Библияси, Янги Англия Библияси, Янги Яҳудийлар Версияси, Қуддус Библияси ва Бугунги Англия Версияси<sup>348</sup>. Илоҳиётшунослар бу матнларни қайта кўриб чиқиш устида ҳам фаол ишламоқдалар. Бу ҳолат янгилик эмас. Қадим замонладан бери ҳар бир ақл-идрокли насроний муаллиф ҳозирги пайтларгача бу аччиқ ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлган. Дж. Робертсоннинг айтишича, Евсевий III асрдаёқ Евангелиеларнинг Илоҳий муаллифлигини инкор қилган ва таъкидлаганки, "булар нафақат насроний ва мажусий бўлмаган қандайдир кимсалар тарафидан балки илоҳий ваҳийни инкор қилганлар тарафидан қилинган"<sup>349</sup>. Афсус! Насронийлик тарафдорлари ҳамон торнинг битта симини чертиб турибди.

---

<sup>348</sup> Reader's Digest, June 1971 issue, pp. 119-122.

<sup>349</sup> J. M. Robertson (A Short History of Free Thought, vo.I,p.935).

## МАРК БАЁН ЭТГАН ХУШХАБАР (ИНЖИЛ)

Умумий фикрга кўра, Марк баён этган Инжил тўртта каноник инжиллар ичида энг қадимийси ҳисобланади. Сандерленднинг аниқлашича, у эрамизнинг 70-йилида ёзилган<sup>350</sup>, Кеньон эса 65 йил ёзилган деб ҳисоблайди. Биз Марк Петрнинг шогирди сифатида у билан маълум бир вақт ўтказганидан бошқа у ҳақида ҳеч нарса билмаймиз. Папиас, илк насронийлик бўйича энг нуфузли шахслардан бири, эрамизнинг 125-йили ёзганидек:

"Марк, Петрни талқин қилувчига айланиб, ёдида бўлган нарсаларни аниқ ёзиб қолдирган, лекин Масих нима дегани ёки нима килганини ёзиб бормаган, чунки у Худони тингламаган, ортидан эргашмаган; бироқ кейинчалик, айтганимдек, у Петрнинг ортидан эргашган, унинг таълимотини ўз тингловчилари учун мослаштириб олган, гарчи унда Парвардигор сўзлари ҳақида мукамал ҳисобот тайёрлаш истаги бўлмаган бўлсада"<sup>351</sup>.

Бу фикрга танқидий ёндашув шундай хулосага олиб келадики, Инжил ваҳийларга, Масихнинг ҳақиқий таълимотига эмас, балки Исонинг шогирди – Петрнинг ўғитларига асосланади, у эса, ўз навбатида, Исонинг аниқ фикрларига асосланмаган, лекин «унинг тингловчилари эҳтиёжларига мослаштирилган». Петрнинг бу тингловчилари ёки Исонинг миссиясини «бешиқдалигида» бўғиб ташлашга катта куч сарфлаган яҳудийлар, ёки афсонавий маъбудларга шу қадар сиғинишга ботиб кетиб, ҳақиқий диннинг ҳар бир нуруни қора афсонавий уйдирмалар кўланка ташлаган мажусийлар бўлган.

Насронийлик соҳасидаги бошқа бир нуфузли шахс Клементий Александрийский бу ҳақида қуйидагича фикр билдирган: "Марк узоқ вақт Петрнинг издоши бўлганлиги ва унинг нималар деганини эслаб қолганлиги сабабли кўпчилик ундан Петрнинг сўзларини ёзиб боришни сўрашган. У шундай қилган ва Инжилни сўраган одамларга берган. Петр бу Инжил ҳақида билган, лекин унга тўсқинлик ҳам қилмаган, уни рағбатлантирмаган ҳам"<sup>352</sup>. Бу фикрнинг биринчи қисми *argiori* Марк баён этган Инжил илоҳийлик, ваҳийларга асосланади деган ғояни инкор қилади; иккинчи қисмда Клементий Марк томонидан ёзилган Инжил унинг

<sup>350</sup> J. T. Sunderland, (The Bible -Its growth and origin, p. 126).

<sup>351</sup> Цит. по Hasting's Enciclopaedia of Religion and Ethiers)

<sup>352</sup> Цит. по R. M. Grant "The Earliest Lives of Jesus", p. 36.

таълимотларига асосланган Петр томонидан қабул ҳам қилинмагани, рад ҳам этилмагани эҳтимолига йўл қўяди. Агарда у Петр ваъзларининг асл қайди бўлганида эди, эҳтимол уни тавсия қилган ва маъқуллаган бўларди; унинг бунга тўсқинлик қилмагани эса, буни қабул қилган деган фикрга унчалик хизмат қилмайди. Евангелиега бундай ғайриодатий муносабат шу билан изоҳланадики, Петр, афтидан, черков ичида фикрлар қарама-қаршилигини истамаган ҳолда сукут сақлашни маъқул топган. Нима бўлганда ҳам, Петрнинг Инжил борасида сукут сақлаши кўпроқ унинг маъқулламаганлигидан дарак беради. Боз устига, апокрифлар орасида Петрнинг номи билан битилган Инжилни топиш мумкин бўлиб, у айрим насронийлар черковларида тўрт-беш аср давомида тарқалган. Петр ва Марк баён этган Инжиллар бир-бирига асло ўхшамайди. Албатта, фақат хотираларни асос қилиб олган бошқа киши томонидан ёзилган вариантдан кўра ҳаворийнинг ўзи томонидан ёзилган Инжилни афзал кўриш маъқул бўларди. Бироқ, Черков бу ҳужжатларни муросага келтира олмади ва оқибатда Петр баён этган Инжил каноник эмас ва бидъат деб инкор қилинди. Бундай ўзбошимчалик билан қилинган танлов сабаблари фақат черков оталарига маълум. Бироқ, бу далилни бошқа яшириб бўлмайди ва у Инжил ваҳийдан кўра кўпроқ хотиралар маҳсули деб айтишга имкон беради. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, апокрифлар орасида «Исонинг ҳаётидаги воқеалар ҳақида хотиралар» сифатида машҳур бўлган кичик ҳужжат топилган. II асрда яшаб ўтган нуфузли насронийлар уни Марк билан боғлаганлар. Бу ҳужжат билан таққослаганда Маркнинг каноник Инжилдан фарқли равишда унда маълум бўлмаган воқеалар ҳақида тафсилотларни ўз ичига олади. Сандерленд «Хотиралар»га киритилмаган материаллар учун асос бўлиши мумкин бўлган манбани кўрсатади<sup>353</sup>. Шу сабабдан маълум бўладики, Марк ўз Инжилни фақат Петр таълимотига асосламаган, балки бизга номаълум бўлган бошқа манбалар ҳам мавжуд бўлиши мумкин эди. Бундай чалкаш ва далил-исботларга бой бўлмаган Марк баён этган Инжил тарихи бу қайдлар Илоҳий ваҳий эмаслиги, демак, Исо (алайҳиссалом) ҳаёти ҳақида тўғри ахборотлардан иборат деб ишонишга асос бермайди.

---

<sup>353</sup> J. T. Sunderland, *op. cit.* p. 1213.

## МАТТО БАЁН ЭТГАН ХУШХАБАР (ИНЖИЛ)

Инжилдаги биринчи хушхабар – бу Матто баён этган инжилдир. Кўпинча унинг муаллифи Маттони – Исо (алайҳиссалом) шогирдларидан бири бўлган деб таъкидланади. Библияшунос экспертлар фикрига кўра, мазкур Инжил 70 ва 90 йиллар оралиғида ёзилган<sup>354</sup>. Бироқ 9-бобда Инжил муаллифи – Матто деган фикрга зид келади. "Исо у ердан ўтаётганда, солиқ йиғадиган жойда ўтирган Матто исми одамни кўриб қолди-да, унга: Менинг орқамдан юр! – деди. У эса ўрнидан қалқиб, Исонинг орқасидан юрди"<sup>355</sup>. Агар Матто бу сатрлар муаллифи бўлганида эди, ундан олдинги ва кейинги бошқа муаллифлар (масалан, Павел унинг макутбларида) каби биринчи шахс номидан гапирган бўларди. Демак, муаллифлик кейинчалик Маттога мансуб деб ёзиб қўйилган. Шотландия черковидан руҳоний В.К.Сомервиль буни дадил тан олади. Унинг ёзишича: "Бу Евангелие 80-йиллар атрофида номаълум муаллиф томонидан ёзилган. У, афтидан, яҳудийлар динини қарор топтиришдан кучли манфаатдор бўлган шахс томонидан тузилган ва эҳтимол, насронийларнинг кўпчилиги илгари яҳудий бўлган жойларда фойдаланиш учун тайёрланган"<sup>356</sup>. Инжил, афтидан, Исонинг шогирди бўлмаган, унинг шогирдлари ҳақида бевосита маълумотларга эга бўлмаган ва Исо ҳақида маълумотларни халқ афсоналари ва ривоятларидан олган кимса томонидан ёзилган; бу қайдлар Илоҳий ваҳий деган фикр ҳар қандай асослардан маҳрумдир. Руҳоний Думелоу айтадики: "Айтилганлардан маълумки, мазкур Инжил муаллифини Матто деб айтиш умуман имконсиз нарса"<sup>357</sup>. Инжил ёзишда материал олинган манбаларга келадиган бўлсак, ишонч билан тахмин қилиш мумкинки, бу оғзаки ривоят ва хотиралар бўлган. Ушбу Инжил ёзилган пайтда Марк ёзган Инжилдан бошқа инжил ҳам бор эди ва биз кўрсатганимиздек, у ҳам ўз тавсифлари бўйича асл ҳужжатга мос келмасди. Матто Инжили муаллифи Марк инжилдан қониқмаганлиги ва бошқа Инжил ёзишга мажбур бўлганлигиёқ унинг Маркдан ташқари бошқа манбалардан фойдаланиш

---

<sup>354</sup> J. T. Sunderland, op. cit.

<sup>355</sup> Матто, 9: 9

<sup>356</sup> Rev. Somervill (A First introduction to the New Testament, p. 62).

<sup>357</sup> Dummelow's Commentary on the Holy Bible, p.620.

имконига эга бўлганлигини кўрсатади. Масалан, Марк Исонинг ҳеч қандай шажарасини келтириб ўтмаган ва отасиз дунёга келган мўъжизасини ҳам зикр қилиб ўтмаган, Маттода эса, аксинча, бу ҳақида батафсил ҳикоя қилинган. Замонавий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, черков тасарруфида арамей тилида ёзилган Инжил ҳам бўлган, гарчи яҳудийлар Инжили деб нотўғри аталган бўлса-да. Бир қатор жиддий фарқлардан ташқари, у ва Матто Инжили ўртасида қалин боғлиқлик ҳам бор. Шу сабабли Матто Инжили ёки яҳудий тилидан юнон тилига таржима, ёки таҳрир ҳисобланади деган фикр бор. Бу тахмин фақат қисман тўғри бўлиши мумкин, чунки агар у яҳудий тилидан таржима ёки таҳрир бўлганида эди, черковда уни бидъат деб аташ ва уни қонунийлаштириш учун ҳеч қанадй асос бўлмасди. Джеймс Хастингс ёзадики: " Матто Инжилни яҳудий тилида ёзган ёки ёзмаганлигидан қатъи назар... шубҳа йўқ-ки, черковнинг илк ривожланган даврида ўша пайтлар Иудеяда тарқалган, яҳудий тилида ёзилган Евангелие мавжуд эди"<sup>358</sup>.

Шундай қилиб, гарчи Хастингс кўрсатиб ўтган дастлабки яҳудийлар манбаси доимо қоронғуликда яширинган бўлса-да, номи кўрсатилмаган муаллиф унинг яққол мавжудлигини тан олмаса-да, бу яҳудий ренегат (муртад) сари бўлган деб қатъий хулоса чиқариш мумкин. Муаллиф номи яширин эканлиги бу Илоҳий ваҳийлар қайди бўлган деган эҳтимолни истисно қилади.

---

<sup>358</sup> James Hastings (A Dictionary and the Gospels, vol. I, p. 670).

## ЛУҚО БАЁН ЭТГАН ХУШХАБАР (ИНЖИЛ)

Учинчи хушхабар – Луқо баён этган Инжилдир. Рухоний Сомервил фикрига кўра, у афтидан, тахминан 80-йилларда ёзилган, гарчи бир неча йил олдин ёки кейин бўлиши мумкин бўлса ҳам<sup>359</sup>. Бу Инжил тузувчиси бўлган Луқо, Павелнинг маълумотларига кўра, шифокор бўлган<sup>360</sup>. Инжилчилар орасида у яҳудий бўлмаган ягона одам, юнон муаллифи эди, лекин бошқалар каби, у ҳам Исони кўриш имкониятга эга бўлмаган. Албатта, у Павел билан бирга маълум вақт ўтказган, лекин афсуски, Павелнинг ўзи ҳам Исони кўрмаган. Инжили структураси бўйича кўриш мумкинки, унинг муаллифи ўқимишли киши бўлган, бундан ҳикоя қилишнинг жонли услуби ҳам далолат беради. Китобнинг ўзига хос муқаддимасида у Феофилга – машҳур Римлик мутафаккирга мурожаат қилади: "Орамизда авж олган воқеаларни ҳикоя қилишга киришган кўпларнинг ташаббуслари маълумдир. Бу бўлиб ўтган ҳодисотларни бошданок ўз кўзлари ила кўриб, бизга нақл қилган кишилар Илоҳий Каломнинг шоҳиду хизматкорлари бўлмишлар. Шундай қилиб, мен ҳам бошидан ҳаммасини синчиклаб текширганимдан кейин, эй муҳтарам Теофил, бу воқеаларнинг тафсилотини тартиб ила сизга ёзиб беришни муносиб кўрдим, токи сиз берилган маълумотларнинг жуда асосли эканини билингиз"<sup>361</sup>. Бу тўрт оят шубҳа қолдирмайдики, Луқодан олдин оғзаки ривоятларга ёки Илоҳий Каломнинг хизматчилари ва гувоҳларнинг фикрларига асосланган ҳолда ҳисобот ёки ҳикоя (лекин Инжил эмас) тузишга ҳаракат қилган кўплаб муаллифлар бўлган. Луқо Исонинг таржимаи ҳоли ёки тарихини ёзган бир пайтда фақат иккита Инжил – Марқдан ва Матто баён этган Инжиллар мавжуд эди. Агар муаллиф уларни кўзда тутганида, Луқо кўплаб муаллифлар Исо ҳақида ёзган деб айтмаган бўларди. Марк инжили 65-йил атрофида ёзилган ва Луқо у ҳақида билиши лозим бўлган, Матто Инжилига келадиган бўлсак, унинг Луқо ўз асарини ёзишга ўтирган вақтда ёзиб бўлинган деб айтиш қийин. Юҳанно Инжили бундан ҳам кечроқ пайдо бўлган ва шу сабабдан Юҳанно Луқо гапириб ўтган кўпчилик орасида бўлиши мумкин эмасди. Доктор Вреде ҳам

---

<sup>359</sup> Sommervill, op. cit., p, 64.

<sup>360</sup> Колосаликларга, 4: 14.

<sup>361</sup> Луқо, 1: 1-4.

«Инжилнинг келиб чиқиши» номли китобида шунга ўхшаш хулосага келади. Унинг ёзишича: "Шундай қилиб, Юҳанно Инжили ўша пайт ёзилмагани ва Луқо Матто ҳақида билганлиги номаълум эди. Ягона шубҳасиз манба Марк Инжили бўлиши мумкин эди"<sup>362</sup>. Шундай қилиб, Луқо учун ягона очиқ бўлган китоб бу Марк Инжили эди. Луқонинг бу тўрт ояти библияшуносларни шу маънода эсанкиратиб қўйдики, бу «кўпчилик» ким эди. Бироқ, агар Луқонинг фикрини борича қабул қиладиган бўлсак, сўнги икки оят унинг бу материаллардан кенг фойдалангани ва уларни кўриб чиққанидан кейин ўз эҳтиёжлари ва танлови бўйича қисса ёзишга (у Евангелие бўлишга даъвогарлик қилмаган) қарор қилганини кўрсатади. У илҳомланган ҳолда ёзганини айтиш ўрнига Луқо манба сифатида бошқалар томонидан ёзилган асарлардан фойдаланганини кўрсатади. Шу сабабли ҳеч қандай ваҳий ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бу китобни ёзишдан мақсадга келадиган бўлак, Мэри Эллен Чейз қайд этишича, "Афтидан, Исонинг ҳаёти тарихини ёзиш ўша давр услубига мос келган бўлиб, бошқа биографик асарлар қаторида Плутарх ҳаётининг тасвири ҳам берилган"<sup>363</sup>. Луқо ўз қиссасини Феофил деган одамга тақдим этиш учун ёзган ва унинг асари бўлғуси насронийлар каноник Инжилини тўлдиришини хаёлига ҳам келтирмаган.

---

<sup>362</sup> Dr. William Wiede (The Origin of the New Testament, p. 48).

<sup>363</sup> Mary Ellen Chase, *op. cit.*

## ЮХАННО БАЁН ЭТГАН ХУШХАБАР (ИНЖИЛ)

Инжилнинг тўртинчи муаллифи – бу Юҳанно баён этган хушхабардир. Муқаддас матннинг ҳар бир сўзини Исонинг тўғридан-тўғри шогирдлари номи билан боғлайдиган насронийларда одатда бўлганидек, бу Инжил ҳам сўнги бобдаги оят асосида ҳаворий Юҳанно қаламига мансуб деб айтилган: "Ана шу шогирд бу ишларнинг ҳаммасига гувоҳ бўлиб, уларни ёзиб олган. Унинг гувоҳлиги ҳақиқат эканлигини биламиз"<sup>364</sup>. Бу оятни танқидий мушоҳада қилишда кўзга ташланадики, бу ҳақиқий муаллифнинг сўзлари эмас, балки учинчи шахснинг гувоҳлиги, кейинроқ қўшилган, одамларни Инжил Исонинг севимли шогирдидан келиб чиқишига ишонтириш учун бошланғич қўлёзмага бошқа одам қўли билан ёзилган қўшимчадир.

Биз мазкур Инжил ҳаворий Юҳаннонинг асари эканлигининг ишонарли далилларига эга эмасмиз. Бахтимизга, Юҳаннонинг шогирди бўлган Поликарпнинг асарларидан фойдаланишимиз мумкин. Агар Юҳанно ушбу Инжилнинг ҳақиқий муаллифи бўлганида, унинг шогирди бу ҳақида ўз хотираларида ёзиб қолдирган бўларди. Бироқ дастлабки учта Инжилдан жуда кўп жойларни иқтибос қилган ҳолда, Поликарп Юҳаннонинг Инжилидан биронта оятни иқтибос қилиб келтирмагани ғалати. Бу эса Юҳанно ўлган пайтда Джеймс Мартино айтганидек: "Биз, афтидан, тўртинчи Инжилнинг ҳаворийлик муаллифлиги матнларнинг ўзидан ҳам, ваколатли бир гувоҳ томонидан ҳам қўллаб-қувватланмаслиги ҳақида хулоса чиқаршига мажбурмиз"<sup>365</sup>.

Поликарпдан ташқари, ҳаворийнинг муаллифлигига қарши яна бир муҳим гувоҳимиз бор. Евсевий – Черковнинг биринчи машҳур тарихчиси – бизга хабар қиладики, Юҳанно қаламига мансуб деб айтиладиган матнлар авлодлар давомида нафақат алоҳида мутафаккирларда, балки кенг доирадаги тақводорлар орасида ҳам шубҳа уйғотган. Конибернинг қайд этишича, 110-180 йилларда Шарқий Черковда бу матнни ҳаворийнинг асари сифатида рад қилган мазҳаб мавжуд бўлган. Ушбу қараш тарафдорлари шу қадар радикал эдиларки, китобнинг асл муаллифини топдилар – бу Черков томонидан жазоланган церинт

---

<sup>364</sup> Юҳанно, 21: 24.

<sup>365</sup> Martineau (The Seat of Authority in Religion, p. 211).

исмли машхур бидъатчи бўлган<sup>366</sup>. Боз устига, ушбу Инжилнинг искандарияча услуби синоптик Инжиллар услубидан кескин фарқ қилади. Ф. Гладстон Браун, замонавий тарихчи-библияшунос, бу борада қуйидагича фикр билдирган: "... синоптик ва Юҳанно хотиралари ўртасидаги кескин фарқларга кўра, галилейлик балиқчи томонидан ёзилган бўлишини тасаввур қилиб ҳам бўлмайди. Афтидан, бу Филон ғоялари билан таниш бўлган александриялик файласуфнинг фикрларидир. У Фаластин аҳолиси таркибидан бўлмаган"<sup>367</sup>.

Бу – Ватикан бидъатчилар сифатида қоралаган озчиликнинг эмас, балки Ф.К.Баур, Дж.Дж.Тейлер, Кайми, Хольцман, Шольтен, Фледерер, Шурер, Дэвидсон, Мартино, Карпентер, Э. А. Аббот, Кон каби замонавий черков хизматчиларининг фикрлари.<sup>368</sup>

Шундай қилиб, унинг муаллифи ноаниқлик қоронғулигида яширинган, мавжуд ҳужжатлар орасида тарихийлик даражаси энг паст бўлган ҳужжат қандай қилиб ҳаворий Юҳаннога ваҳий бўлиши мумкин?

---

<sup>366</sup> Conybeare F. C. (A History of the New Testament Criticism. pp. 1-2).

<sup>367</sup> F. G. Gladstone Brotton (A History of the Bible, pp. 140-141).

<sup>368</sup> J. T. Sunderland, op. cit. p. 127 f.

## АПОКРИФИК ИНЖИЛЛАР ВА БОШҚА МУҚАДДАС ДИНИЙ КИТОБЛАР

Эрамизнинг 70-йилларида Қуддус вайрон қилинганидан сўнг Исо (алайҳиссалом) шогирдлари тарқалиб кетдилар, камдан-кам ҳолатларни истисно қилганда, уларнинг Исо таълимоти ҳақидаги қайдлари билан ҳам шу ҳолат рўй берди. Уларнинг ўрнини ўзининг мустақил ҳикоя ва қиссалари билан саҳна юзига чиққан бир нечта номаълум муаллифларнинг асарлари эгаллади, лекин уларнинг жамият томонидан қабул қилиниши учун улар Исонинг шогирдлари қаторига киритиб қўйилганди. Тўртта каноник Инжил ва Инжилга киритилган бошқа муқаддас диний китоблардан ташқари, яна бир нечта китоб мавжуд бўлиб, улар черков томонидан бидъат деб қораланган<sup>369</sup>. Сандерленд бундай апокрифлар сонини тахминан 109 та деб айтади, бироқ кейинги тадқиқотлар (1946 й.) бу рақамнинг анча катта бўлиши лозимлигини кўрсатади. Айрим энг муҳим апокрифлар ҳақида қуйида қисқача маълумот келтириб ўтилган.

1. Варнава Инжили. Исонинг 12 ҳаворийларидан бири бўлган Варнава томонидан ёзилган. Биз у ҳақида II асрда яшаб ўтган кўплаб нуфузли насронийларда маълумот учратишимиз мумкин. Британия Энциклопедияси (ст. "Апокрифическая литература") ва Гелазий Декретида (эрамизнинг 500-йили атрофида) кўрсатилишича, у насроний черковлари томонидан кўрсатилган декрет билан тақиқланмагунга қадар фойдаланилган, шундан кейин эса, бахтга қарши, йукотилган ёки Черков оталари томонидан қасддан йўқ қилиб юборилган. Америка Энциклопедиясида ёзилганки: "Шунингдек, Варнава ёзган Инжил бўлган, айрим қадимий муаллифлар, хусусан, Гелазий Декретида ёдга олиб ўтиладиган муаллифлар унга ҳавола қилади (эрамизнинг 500 йили)"<sup>370</sup>. Бу Инжил жуда қизиқ тарихга эга. Бир неча аср давомида эсдан чиқариб юборилганидан кейин, у фақат XVIII асрнинг бошларига келиб дунё юзини кўрди. Унинг латин тилидаги варианты бир немис олими томонидан 1709 йил кашф қилинган ва ҳамон Вена Музейида сақланади. Бироз кейинроқ бу Инжилнинг испан тилидаги нусхаси дунё юзини кўрди. Инжил 1907 йил Лондсвейл томонидан чоп этилди ва инглиз тилига

---

<sup>369</sup> Подробности см. в Hastings Enciclopedic, Extra Volume.

<sup>370</sup> The Enciclopaedia Americana, vol. 3, p. 261. D.

Лора Регг томонидан таржима қилинди. Бу Инжилнинг черков томонидан маъқулланмаслиги сабаби аниқ эди; у Исонинг асл таълимотига асосланганди, черков эса Исонинг ўзи ўргатган нарслардан анча паст турган ва унга зид келган Павелнинг ёлғон-яшиқ уйдирмаларига асосланарди. Тақдир ҳазилини қаранг-ки, Павелнинг ўзини Исога Варнава таништирганди<sup>371</sup>, лекин Варнава Павел томонидан Исо таълимотига янгиликлар киритилганидан хабр топгач, Павел билан алоқаларни узди ва Кипрга кетиб қолди<sup>372</sup>. Павел ўша пайтлар ўлаётган яҳудийлар илоҳиётшунослиги суяклариди ва таназзул ёқасига келиб қолган юнон-рим афсоналари вайроналарида насронийлик ақидалари устқурмасини барпо этди. У Исога илк яҳудийлар башоратларининг ижроси сифатида қарарди ва ўзбошимчалик билан Исони пайғамбарлик мартабасидан эришиб бўлмайдиган илоҳий даражага кўтарди. Бундай вазиятда Масих тимсолида эмас, балки Муҳаммад (с.а.в.) тимсолида Пайғамбар келиши ҳақида башорат қилган Исонинг таълимотига асосланган Инжил черков томонидан қораланган ва руҳонийлар унга эътибор бермай қўйган. Аниқ ва икки хил тушунишга йўл қўймайдиган сўзлар билан Инжил пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) келишини башорат қилган, масалан: "Мен сизга ҳақиқатни айтяпманки, Худонинг Элчиси бу – Худо яратган ҳамма нарсаларга қувонч олиб келадиган ёғду, чунки у ақл-идрок ва маслаҳат руҳи, донолик ва куч руҳи, бағрикенглик ва севги руҳи, эҳтиёткорлик ва камтарлик руҳи билан йўғрилган: у мурувват ва илтифот руҳи, адолат ва ҳамдардлик руҳи, у ўзи берганидан кўра Худодан уч баравар кўпроқ олган юмшоқлик ва сабр-тоқат руҳи билан йўғрилган. У дунёга келадиган муборак вақт! Менга ишонинг, мен уни кўрдим ва бошқа пайғамбарлар, унга ҳурмат бажо келтирдим... Ва мен уни кўргач, менинг калбим тасалли топди ва мен дедим: Эй Муҳаммад! Аллоҳ йўлдошингиз бўлсин ва мени сандалларингиз боғичини боғлаб қўйишга муносиб қилсин; бунга эришганимдан сўнг, мен Худонинг буюк ва муқаддас пайғамбари бўламан. Шу гапларни айтгач, Исо Худога миннатдорчилик билдирди".

Деярли ҳар бир саҳифада биз шунга ўхшаш кароматларни учратишимиз мумкин ва, эҳтимол, шу сабабдан дин ақидалари

---

<sup>371</sup> Ҳаворийлар 9/27

<sup>372</sup> Gal II, 13. V 61. Евангелие от Варнавы, с1. 13, 180.

билан боғлиқ ҳар нарсада эҳтиёткор бўлган черков хизматчилари бу диний матнни бидъат ва динни янги қабул қилган муслмоннинг иши деб эълон қилган, дейди Лора Регг. Инжилдан ташқари, Библиянинг мавжуд юнон қўлёзмалари орасида энг қадимийси – Синай Кодексига киритилган Варнава умумий мурожаатлари ҳам бор. Уларнинг бу қўлёзмага киритилиши шуни кўрсатадики, улар биринчи асрларда кенг тарқалган, лекин кейинчалик қонун доирасидан чиқарилган.

2. Матиас инжили II аср охирларига келиб Оригенда черковларда кенг оммалашган (246 й.), Клементий, Искандария епископи ҳам ўз вақтида унга ҳавола қилган.

3. Василид Инжили. 130 ва 140 йиллар оралиғида ёзилган ва Ориген биринчи бўлиб Василид унинг муаллифи эди деб таъкидлаган. У мисрлик насронийлар орасида гностиклар сектаси асосчиси бўлган.

4. Апел Инжили. У узук-юлуқ бўлиб, Хастингснинг таъкидлашича, бу Марцион шогирди томонидан ёзилган Инжил варианты бўлиши мумкин.

5. Ева Инжили. Борборитлар – мисрлик насронийлар сектасида кенг тарқалган. У ҳақида Епифаний – энг дастлабки насроний муаллифлар асарларида ёдга олиб ўтилган.

6. Иуда Искариот Инжили. Иринея ва Епифанийнинг гувоҳлик беришича, бу Инжил гностилкарнинг яна бир сектаси бўлган каинитлар орасида жуда оммалашган. Ўқувчиларга эслатиб ўтамузика, Иуда Искариот Исонинг шогирди бўлиб, уни сотган.

7. Мисрликлар Инжили. Клементий Александрийский (175-299 гг.) бу Инжилни бидъат деб хотирлайди. У, шунингдек, Клементий Римский мурожаатлари сифатида ҳам номланган.

8. Петр Инжили. У тахминан иккинчи асрнинг ўрталарида ёзилган бўлиб, Суриядан келиб чиққан, у ҳақида биринчи бўлиб Ориген гапирган. У ҳақида Антиохия епископи Серипионнинг хатида ҳам бирров ёдга олиб ўтилади.

9. Яҳудийлар Инжили. У ҳақида илк бора Хегесипп 180 йил атрофида ёзган. Джеромнинг айтишича, у дастлаб арамей тилида – «Исо Масих ва унинг ҳаворийлари тилида» ёзилган. Айримлар уни Матто Инжилининг арамей тилидаги асли, демак, каноник Матто Инжилининг асли деб ҳисоблайди.

10. Марцион Инжили. У II асрнинг биринчи чорагида бошка барча Инжилларни Исо Масихнинг ҳақиқий таълимотини ифодаламайди деб рад этган Марцион томонидан ёзилган

ҳисобланади. Ҳозирги шаклда Павелнинг мактубларини ҳам ўз ичига олади.

11. Ўн икки Ҳаворийдан, II аср охири - III аср бошига мансуб. Бу баҳо Ориген тасдиқлашига асосланади.

12. Фомадан болалик ҳақида Инжил. Бу Инжил Исонинг болалиги ҳақида ҳикоя қилади, ўз вақтида черковнинг барча бўғимларида кенг ўқилган. Эҳтимол, III аср бошларида ёзилган. «Фома Инжили» деб аталадиган яна бир Инжил мавжуд.

13. Никодим Инжили. Дастлаб яҳудий тилида ёзилган, кейин Ананий томонидан юнон тилига таржима қилинган.

14. Валентин инжили ёки Ҳақиқат Инжили. У ҳам анча эрта даврга мансуб бўлиб, Ҳақиқат Инжили деб аталган. У ҳақида насронийлар Черкови оталаридан бири бўлган Тертуллианда ёдга олиб ўтилган.

15. Филипп Инжили. Ушбу Инжилдан фақат бир парча мавжуд, холос. II аср охирига мансуб. Бу Инжиллардан ташқари бошқа кўп сонли Инжиллар ҳам бўлган. Каноник бўлмаган бу Инжилларнинг барчасини бир тўплам қилиб йиғишга ҳаракат қилиб кўрилган, лекин барча апокрифик Инжилларга каноник бўлмаган диний китобларнинг ҳаммаси ҳам киритилмаган; бундай ҳаракат самарали бўлиши ҳам мумкин эмас, чунки ҳар бир ўн йиллик бизга янги ноканоник диний китоблар кашф қилингани ҳақида хабар қилинади. Бундай кўп сонли Инжиллар мавжудлиги шуни кўсатадики, черков оталари орасида бундай қиссалар ёзиш, кейин эса омманинг маъқуллашига эришиш учун уларни ҳаворийлар ёки бошқа машҳур диний раҳбарлар номи билан имзолаш урф бўлган. Бундай матнлар сонининг қор кўчкиси каби ўсиб бориши оммани шундай саросимага солиб қўйдик, Муқаддас диний китоблар сохта матнлардан ажратиб бўлмайдиган бўлиб қолди. Айтиш жоизки, бу Инжилларнинг ҳар бири қайсидир сектани ифодалаган насронийлар гуруҳи томонидан қўллаб-қувватланган. Дарҳақиқат, 70-йил ибодатхона вайрон қилингач, насронийлар жамоати уларнинг ҳар бири Ҳақиқатни асровчи бўлиш учун даъвогарлик қилган кўп сонли бир-бирига душман фирқаларга бўлиниб кетди. Британия Энциклопедиясига кўра, бундай Евангелиелар сони 120 тага етган. 312 йил император Константин насронийликни қабул қилди ва шу билан Рим черкови енгил нафас ола бошлади. Бироқ ҳамма томондан турли бидъатлар бош кўтарди. Шу сабабли император 318 йил Никейда епископлар синодини чақирди.

Бошқа масалалар қаторида бу ерда насронийлик қонунлари ва ақидалари яратиш масаласи кўриб чиқилди. Гуручни курмақдан ажратиш осон иш эмасди. Соборнинг ҳар бир қатнашчиси ўзи эътиқод қилган Инжилни ҳимоя қиларди. Ушбу Соборда муҳокамалар узоқ давом этди, бироқ епископ-диссидентлар мурасага кела олмадилар, одатий черков мўъжизалар техникасидан фойдаланилди. Ушбу Собор қатнашчиси Паппус ўзининг Собор Синодикасида хабар қиладики:

"Соборга кўриб чиқиш учун тақдим этилган барча китобларни тартибга солмасдан черковдаги "Стол Причастий" остига қўйиб, епископлар Парвардигордан улар руҳланган муқаддас матнлар Столнинг устида, ёлғон матнлар эса – Стол тагида бўлишини сўраб дуо қилдилар ва оқибатда шундай рўй берди ҳам"<sup>373</sup>.

Мана шундай қилиб, «мўъжиза» воситасида каноник Инжилга айланган тўртта инжил, бошқа қабул қилинган диний китоблар билан бирга, бир кечада Столдан жой олди. Бу борада Е.П.Блаватская зукколик билан қайд этди: "Бироқ тунда собор залининг калити кимда бўлганлигини бизга айтишмади"<sup>374</sup>.

Шундай қилиб, мўъжизанинг ечими шундан иборат эдики, тунда кимдир император Константин ва унинг арзанда-епископлари розилигини олиб, уларнинг танлови бўйича тўртта Инжилни Худонинг Столига қўяди ва шу тариқа Муқаддас Рух ролини ўйнади<sup>375</sup>. Шу тариқа муаммо Никей Соборида ҳал этилди. Бироқ бу қонунлар ва ақидаларни диндорлар оммасига мажбуран қабул қилдириш осон эмасди. 341-381 йилларда бўлиб ўтган Лоадикей ва Карфаген соборлари худди шу муаммога дуч келди. Фақат 367 йилга келибгина Искандария епископи Афанасий ҳозирги Инжилнинг 27 та китоби буюрилган машҳур Пасха мактубини Ўрта ер денгизи черковларига жўнатди. Бироқ, Рим папасининг католикларга бу мурожаатларига қарамай, кўп сонли бошқа китоблар черковларда ўқишда давом этилди, бу ҳақида епископ Гелазийнинг 500 йилдаги Декрети ҳам далолат беради. Бундан кейин черков қонунларида белгиланган китоблардан

---

<sup>373</sup> Цит. по Н. Р. Blavatasky Isis Unveiled vol. 2, p. 251. См также: Earnest Hascel "Riddle of the Universe".

<sup>374</sup> Op. cit., p. 251.

<sup>375</sup> Римская церковь настаивает на том, что каноны Нового Завета были установлены во II в. Она ссылается при этом на так называемый Муреторианский Канон. Этот документ тем более загадочен, что сохранился только его конец, да и то неясно, написан ли оригинал по-гречески или по латыни (Monsignor Louis Duchesne, The Early History of Christian Church, vol. I. p. 369).

бошқа ҳар қандай китоб ифлос, бидъат ва келиб чиқиши иблис билан боғлиқ китоб саналадиган бўлди. Барча насронийларга бу апокрифларга тегиниш тақиқланди<sup>376</sup>. Бунга қарама-қарши, Инжилнинг 27 китоби Илоҳий келиб чиқишга эга деб ҳисобланди. Бу соборларда қандайдир черков оталари томонидан ихтиёрий равишда танлаб олинган, тахаллус остида ёзилган китобларга тааллуқли. Шу сабабли Инжиллар таъкидланадиган аниқлигига шубҳа қилиш учун барча асослар бор. Боз устига, ҳамон номаълумки, Томас Пейн қайд этганидек, "Бугунги кунда Инжил номи остида маълум бўлган муқаддас матнлар уларни тузувчилар таъкидлаган кўринишдами, ёки нималардир қўшилган, ўзгартирилган, олиб ташланган ёки қўшилганми"<sup>377</sup>.

---

<sup>376</sup> Интересно, что во время религиозных и гражданских церемоний при коронации короля или королевы в Британской Империи экземпляр Библии, который монарх целует, должен содержать все апокрифические документы. Неловкая ситуация возникла при коронации Эдварда VII в 1910 г., когда почти в последнюю минуту была отвергнута специально переплетенная Библия, представленная для церемонии Британским Иностраным Обществом Библии, и заменена Библией, содержащей апокрифы.

<sup>377</sup> Thomas Pain "The Age of Reason" p. 11.

## ИНЖИЛ ВА ҚАДИМИЙ ҚЎЛЁЗМАЛАР

Инжилнинг ҳозирги вариантини қадимий қўлёмалар билан боғламасдан кўриб чиқиш мумкин эмас. Ҳозирги пайтга келиб, 4500 га яқин қўлёмма маълум<sup>378</sup>. Уларнинг аксарияти қисман зарарланган ва узук-юлуқ бўлиб, фақат кам сонлилари тўлалигича сақланиб қолган<sup>379</sup>. Бу охириги турдаги қўлёмалардан фақат иккитаси бутунлигича Инжилдан иборат, ҳозирги пайтда тан олинмайдиган, лекин ёзилган пайти Муқаддас диний матнларнинг бир қисми бўлиши мумкин эди. Синай кодекси номи остида маълум бўлган IV асрга оид Альфа қўлёммаси энг қадимий қўлёмма саналади. У 1859 йил Синай тоғида Тишендорф томонидан кашф қилинган ва ҳозирда Британия музейида сақланыпти. Кейинги ўринда турадиган муҳим қўлёмма - Ватикан Кодекси 1621 йил Константинопол патриархи Кирилл Люкер томонидан очилган. Ҳозирги пайтда Ватиканда сақланади. V асрда ёзилган. Бу икки кодексдан ташқари, анча кейинги даврга оид яна бир нечта қўлёмма ҳам мавжуд. Ҳайратланарлиси, энг эски Инжил қўлёммалари Исонинг рисолатларидан тахминан 400 йил ортда қолади, лекин улар ҳам оригинал компиляция саналмайди, балки тахаллус остида муаллифлар томонидан ёзилган қайдларнинг нусхаларидан нусха ҳисобланади. Епископ Эрнест Уилльям Барнз таъкидлашича: ... шуни эсдан чиқармаслик керакки, гарчи бундан ҳам эрта парчалар топилган бўлсада, мавжуд Инжил қўлёммаларининг биронтаси эрамизнинг IV асридан нарига ўтмайди". Бу қўлёммаларнинг барчасида ҳам қарама-қаршиликлар борми деган савол юзага келади. 1892 йил Библияни қайта кўриб чиқиш бўйича Америка Қўмитаси турли матнларда 150000 та тафовут топилганини эълон қилди<sup>380</sup>. Бу фақат 1700 та қўлёмма маълум бўлган пайт эди, уларнинг сони 4500 дан ортиқ бўлганда эса тафовутлар сони бир неча марта ортиши лозим эди. Фредерик Кенион қуйидаги энг муҳим тафовутларни топган: "Парвардигорга ибодат дексологияси энг қадимий нусхада Матто 6: 13; бир нечта нусхада Матто 16: 2, 3 оятлари тушириб қолдириган; баъзида Матто 20: 28 қўшимча

<sup>378</sup> Cambridge Histore of the Bible, vol. 2, p. 28 (1969 ed).

<sup>379</sup> Подробности см. в Kenyon's Our Bible and the Ancient Manuscripts. 69. The Rise of Christianity.

<sup>380</sup> J. T. Sunderland (The Bible -Its growth and origin, p. 202).

узун бир парча топилади; Марк Инжилининг сўнги 12 ояти юнон оригиналининг иккита энг қадимги нусхасида тўлиқ тушириб қолдирилган; обрў-эътибор соҳиби бўлган бир қария ушбу эпизодни Луқо 6-бобидан кейин қўшиб, Луқонинг 12: 19, 20 бобида "причастие" маросимини таъсис қилиш ҳақидаги ҳикояни ўзгартиради, 24: 12 бобда Петрнинг Худонинг Тобутига ташрфи буюришини, шунингдек, қайта тирилиш билан боғлиқ бир нечта детални тўлиқ тушириб қолдиради; Луқода 21: 2-4 даги ибодат варианты кўплаб нусхаларда жуда қисқартирлиган; қонли сув тошқини эпизоди 22: 43, 44 бобда тушириб қолдирилган, худди 23: 34 бобида хочдаги "Эй Ота! Уларни кечиргин" сўзлари каби; чўмиладиган жойда сувни ҳаракатга келтириш учун фаришта қандай тушгани ҳақидаги қайдлар Юҳанно инжилининг энг қадимий нусхаларининг 5:4 бобида умуман йўқ ва барча нуфузли шахслар VII: 53- VII II" бобда фаҳш устида қўлга тушган аёл билан боғлиқ эпизодни тушириб қолдирадилар<sup>381</sup>. Худди шу тадқиқотчининг айтишича: "Бу йирик фарқлардан ташқари... иборалар турли вариантда бўлмаган оят ҳам топилмаса керак. Бу қўшимчалар, қисқартмалар ёки ўзгаришлар ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас деб ҳеч ким айтолмаса керак"<sup>382</sup>. Бу тафовутлар албатта, қайд этилади, фақат сақланиб қолган қўлёзмаларда ва черков томонидан II-III асрларда қабул қилинган қўлёзмаларда уларнинг сонини тасаввур қилиб кўринг. Ориген матнларидан ўша пайтлар вазият анча ёмон бўлган деб ишонч билан хулоса чиқариш мумкин. "Бундай вазиятда шак-шубҳасизки, нусхалар ўртасидаги тафовутлар жиддий бўлиб, қисман айрим мирзалар эътиборсизлиги билан, қисман ёзилган нарсаларни тўғрилашга оқланмаган тарздаги жасорат билан, қисман эса айримлар тузатиш киритиш жараёнида ўзига ёққан тарзда бирон нарсани олиб ташлаши ёки қўшиши билан изоҳланади"<sup>383</sup>. Бутун бир парча алоҳида таъкидлаб кўрсатишга лойиқ. Оригендан ташқари, II-III асрлардаги черков оталарининг бизгача етиб келган асарларида ҳам Инжилдан бир нечта бир-биридан фарқ қиладиган иқтибос мавжуд ва эҳтимол, шу сабабли муҳолифлар доимо матнларни қандайдир мақсадлар билан бузиб кўрсатганликда айбланган<sup>384</sup>. Бу вариантларнинг очилиши

<sup>381</sup> Frederic Kenyon (Our Bible and the Ancient Manuscripts. 1958, pp. 48-49).

<sup>382</sup> Ibid,

<sup>383</sup> Цит. по Joseph Wood "The Bible - What It is and Is not", p. 26

<sup>384</sup> Ibid.

нафақат Черковнинг Библия матни у ёзилган пайтдан буён ўзгармаган деган баёнотини инкор қилди, балки турли фундаментал таълимотлар учун, масалан, 12 та охири оятда прозелитизация (янги дин қабул қилиш) кўзда тутилган Марк матни ва Юҳанно варианты учун асос бўлиб хизмат қилди. Бошқа бир муҳим далил шуки, қадимги кодекслар ҳатто сўзларни ажратмасдан ва тиниш белгиларисиз, ҳатто овозни англатадиган белгиларсиз унциал хат билан (бош ҳарфлар билан) ёзилган. Бундай зич ёзилган унциал хатни, айниқса, юнонлар хатини тушуниш қийин ва уни талқин қилиш ноаниқликдан холи эмас, бу ҳақида Сандерленд ҳам гапирди<sup>385</sup>.

Қадимги қўлёзмаларда бобларга ажратиш, уларнинг ичида эса – оятларга ажратиш бўлмаган. Бобларга ажратиш илк марта 1236 йил кардинал Уго де С, Каро томонидан, оятларга ажратиш эса – уч асрдан кейин, 1555 йил Роберт Стивенсон томонидан жорий қилинган.

---

<sup>385</sup> J. T. Sunderland, *op. cit.* p. 198. 76. *Ibid*, p. 199.